БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 22 (1284)
29 ЯНВАРЬ
ПАЙШАНБА
1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 30 ТИЙИН

Ватанимиз пойтахти Москвада, Катта Кремль саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдан ташқари XXI съезди ўз ишини давом эттирмоқда.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари тўғрисида

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ доклади*)

Бу — ҳазилакам маблағ эмас, ўртоқлар. Фақат социалистик давлатгина ўз гражданларининг турмушини яхшилашга шу қадар кўп маблағ ажратиши мумкин. Капиталистик мамлакатлардан келаётган кишиларнинг кўплари коммунизмдан анча узоқ бўлсаларда, лекин соф виждонли кишилар бўлганликлари учун бизнинг мамлакатимизда ҳар бир киши учун шунчалик кўп маблағ сарфланаётганлигини кўриб ҳайратда қолаётганликлари бежиз эмас.

Уй-жой билан таъминлаш сингари кундалик масалани олиб кўрайлик. Уй-жой проблемаси инсониятнинг энг ўткир социал проблемаларидан биридир. Масалан, АҚШ демократик партияси Миллий комитетининг «Фактлар китоби»да айтилишига қараганда, Америка Қўшма Штатларида 15 миллион киши вайроналарда яшамоқда, 13 миллион иморат, ҳамма иморатларнинг тўртдан бир қисми уй-жой бинолари олдига қўйиладиган талабларга жавоб бермайди. Шаҳарлардаги уйлардан 7 миллиони батамом эскириб қолганлиги сабабли яшаш учун яроқсиздир. Капиталистик дунёда меҳнаткашлар уй-жойга муҳтожликдан, квартира учун оила бюджетининг 25-30 процента миқдорида жуда кўп ҳақ тўлашдан асло қутулолмаётирлар.

Совет Иттифоқида меҳнаткашларнинг уй-жой, маиший шароитини яхшилаш тўғрисида тобора кўпроқ ғамхўрлик қилинмоқда. Бизнинг мамлакатимизда квартира ҳақи, шу жумладан коммунал хизматларга тўланадиган ҳақ ҳам оила бюджетининг ўрта ҳисобда 4-5 процентини ташкил қилади. Қишлоқда уй-жой бинолари колхозларнинг ва давлатнинг ёрдами билан қурилмоқда. Ҳеч бир капиталистик мамлакатда меҳнаткашлар учун бундай имконияти йўқ.

Партия ва ҳукуматнинг уй-жой танқислигини тугатиш ва бу билан уй-жой проблемасини яқин 10-12 йил ичида ҳал қилиш ҳақида 1957 йилда қўйган вазифаси муваффақиятли равишда бажарилмоқда. Кейинги икки йил ичида умумий саҳни 120 миллион квадрат метрдан иборат ёки планда кўзда тутилганига қараганда 12 миллион квадрат метр кўп уй-жой бинолари қурилди. Етти йил ичида умумий саҳни 650-660 миллион квадрат метрдан иборат уй-жой бинолари ёки 15 миллионга яқин квартира қуриш мўлжалланади. Бу эса, шаҳарларда Совет ҳокимияти йилларида вужудга келтирилган бутун уй-жой фондидан ортиқдир.

Уй-жойни тақсимлашда ҳар бир оилага алоҳида квартира беришга ўтиш вазифаси қўйилмоқда. Лойиҳалаш ташкилотларининг ишларини яхшилашга алоҳида эътибор бериш керак. Бу ташкилотларнинг фаолияти ошиб бораётган талабларга жавоб берадиган бўлиши лозим. Лойиҳалаш ташкилотлари уй-жой биноларининг типовой лойиҳаларини кенг равишда жорий қилиш учун ишлаб чиқишлари, шунингдек шаҳарда ва қишлоқдаги турмуш шароити совет кишисининг ҳилма-ҳил талабларига жавоб бера оладиган бўлишини назарда тутиб, шаҳарларни ривожлантиришнинг генерал планларини ҳамда қишлоқлардаги аҳоли яшайдиган жойларни планлаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишлари лозим.

Ҳар бир кишини яхши уй-жой билан таъминлабгина қолмасдан, шу билан бирга унга ижтимоий неъматлардан тўғри фойдаланишни, тўғри яшашни, социалистик жамият қоидаларига риоя қилишни ҳам ўргатиш керак. Бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас, балки бунга янги, коммунистик турмушнинг галаба қилиши учун узоқ ва қаттиқ кураш олиб бориш йўли билан эришиш мумкин.

Етти йиллик планда аҳоли соғлиғини сақлаш ва аҳолига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш кўзда тутилади. Капиталистик мамлакатларда меҳнаткаш киши билан, унинг соғлиги ва турмуши билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ҳар қандай медицина хизмати учун, бу хизматнинг катта ёки кичик бўлишидан қатъи назар, ҳар бир киши ўз ҳисобидан катта пул тўлашга мажбур. Биз Финляндияда бўлган вақтимизда бир ишчи аппендицит билан оғриб қолганида нечоғлиқ қийналганлигини ва операция қилдириши лозим бўлиб қолганлигини, операция қилдириш учун ё кўп пул тўлаши ёки ўлиб қутилиши керак бўлганлигини гапириб берган эди.

Аммо бу битта-яримта учрайдиган факт эмас. Америкадаги «Юнайтед Стейтс ньюс энд Уорд рипорт» журналининг берган хабарига қараганда, АҚШда медицина хизматининг қиммати «Ўртача оила учун оғир юк бўлиб қолмоқда». Журналнинг хабар беришига қараганда, масалан ошқозон ярасини операция қилиб даволаш учун 1264,5 доллар тўлаш керак бўлади, шу пулдан 325,5 доллари касалхонада 21 кун ётганлик учун, 500 доллари операция қилдирганлиги учун, 75 доллари операция қилинадиган бўлмада ётганлик учун, 3 доллари соғаювчилар палатасида ётганлик учуь, 78,6 доллари даволаш учун, 21,5 доллари кислород учун, 56,3 доллари ярани боғлайдиган материаллар учун, 99 доллари лаборатория хизмати учун, 50 доллари анистезия учун, 55 доллари рентгеноскопия учуя тўланади.

Маълумки, Совет Иттифоқида меҳнаткашларга текин медицина хизмати кўрсатилади, касалхоналар ва поликлиникаларнинг ҳаммаси меҳнаткашлар ихтиёрига бериб қўйилган. Мамлакатимиз аҳолиси соғлиғини сақлашни янада яхшилаш учун давлат томонидан қилинадиган харажатларнинг ҳаммаси етти йил ичида қарийб 360 миллиард сўмни ташкил қилади.

Мамлакатимизда халқ фаровонлиги ошганлиги ва соғлиқни сақлаш яхшиланганлиги натижасида одамларнинг умри анча узайди. Кейинги йилларда ўлимнинг энг камлиги жиҳатидан Совет Иттифоқи жаҳонда биринчи ўринда турибди, аҳолининг кўпайиши эса бошқа жуда кўп мамлакатлардагига қараганда бизда юқорилир. СССРда аҳоли орасида ўлишнинг умумий сони революциядан олдинги вақтдагига нисбатан тўрт баравар камайди, болалар орасида ўлиш ҳодисаси олти баравар камайди.

Объектив маълумотлар мана шундай, бу маълумотлар жуда кўп нарсадан далолат беради.

Иш кунини қисқартириш учун кураш олиб боришни Коммунистик партия ҳамиша ўз программ вазифаларидан бири деб ҳисоблаб келди. Контроль рақамлари лойиҳасида 1960 йилда ишчи-хизматчиларни етти соатлик иш кунига, кўмир ва конруда саноатида, ерости ишларида машғул бўлган етакчи касблардаги ишчиларни эса олти соатлик иш кунига ўтказишни тугаллаш мўлжалланади. 1962 йилда ишчилар ва хизматчиларни етти соатлик иш кунидан 40 соатлик иш ҳафтасига ўтказиш кўзда тутилади.

1964 йиллан бошлаб ерости ишларида ва меҳнат шароити зararли бўлган ишлаб чиқаришларда шуғулланаётган ходимларни аста-секин 30 соатлик иш ҳафтасига ўтказишга ва қолган ходимларнинг ҳаммасини 35 соатлик иш ҳафтасига ўтказишга киришиш мўлжалланади. Бунинг маъноси шуки, ҳафтада бир дам олиш куни бўлгани ҳолда, ишнинг характерига қараб иш куни 5 ёки 6 соатдан бўлади. Ишчилар ва хизматчиларнинг кўпчилиги учун ҳафтада икки марта дам олиш куни бўлиши қулайроқ бўлганлигини ҳисобга олиб, иш куни 6-7 соатлик бўлгани ҳолда, 5 кунлик иш ҳафтаси жорий қилиш мўлжалланади.

Қисқартирилган иш кунига ўтиш ва иш ҳафтасини камайтириш натижасида бизда иш ҳақи камаймайди, балки анча ошади. **СССРда аҳолининг фаровонлиги ўсиб бориши билан бир вақтда жаҳонда энг қисқа иш куни ва энг қисқа иш ҳафтаси бўлади.**

Совет Иттифоқида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кўпайиши натижасида бутун аҳолининг истеъмол қилиши тўхтовсиз кўпая беради ва овқатланиши яхшиланаберади. Айни вақтда капитал мамлакатларида мулкдор синфларнинг озиқланиш даражаси билан меҳнаткашларнинг озиқланиш даражаси ўртасидаги жуда катта фарқ, шунингдек метрополия аҳолисининг озиқланиш даражаси билан мустамлакалардаги аҳолининг озиқланиши ўртасидаги жуда катта фарқ ўртача рақамлар билан хас-пўшланади.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилиши, аҳоли даромадларининг ортиб бориши савдони яхшилашни ва ривожлантиришни талаб қилади. Етти йил ичида давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти тахминан 62 процент кўпаяди, аҳолига озиқ-овқат маҳсулотларини, газламаларни, кийим-кечакларни, ички кийимлар ва оёқ кийимларини сотиш анча кўпайтирилади. Етти йил ичида 90 мингта магазин ва 64 мингта умумий овқатланиш корхоналари қуриш мўлжалланади.

Ўртоқлар! Умумий овқатланишнинг гоят катта аҳамияти борлигини уқтириб ўтиш зарур. Фабрика-ошхоналарни, корхоналарда, олий ўқув юртларида, мактабларда ошхоналарни тагин ҳам кўпайтириш, одамлар яшаётган уйларда умумий ошхоналар очиш, шу тариқа меҳнаткашлар оила аъзоларининг шу ошхоналарда овқатланишлари ва ўзларининг озиқланишларини яхшироқ ташкил этишлари учун имконият туғдириш керак. Умумий овқатланиш корхоналаридаги маҳсулотларнинг нархини қамайтириш вазифаси қўйилмоқда.

Кийим ва пойафзалларни тикиб ва ремонт қилиб берадиган, уйларни, мебелларни, рўзғор буюмларини ва маданий буюмларни ремонт қилиб берадиган корхоналарни кўпайтириш, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш керак.

Чет эллардаги душманларимиз совет етти йиллик планини тузишда оғир индустрияни ривожлантиришга асосий эътибор берилган ва бу аҳолидан «қурбонлар беришни» талаб қилади деган гапларни айтмоқдалар. Бизнинг планимизда ҳақиқатан ҳам оғир саноатни ривожлантиришга жуда катта капитал маблағ ажратиш кўзда тутилган. Бошқача бўлиши ҳам мумкинми ахир?

Етарлик миқдорда истеъмол воситаларига эга бўлмоқ учун ишлаб чиқариш воситалари бўлиши лозим, металл қазиб чиқариш, машиналар яратиш, автоматик линияларни ишга солиш керак, булар инсоннинг эҳтиёжларини қондириш учун инсоннинг ўзига хизмат қилади. Ҳатто картошка сингари оддий озуқа маҳсулотини ўстирмоқ учун ҳам ёғоч омочга металл тиш ишлаб бериш зарур бўлган. Биз бўлсак, коммунистик жамият сари бормоқдамиз, биз ҳамма асосий ишларни машиналар бажаришини, одам эса шу машиналарни фақат бошқариб туришинигина истаймиз. Илгари ҳар бир деҳқон от сотиб олмоқчи бўлганида ҳамма нарсани тежаб пул жамғарар эди. У ўзининг оти бўлганида хўжаликни бошқариши мумкинлигини, оти бўлмаса яшай олмаслигини яхши билар эди. Энди замонлар бошқача бўлиб кетди. Индустрияни ривожлантириш, ишлаб чиқариш воситаларини кўпайтириш керак — бу бизнинг қудратли отимиздир. Шундай отимиз бўлса, бошқа ҳамма нарсамиз ҳам бўла веради.

Биринчи беш йилликлар даврида жаҳонда ягона ва капиталистик мамлакатлар билан қуршаб олинган социализм мамлакати — Совет мамлакатининг ҳаёт-мамот масаласи турган бир вақтда, совет халки асрий қолоқликдан қутулиш ва қудратли социалистик экономикани вужудга келтириш учун ўзининг бутун кучини сарфлади, онгли равишда қийинчиликларга бардош берди. Лекин ҳатто ўша вақтда ҳам партия ва давлат меҳнаткашларнинг моддий аҳволини яхшиламоқ учун мумкин бўлган чораларнинг ҳаммасини кўрдилар. Энди бизда ривожланиш даражаси бошқача, имкониятларимиз бошқача, кучимиз бошқачадир, шунинг учун ҳам биз совет халқининг фаровонлигини анча оширишни қатъий қилиб қўймоқдамиз. Шу сабабли, ҳақиқатни бузиб кўрсатишни истамаган ҳеч бир кимса қандайдир «қурбонлар» тўғрисида гапиришни мумкин эмас.

Қани, бизнинг планимизни «танқид қилувчилар» халқ истеъмолини биздагидек шу қадар кенг ҳажмда кўпайтиришни мўлжаллаган лоақал бironта капиталистик мамлакатнинг номини айтиб берсинлар-чи! Қани, улар иш ҳақининг миқдорини сақлаб қолган ва ҳатто оширган ҳолда иш кунини қамайтиришни кўзда тутаётган бирор буржуа давлатини айтиб берсинларчи. Капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфи, меҳнаткашлар иш кунини бундай қамайтириш учун эксплуататорларга қарши шиддатли кураш олиб бормоқдалар. Меҳнаткашлар тўғрисида тинмай ғамхўрлик қила оладиган бунақа ҳукуматлар, бунақа давлатлар капиталистик дунёда йўқ ва бўлиши мумкин эмас.

Коммунистик тарбия ва халқ маорифи тўғрисида

ФАН ВА МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўртоқлар! Коммунизмга ўтиш учун фақат моддий-техника базасини ривожлантиришгина эмас, балки жамиятнинг барча гражданлари юқори даражада онгли бўлиши ҳам зарур. **Миллионларча омманинг онглилиги қанча юқори бўлса, коммунистик қурилиш планлари ҳам шунча муваффақиятли бажарила боради.** Ҳозирги вақтда меҳнаткашларни, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш масалалари гоят катта аҳамиятга эга бўлишининг сабаби ҳам шудир.

Партиямиз ва давлатимизнинг **идеология соҳасида олиб борадиган бутун иши совет кишиларининг янги сифатларини ўстиришдан, уларни коллективизм ва меҳнатсеварлик руҳида, социалистик интернационализм ва ватанпарварлик руҳида, янги жамиятнинг юксак аҳлоқий принциплари руҳида, марксизм-ленинизм руҳида тарбиялашдан иборат бўлиши лозим.** Энг адолатли ва мукаммал жамият бўлган, озод кишининг ҳамма энг яхши маънавий хусусиятлари тўла-тўкис намоён бўладиган коммунизмга ўтмоқ учун биз ҳозирданоқ келажак кишисини тарбиялаб бормогимиз лозим. Совет кишиларида коммунистик аҳлоқни кучайтириш зарур, коммунистик аҳлоқнинг асоси коммунизмга содиқ бўлишдан ва коммунизм душманларига аёвсиз бўлишдан, ижтимоий бурчни англашдан, жамиятнинг бахт-саодати учун меҳнатда актив иштирок қилишдан, жамиятда яшашнинг асосий тартиб-қоидаларига ихтиёрий равишда риоя қилишдан, ўртоқларча ўзаро ёрдам беришдан, виждонлик ва ростгўй бўлишдан, жамоат тартибини бузувчиларга нисбатан шафқатсиз бўлишдан иборат.

Буржуа идеологлари ва сиёсатчилари, уларнинг жирниж-жирлаб юрган оппортунистлар, коммунистлар аҳлоқни инкор қиладилар, социализм инсониятнинг аҳлоқий қонунларига тўғри келмайди, деб исбот қилмоқ учун жон-жаҳдлари билан уринмоқдалар. Ўзларини эса улар аҳлоқ қоидаларини, инсонпарварликни, шахснинг эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи кишилар қилиб кўрсатмоқдалар ва рўкач қилиб юрмоқдалар.

Хўш, бундай даъволарни қилиш учун қандай бўлса ҳам бирон асос борми, ахир? Бу саволга турмушнинг ўзи, икки дунё аҳлоқини оддий равишда бир-бирига таққослаб кўришнинг ўзи жавоб беради.

Буржуа жамияти аҳлоқининг моҳияти — индивидуализм, шахсий тамаъгирлик, бойишга ҳирс қўйиш, бир-бири билан душманлик ва рақобат қилишдан иборат. Буржуа жамияти асосланган кишининг-киши томонидан эксплуатация қилиниши аҳлоқни энг қўпол равишда ерга уришдан иборат. Эксплуататор синфларнинг аҳлоқи «одам одамга бўри» деган вахшиёна формула билан таърифланганлиги бежиз эмасдир. Социализм бошқача аҳлоқни — ҳамкорлик ва коллективизмни, дўстлик ва ўзаро ёрдамни барпо қилади. Бунда халқнинг умумий бахт-саодати тўғрисида, одам-одамга душман эмас, балки дўст ва биродар бўлган коллектив шароитида одамнинг шахсини ҳар томонлама ўстириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш биринчи ўринга қўйилади.

Коммунизм учун курашувчилар халқ оммасини капитал зулмидан қутқазиш каби олижаноб идеялардан, инсониятнинг умумий бахт-саодатига хизмат қилиш идеяларидан илҳомланадилар. Улар ўзларининг шахсий намуналари ва шахсий ҳулқ-атворлари билан буюк аҳлоқий кучни намоён қилиб кўрсатдилар. Коммунистлар юксак гоя ва мақсадларни амалга ошириш учун ҳеч қачон ўз кучларини ҳам, ўз жонларини ҳам аямай, дадиллик билан ўлимга тик бордилар ва азоб-уқубатлардан қўрқмадилар. Кўпгина коммунистлар ўзининг инсонпарварлик маслаги, халққа содиқлиги ва халқнинг бахт-саодати учун фидокорона курашганлиги учун ҳозир ҳам капитал мамлакатлардаги тюрьма ва зиндонларда азоб-уқубат чекмоқдалар.

Социалистик мамлакатларда коммунизм идеяларининг маънавий жиҳатдан зўр таъсир кўрсатаётганлиги миллионларча кишиларнинг янги ҳаёт қуришда актив қатнашаётганларида яққол кўринмоқда. Буржуа сиёсатчилари совет кишиларининг ватанпарварлигини ва меҳнат соҳасидаги ғайрат-ташаббусини тушунолмайдилар, чунки совет кишилари жамоат манфаатларини шахсий манфаатларидан устун қўядилар, улар социализм даврида кишиларнинг фаровонлигини ва бахт-саодатини бутун жамият таъминлаб беришини англайдилар.

Масалан, давлат заёмлари масаласида меҳнаткашларнинг ташаббуси билан амалга оширилган тадбирлар каби бир фактни олиб қаранг. Миллионларча совет кишилари эски давлат заёмлари юзасидан тўланадиган пулни 20-25 йил муддатга кечиктиришни ихтиёрий равишда ёқлаб чиқдилар. Бу факт совет кишисининг шундай янги хусусиятларини, халқимизнинг шундай маънавий сифатларини кўрсатадики, бундай сифатлар эксплуататорлик тузуми шароитида бўлиши асло мумкин эмас.

Жуда яхши маълумки, капиталистик тузум кишини биқиқ ҳолга солиб ва фақат ўз кучига ишонган тарзда алоҳида қилиб, яккалаб қўяди, чунки бу кишининг ишонадиган ва таянадиган бошқа ҳеч кими бўлмайди. У, ишсиз қолгандан кейин тириқчилик воситаларидан маҳрум бўлишини ҳамда қашшоқлик ва очликка маҳкум бўлишини билади.

Социализм шароитида эса аҳвол бошқачадир. Бунда ҳар бир киши унинг тўғрисида жамият, давлат ғамхўрлик қилишини сезиб туради. Шунинг учун совет кишисида бойликка, хусусий мулкка ҳирс қўйиш барҳам еб бормоқда, унда коллективизм туйғуси, бутун жамиятнинг роҳат-фароғатда яшаши тўғрисида ўйлаш туйғуси тобора кўпроқ ривожланмоқда. Бизнинг мамлакатимизда, масалан, жуда бой табиий ресурслари бўлган янги районлар жадал суратда ўзлаштирилмоқда. Сибирда, Қозоғистонда, Шимол районларида, Узоқ Шарқда, кўпинча иқлими жуда совуқ бўлган бўш жойларда кўпдан-кўп фабрикалар, заводлар, шахталар, электростанциялар ва бошқа корхоналар қурилмоқда. Бу корхоналарни қуриш ва уларда ишлаш учун кўп ишчилар керак бўлади. Хўш, бу ишчиларни қаердан олиш мумкин?

Капиталистик мамлакатларда ҳамиша жуда катта ишсизлар армияси бўлади, ёвуз очлик бу ишсизларни иш топиш учун ҳамма ёққа ҳайдайди. Улар ўз тирикчиликларини бир амаллаб ўтказиш учун ҳар қандай ишни қилишга рози бўладилар. Совет кишилари эса ишсизлик каби офатни билмайдилар, муҳтожлик одамларни бир бурда нон учун узоқ ўлкаларга ҳайдаб юборишн каби аҳвол бизда йўқ. Совет кишилари энг аввал ўзларининг олижаноб ватанпарварлик туйғуларининг тақозоси билан янги ерларга бормоқдалар. Партия ва Ҳукуматнинг чақириғи билан юз мингларча йигит ва қизлар, малакали бўлган ва пойтахтларда ёки бошқа маданий ва саноат марказларида ишлайдиган юз мингларча йигит ва қизлар, одамлар айтгандек ўзларининг туғилиб ўсган жойларини ташлаб, таниш бўлмаган янги ўлкаларга бормоқдалар. Улар дастлабки пайтларда ўзларининг уйларидаги кўпгина қулайликлардан маҳрум бўлишларини, палаткаларда яшаб, баъзан ўз малакаларига тўғри келмайдиган ишлар билан машғул бўлишларини биладилар. Кўпчилик совет кишиларининг туйғуси жамиятга фойдали бўлиш, жамият учун янгидан-янги моддий ва маданий бойликлар яратиш каби юксак гоя ва мақсадга қаратилган. Капитализм шароитидаги сингари бойликка ҳирс қўйиш эмас, балки, худди ана шу олижаноб туйғу совет кишиларининг фаолиятини ҳаракатга келтирувчи асосий омилдир. Америка ёзувчиси Жек Лондон буржуа дунёсида яшайдиган, «олтин васвасасига» тушган, олтин учун ҳаттё дунёнинг нариги чеккасига судралиб боришдан ҳам қайтмайдиган кишиларнинг характерларини яққол тасвирлаб берган. Илгор Совет кишилари узоқ ўлкаларга бораётган эканлар, улар «олтин бузоқ» учун эмас, шахсан бойиш учун эмас, балки, янги заводлар ва фабрикалар қуриш учун, далаларни ҳайдаб экинзор қилиш учун, янги шаҳарлар қуриш учун, бутун жамият учун, болаларимиз учун, келажагимиз учун, коммунизмнинг ғалабаси учун бормоқдалар. Бутун ақли-хуши билан индивидуализм ботқоғига ботиб кетган, шахс манфаатларини буржуача тушунган кишилар совет кишиларининг янги маънавий сифатларига тушуниб етолмайдилар, шунинг учун ҳам булар совет кишиларининг ватанпарварлик ишларини, мажбур қилиш натижаси деб ўзларича изоҳлашга уринадилар.

Совет кишилари бундай изоҳлардан ва уларни тўқиб чиқарувчилардан куладилар, чунки бундай кишилар бутун жамият манфаатлари йўлида, инсониятнинг бахт-саодати учун ботирлик ва қаҳрамонлик кўрсатишга тайёр турган социалистик мамлакат кишисининг юксак аҳлоқий фазилатига тушуниб етолмайдилар.

Идеология ишларини ташкил қилганда биз, коммунистик аҳлоқ руҳида тарбиялаш коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал қилиш билан боғланган бўлиши лозим, деган қоидага асосландик. Биз илмий коммунизмнинг, турмуш шароитининг ўзгариши ва кишилар қарашларининг ўзгаришида революцион практика ҳал қилувчи роль ўйнайди, деган гоят чуқур ҳақиқатни назарий жиҳатдангина эмас, балки катта ҳаётий тажрибада ҳам билиб олдик. Ҳаёт, бизнинг совет воқелигимиз энг яхши тарбия мактабидир, энг жиддий муаллимдир. Коммунистик қоидаларни практикадан ажралган ҳолда фақат китоб юзасидангина билиш ҳеч нимага арзимайди. Энг аввал тарбия ҳаёт билан, ишлаб чиқариш билан, омманинг амалий фаолияти билан узвий равишда боғланган бўлиши лозим. Партия барча кишиларни меҳнат қилиш руҳида тарбиялашни, меҳнатга онгли, коммунистик муносабатда бўлишни тарбиявий ишларнинг асоси қилиб қўяди. Биз ҳамма моддий ва маданий неъматларнинг яратувчиси бўлган меҳнат кишиларнинг энг биринчи ҳаётий эҳтиёжи бўлиб қолиши учун ҳаракат қилмоқдамиз.

Коммунистик қарашлар ва аҳлоқ нормалари капитализм қолдиқларига қарши курашда барқарор бўлмоқда. Бизда кўпинча ҳали ҳам шундай кишилар учрайдики, бу кишилар иҳтимоий меҳнатга виждонсизлик билан қарайдилар, чайқовчилик билан шуғулланадилар, интизомни ва жамоат тартибини бузадилар. Капитализмнинг бу қолдиқлари ўз-ўзидан йўқолиб кетишини кутиб, хотиржам бўлиб ўтириш ярамайди, бу қолдиқларга қарши қатъий кураш олиб бориш, ҳар қандай буржуа қарашларга ва аҳлоқларга қарши, жамият қоидаларига хилоф ҳаракат қиладиган элементларга қарши жамоатчилик фикрини қўзғотмоқ зарур. Партия бутун тарбиявий ишларда ёш авлоднинг ўсиб, камолга етиши учун алоҳида аҳамият беради. В. И. Ленин бундай деган эди: «Ҳозирги ёшларга тарбия, маълумот ва билим беришнинг бутун иши уларда коммунистик аҳлоқни тарбиялаб ўстиришдан иборат бўлмоғи лозим».

Ёшлар ҳозирдаёқ қурилиш билан шуғулланмоқдалар, сўнгра эса улар коммунизм даврида яшайдилар ва меҳнат қиладилар. Бутун жамоат ишларини бошқарадилар. Совет ёшлари худди ана шу юксак вазифага тайёрланишлари лозим.

Бизнинг ёш авлодимиз кекса авлод бошидан кечирган ҳаёт ва курашнинг катта мактабидан ўтган эмас. Ёшлар революциядан илгариги даҳшатлар ва фалокатларнинг нималигини билмайди, улар меҳнаткашларнинг эксплуатация қилинишини фақат китоблардангина биладилар. Шунинг учун бизнинг ёш авлодимиз мамлакат тарихини билиши, меҳнаткашларнинг ўз озодлиги учун олиб борган кураши тарихини билиши, Коммунистик партиянинг қаҳрамонона тарихини билиши ва партиямизнинг, ишчилар синфимизнинг революцион традициялари асосида тарбияланиши лозим.

Баъзи ходимлар совет ёшларига буржуа таъсири отказадиган зararга етарли баҳо бермайдилар, улар, буржуазия биздан узоқ ва шунинг учун у бизнинг ёшларимизга таъсир кўрсатолмайди, дейдилар. Лекин бу—хато. Биз буржуазия таъсирининг бўлиши мумкинлигига эътиборсиз қарай олмаймиз ва буржуа таъсирига қарши, совет кишилари муҳитига ва айниқса ёшлар муҳитига ёт қарашлар ва ҳулқ-одатларнинг киришига қарши кураш олиб боришимиз лозим.

Ўсиб келаётган ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда мактаб алоҳида ўрин тутади. Совет мактаби ўн миллионларча ўкимишли гражданларни—социализм қурувчиларни тайёрлаб чиқарди, совет мактаби инженерлар, техниклар, агрономлар, ўқитувчилар, врачлар ва бошқа ўрта ҳамда юқори малакали мутахассислардан иборат ажойиб кадрларни тарбиялаб етиштиришда ёрдам берди. Ёш авлодга таълим ва тарбия беришда мактабнинг яхши роль ўйнаганлиги маълум. Бироқ, совет мактабининг шундай ютуқлари бўлишига қарамай, у ҳали ҳам коммунистик қурилиш талабларидан орқада қолмоқда, унинг ҳали ҳам жиддий камчиликлари бор. Партия Марказий Комитетининг ва Совет ҳукуматининг «Мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш ва мамлакатда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисида» чиқарган, умумхалқ муҳокамаси давомида ҳамманинг қўллаб-қувватлашига сазовор бўлган тезислари СССР Олий Совети томонидан маъқулланиб, бу масала юзасидан муҳим қарор қабул қилинди.

Бизда мактабни қайта қуриш масаласи қўйилганда, чет эллардаги баъзи «пайғамбарлар»: «Уларда ишчи кучи етишмайди, шунинг учун ҳам улар ўсмиларни меҳнатга жалб қилмоқчи бўладилар» деб айюханнос сола бошлаган эдилар. Бундай пайғамбарона қарғалар истаганларича қатиллай берсинлар, барибир улар бизнинг кимлигимизни тушуна олмайдилар. Биз мактабни бизда ишчи кучи етишмаётганлиги учун қайта қураётганимиз йўқ, биз мактабни халқ маорифи ишларини янада яхшироқ йўлга қўйишни, мактабни турмуш билан янада маҳкамроқ боғлашни истаганимиз учун ҳам қайта қурмоқчимиз.

Халқ маорифини қайта қуриш таълим ва тарбия ҳақидаги марксча-ленинча таълимотнинг руҳига батамом мувофиқдир ва бу иш мактабни ҳақиқатан политехнизациялаштириш учун йўл очади. В. И. Ленин ўтган аср охирларидаёқ, янги жамият қуралиган одамни шакллантириш йўллари ҳақида, таълимни унумли меҳнат билан қўшиш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиб, бундай деб ёзган эди:

«...Ёш авлодни ўқитиш билан баравар унумли меҳнатсиз келгуси жамиятнинг олий мақсадини тасаввур қилиб бўлмайди, чунки унумли меҳнатсиз ўқиш ва билим олиш ҳам, бирга ўқимасдан ва билим олмасдан туриб унумли меҳнат қилиш ҳам техника ва фаннинг ҳозирги даражаси талаб қилган юксакликка қўйилолмаган бўлур эди». (Асарлар, 2 том, 515 бет).

Таълимни турмуш билан, ишлаб чиқариш билан, коммунистик қурилиш практикаси билан маҳкам боғлаб олиб бориш мактабда фан асосларини ўрганишнинг етакчи омили, ёш авлодни коммунистик аҳлоқ руҳида тарбиялашнинг негизи бўлмоғи лозим.

Таълимни унумли меҳнат билан боғлаб олиб бориш эгалланган билимларнинг аҳамиятини камайтирмайди, балки аксинча, кучайтиради. Мен кечки олий ўқув юртларида ва техникумларда ўқийдиган ёки сиртдан ўқийдиган ёш колхозчилар ва ишчилар билан кўп марта суҳбат қилган эдим. Ишлаб чиқаришдан келиб техникумларга ва институтларга кирган студентлар билан сўзлашиб кўрсангиз, булар қандай ажойиб кишилар эканлигини биласиз! Сабот-матонати, иродаси кучли бўлган, қунт билан билим олишга киришган бу кишилар жамиятнинг бахт-саодати учун яхшироқ меҳнат қилиш мақсадида билимларни эгалламоқдалар. Бу кишилар тўй тортиги учун эмас, ўглининг ёки қизининг дипломи йўқлигини «фожиа» деб ҳисобловчи баъзи отаоналарни юпатиш учун эмас, балки жамиятнинг бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш учун билим олмоқдалар.

Биз болаларни тарбиялашда давлат ва жамиятнинг ролини оширишимиз, оилага давлат ва жамиятнинг ёрдамини кучайтиришимиз лозим. Шу мақсадда мактаб-интернатлар, болалар яслилари, болалар боқчалари қурилишини кенг авж олдириш кўзда тутилмоқда. Мактаб-интернатларда ўқувчилар сони 1965 йилда камида 2 миллион 500 минг кишига етади. Болалар боқчаларида тарбияланадиган болалар сони етти йил ичида 2 миллион 280 мингдан 4 миллион 200 мингга етади. Келажакда барча болаларни мактаб-интернатларда тарбиялаш учун имкон бериш кўзда тутилади, бу эса ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш ва янада миллион-миллион аёлларни коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари қаторига тортиш вазифасини муваффақият билан ҳал қилишга ёрдам беради.

Чоризм даврида аёлларнинг ярим қул ҳолида яшаши каби шармандали аҳволдан совет ҳокимияти қутқазди ва уларни озодликка чиқарди, кўпгина капиталистик мамлакатларда ҳозир ҳам аёллар ярим қул аҳволида яшамоқдалар. Совет хотин-қизлари давлат, сиёсий-хўжалик ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида актив кучдирлар, улар эркаклар билан бир қаторда социалистик жамият гражданларининг ҳамма ҳуқуқларидан тенг фойдаланмоқдалар. Лекин кўп хотинлар уй-рўзғор ишлари билан, болаларни тарбиялаш билан шуғулланадилар, бу эса уларнинг жамоат ҳаётида актив иштирок қилишини қийинлаштиради.

Шундай шарт-шароит туғдирмоқ зарурки, бунинг натижасида барча аёллар ишлаб чиқариш соҳасида, иҳтимоий фойдали ишларда ўз ҳуқуқларидан, билимларидан, талантларидан кенг фойдаланадиган бўлсинлар. Биз мактаб-интернатлар, болалар боқчалари ва яслилари, жамоат овқатланиши корхоналари, коммунал-турмушга хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг сонини кенгайтириш билан барча аёллар учун ана шундай шарт-шароит яратиб берамиз.

Етти йиллик планда олий ва ўрта маълумоти бўлган мутахассислар тайёрлашни анча кенгайтириш ва яхшилаш мўлжалланади. 1959-1965 йилларда олий ўқув юртларида 2 миллион 300 минг мутахассис тайёрлаб чиқарилади, ўтган етти йилда эса бундай мутахассислардан 1 миллион 700 минг киши тайёрлаб чиқарилган эди. Олий маълумоти бўлган мутахассисларнинг умумий сони 1965 йилда 4,5 миллион кишидан кўпроқни ташкил этади, яъни 1958 йилдагига нисбатан бир ярим баравар кўпаяди. Моддий ишлаб чиқариш соҳаларида ишловчи мутахассислар сони айниқса тез ўсиб боради.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

*) Боши газетанинг 28 январь сонида.

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ докладининг давоми

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Олий мактабни қайта қуришдан асосий мақсад—олий мактабни турмуш билан маҳкамроқ боғлашдан, мутахассисларни амалий ва илмий-назарий тайёрлашни анча яхшилашдан, уларни коммунизмнинг актив қурувчилари қилиб тарбиялаб етиштиришдан иборат.

Ўрта ва олий мактабларни қайта қуриш учун маълум вақт ва катта иш талаб қилинади. Иттифоқчи республикаларнинг Олий Советлари халқ маорифи тўғрисида миллий традицияларга ва хусусиятларга мувофиқ келадиган қонунлар қабул қиладилар.

Ўртоқлар! Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш илм-фаннинг равнақ топишини, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчи кучларини янада ҳар томонлама ривожлантириш билан боғлиқ бўлган проблемаларни ҳал қилишда олимларимизнинг актив иштирокини талаб қилади. Етти йиллик план олимларимиз ва илмий муассасаларимиз учун жуда кенг фаолият майдонини очиб бермоқда. Куч ва билимни ишга соладиган жой жуда кўп!

Келгуси даврда олимларимиз нима устида ишлайдилар? Бу иш энг аввал чексиз энергия манбаига амалий равишда эгалик қилиш учун бошқарилувчи термо ядро реакцияларини қўлга киритишдан иборат; энергетика ва транспорт двигателлари учун атом энергиясини кенг қўллашни таъминлашимиз керак; халқ хўжалигида синтетик материаллардан фойдаланишни кенгайтириш, ядроларнинг парчаланиш маҳсулотларидан ва радиактив изотоплардан фойдаланишни кенгайтириш; ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш вазифаларини ҳал қилиш ва бунинг учун физика, радио электроника, ҳисоблаш техникаси ютуқларини кенг қўлланиш асосида янги техника воситалари вужудга келтириш. Тезисларда кўрсатилганидек, кимё, металлургия, геология соҳаларида, қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида, медицина соҳасида ва бошқа соҳаларда ишлаётган олимларимиз олдида ҳам катта-катта вазифалар туради.

Ижтимоий фанларнинг ҳамма соҳалари олдига жиддий талаблар қўйилади. Экономистларимиз, философларимиз, тарихчиларимиз социализмдан коммунизмга ўтиш қонуниятларини чуқур текширишлари, хўжалик ва маданий қурилиш тажрибасини ўрганишлари, меҳнаткашларни коммунизм руҳида тарбиялашга ёрдам беришлари лозим. Ижтимоий фанлар соҳасида ишловчи олимларимиз олдида, айниқса иқтисодий фан олдида ҳаётнинг ўзи илгари сураётган янги масалаларни ижодий равишда умумлаштириш ва назарий жиҳатдан дадил ҳал қилиш вазифаси турипти. Капитализм дунёсида юз бераётган энг муҳим процессларни ҳар томонлама анализ қилиш, буржуа идеологиясини фош қилиш, марксча-ленинча назариянинг софлиги учун курашиш зарур.

Илмий муассасаларнинг практика билан боғланишини доимо мустаҳкамлаб бориш, илм-фаннинг энг муҳим ютуқларини халқ хўжалигида кенг ва тез жорий қилиб бориш, экспериментал ва конструкторлик ишларини дадиллик билан жадаллаштириб юбориш керак.

Коммунизм қурилиши экономика, фан ва маданиятни илгари мисли кўрилмаган даражада ривожлантириш билан бирга одамнинг ҳамма ижодий имкониятларини ва истеъдодларини тўла-тўкис ва ҳар томонлама рўёбга чиқариш учун мисли кўрилмаган кенг майдон ҳам очиб берди.

Социалистик жамиятнинг маънавий маданиятини ривожлантириш ва бойитишда адабиёт ва санъат муҳим роль ўйнайди. Адабиёт ва санъат коммунистик жамият киши-синнинг шакллашишига актив суратда ёрдамлашмоқда. Бизнинг санъатимиз олдида коммунизм қурувчи халқнинг қаҳрамонача жасоратини тасвирлаб кўрсатиш вазифасилан кўра олижаноб ва юқори вазифа йўқ. Адабиёт, театр, кино, музика, ҳайкалтарошлик ва рассомлик арбоблари ўз ижодиётларининг гоявий-бадиий даражасини яна юқори кўтаришлари, меҳнаткашларни коммунизм руҳида тарбиялаш ишида, коммунистик аҳлоқ принципларини пропаганда қилишда, кўп миллатли социалистик маданиятни ривожлантиришда, яхши эстетик диднинг шаклларишида бундан бўён ҳам партия ва давлатнинг актив ёрдамчиси бўлишлари лозим.

Етти йиллик планда идеология соҳасидаги ишлар учун яна қулайроқ шарт-шароит яратиш кўзда тутилади—матбуот, радио ва телевидение, кино ва маданий-оқартув муассасалари кенг ривожланади, газета, журнал ва китобларнинг тиражи анча кўпаяди. Етти йиллик давомида полиграфия саноатининг қуввати оширилади. Радиолаштириш ва маданий-оқартув муассасалари қуриш ишларига катта аҳамият берилади, айниқса қишлоқларда радиолаштириш ва маданий-оқартув муассасаларини қуриш ишларига катта эътибор берилади.

Мамлакатимиз олдида турган вазифаларни ҳал қилишда бизнинг бутун совет интеллигенциямиз катта роль ўйнайди, совет интеллигенциямиз ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонлар билан бирга коммунизм қуриш ишига муносиб ҳисса қўшади.

III. Социализмнинг капитализм билан иқтисодий мусобақасида ҳал қилувчи босқич ва ҳозирги халқаро аҳвол

Ўртоқлар! Етти йиллик план бутун халқаро вазиятга жуда эўр таъсир кўрсатади ва марксизм-ленинизмнинг янги тантанаси бўлади. Планни бажаришда эришиладиган муваффақиятларимиз миллионларча янги мухлисларимизни социализм томонига жалб этади, тинчлик кучларини мустаҳкамлашга ва уруш кучларини заифлаштиришга олиб келади, бизнинг мамлакатимиздагича эмас, балки бутун дунёда ҳам жуда катта ўзгаришлар вужудга келтиради; экономика соҳасида жаҳон майдонида социализм фойдасига ҳал қилувчи силжиш рўй беради.

Экономика шундай асосий майдонки, ана шу майдонда социализмнинг капитализм билан тинч мусобақаси авж олади ва биз ана шу мусобақада тарихан қисқа вақт ичида ютиб чиқишдан манфаатдормиз.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ПЛАН ВА СССРНИНГ АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ ВАЗИФАСИНИНГ БАЖАРИЛИШИ

Етти йиллик планнинг бажарилиши натижасида СССРнинг асосий иқтисодий вазифасини — аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга тарихан қисқа вақт ичида етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш вазифасини амалга оширишда ҳал қилувчи қадам қўйилади.

Капитализм билан мусобақанинг биринчи босқичи Улуғ Октябрь социалистик революцияси пайтидан бошланган эди. В. И. Ленин таърифлаб берган «ким кимни енгади?» деган масала ана шу мусобақанинг биринчи босқичида бизнинг мамлакатимизда социализм фойдасига ҳал қилинди. Бу, социализмнинг жаҳоншумул тарихий ғалабаси бўлиб, унинг капитализмга нисбатан ҳал қилувчи афзалликларини очиб берди. Социализм ана шу босқичдаёқ халқаро майдонда жуда катта муваффақиятларга эришди. Шундан кейин Совет Иттифоқи ўз муваффақиятларини ошира бориб, саноат маҳсулотининг ялпи ҳажми жиҳатидан Ғарбий Европанинг тараққий этган мамлакатларидан ғоят ўзиб кетди ва дунёда иккинчи ўринга чиқди. Совет Иттифоқининг саноат маҳсулоти 1958 йилда Франция, Англия ва Ғарбий Германияни бирга кўшиб ҳисоблаганда уларнинг саноат маҳсулотидан анча ўзиб кетди.

Социализм ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатлари жиҳатидан капитализмдан тамомила устун эканлигини тўла исбот қилди. Эндиликда биз капитализм билан иқтисодий мусобақанинг янги босқичига қадам қўймоқдамиз. **Эндиликда вазифа—жаҳон миқёсидаги ишлаб чиқаришда социалистик системанинг капиталистик системага нисбатан устун бўлишига эришишдан, ижтимоий меҳнат унумдорлиги соҳасида, аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида энг тараққий этган капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетишдан ва дунёда энг юксак турмуш даражасини таъминлашдан иборатдир.**

Совет Иттифоқи мусобақанинг ана шу босқичида иқтисодий жиҳатдан Америка Қўшма Штатларидан ўзиб кетиш ниятидадир. АҚШдаги ишлаб чиқариш даражаси — капитализм экономикаси кўтарилаолган энг юқори нуқтадир. Бунда қулай тарихий ва табиий шарт-шароитлар ўз ролини ўйнаганлигини биламиз. АҚШ эришган даражадан ўзиб кетиш — капитализмнинг энг юксак кўрсаткичларидан ўзиб кетиш демакдир.

Ҳозирги вақтда шундай вазифани ўз олдимизга қўйишимизнинг ўзиёқ бизнинг кучларимиз, бизнинг имкониятларимиз нечоғлик ўсганлигини кўрсатади. Мамлакатимиз бир вақтлар халқ хўжалиги ва маданиятнинг кўп соҳаларини жиҳатидан капиталистик мамлакатларнинг кўпчилигидан жуда орқада қолган эди, биз у вақтларда ўзимизни Америка билан таққослайолмас ҳам эдик. Ҳозирги вақтда биз бошқача даражага, бошқача потенциалга, бошқача имкониятларга эгамиз. Ленин йўлидан бораётган совет халқининг ғоят катта меҳнати ўтмишда қолоқ бўлган мамлакатимизни шундай юксакликка кўтардики, эндиликда у энг қудратли капиталистик мамлакат билан «беллаша» олади.

Социализмнинг асослари қурилган чоқлардаёқ бизнинг партиямиз капитализм билан ҳал қилувчи иқтисодий мусобақа босқичи муқаррар бошланажагини ва социализм ўзининг бутун кучини кўрсатажагини билар эди. Эндиликда шундай босқич келди деб айтиш мумкин. Совет Иттифоқи ижтимоий меҳнатнинг юксак унумдорлигига, ҳозирги замон техникасига, социалистик хўжаликнинг планли хўжалик эканлигига ва халқнинг ижодий активлигига таяниб, жаҳон миқёсидаги ана шу мусобақада ютиб чиқиш учун барча имкониятларга эгадир.

Икки жаҳон системасининг яқин келгусидаги иқтисодий тараққиёт перспективалари қандай бўлади?

СССРнинг асосий иқтисодий вазифасини ҳал этиш муддатлари аввало СССРдаги ва АҚШдаги ишлаб чиқариш даражаларининг ҳозирги нисбатига боғлиқ. Бунда қандай манзарани кўрамиз?

СССРда саноат маҳсулоти ҳажми АҚШдаги саноат ишлаб чиқариши ҳажмидан тахминан икки баравар кам, қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳажми эса 20-25 процент кам;

— АҚШ аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш жиҳатидан СССРга нисбатан икки баравардан зиёд, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш жиҳатидан тахминан 40 процент олдинда турибди.

Ана шу тафовутни қандай муддатларда бартараф қилиш, ана шу кўрсаткичлар бўйича АҚШ билан қандай муддатларда тенглашиб олиш, сўнгра эса ундан ўзиб ҳам кетиш мумкин?

Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Суръатлар соҳасида эса устунлик социалистик хўжалик системаси томонидадир. Совет ҳокимияти барпо қилинганидан бери ўтган ҳамма йиллар ичида саноат ўсишининг ўртача йиллик суръатлари тараққий этган капиталистик мамлакатлардаги саноат ўсишининг суръатларидан уч-беш баравар ўзиб кетди.

Етти йиллик планда саноат маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиши 8,6 процент миқдорида белгиланган. Саноат маҳсулотининг шу тарика ўсиши таъминлашгина қолмай, балки бундан ҳам ўзиб кетилажагига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Капиталистик мамлакатлар ҳам бир ўринда тўхтаб қолмасалар керак. АҚШда саноат ишлаб чиқариши яқин давр ичида ҳар йили тахминан 2 процент ўсади деб фараз қилиш мумкин. Америка саноатининг кейинги йиллардаги тараққиёт суръатлари худди шундай бўлган эди.

Яна бир муҳим моментни эътиборга олиш керак. АҚШда ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари унча юксак бўлмаганлигига қарамай, у саноат маҳсулоти йиллик ўсишининг абсолют ҳажмлари жиҳатидан узоқ вақт СССРдан олдинда борган эди. Аммо у пайтлар ўтиб кетди. СССРда маҳсулотнинг бир қанча энг муҳим турлари (пўлат, чўян, темир руда, нефть, кўмир, цемент, жун газлама) ўсишининг умуман абсолют ҳажмлари кейинги саккиз йил ичида Американинг кўрсаткичларидан юқори турапти.

Шундай қилиб, бу соҳада ҳам мусобақанинг сифат жиҳатидан янги босқичи бошланди: эндиликда бизнинг мамлакатимиз маҳсулот ишлаб чиқаришнинг суръатлари соҳасида ҳам, маҳсулотнинг абсолют йиллик ўсиши соҳасида ҳам АҚШдан ўзиб кетди. Биз тўрт марта тезроқ қадам қўймоқдамиз ва йил сайин кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқармоқдамиз,—демак эндиликда америкаликларга етиб олиш жуда енгил иш бўлиб қолди.

СССРда ва АҚШда саноатнинг ўсиш суръатларини эътиборга олганда Совет Иттифоқи маҳсулотнинг баъзи энг асосий турларини абсолют ишлаб чиқариш планини бажариш натижасида АҚШдан ўзиб кетади, бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида эса АҚШдаги саноат ишлаб чиқаришнинг ҳозирги даражасига яқинлашиб қолади. Ўша пайтга келиб умуман ва аҳоли жон бошига энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш Қўшма Штатлардаги ҳозирги даражадан ўзиб кетади. СССР аҳолиси ҳам, АҚШ аҳолиси ҳам кўпайиб боради, шу билан бирга аҳоли сони бизда кўпроқ ортаборади, деб кутиш мумкин. Афтидан, СССР аҳолиси АҚШ аҳолисидан тахминан 15-20 процент кўпроқ ортса керак. Шу сабабли аҳоли жон бошига ҳисобланадиган бўлсак, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш соҳасида Қўшма Штатларга етиб олиш ва ундан ўзиб кетиш учун етти йиллик план бажаридигандан кейин яна беш йил керак бўлади. **Демак, Совет Иттифоқи ана шу пайтга келиб, эҳтимол бундан ҳам олдинроқ ишлаб чиқаришнинг абсолют ҳажми жиҳатидан ҳам, аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан ҳам жаҳонда биринчи ўринга чиқади. Бу эса халқаро майдонда капитализм билан тинч мусобақада социализмнинг жаҳоншумул тарихий ғалабаси бўлади.**

Буржуа экономистлари СССРдаги саноат тараққиётининг суръатлари муайян босқичда муқаррар «тўхтаб қолади» деб исбот қилишга уринмоқдалар. Бу, капиталистик экономика тўғрисида қандай фикр юритилса, социализм ҳақида ҳам шундай фикр юритишга уринишдан бошқа бир нарса эмас. Дарҳақиқат, капитализм ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига ҳалақит берадиган ва бартараф қилиб бўлмайдиган ғовларни вужудга келтиради ва бунинг натижасида саноатнинг ўсиш суръатлари қисқара бошлайди. Социализм эса ишлаб чиқарувчи кучларни тўхтовсиз ўстириш учун зарур шарт-шароитларнинг ҳаммасини вужудга келтиради.

Урушдан кейинги йилларда АҚШда ва бошқа капиталистик мамлакатларда капитализмнинг «гуллаб-яшнаётганлиги» тўғрисида; капитализмнинг «кризислар»сиз тараққиёт даври бошланганлиги ҳақида жуда кўп гап сотилди. Аммо урушдан кейинги даврда капитализм экономикасининг ҳақиқий аҳволи қандай бўлди? Кейинги ўн икки йил ичидагина АҚШдаги ишлаб чиқариш уч марта, яъни 1948-1949 йилларда 1953-1954 йилларда ва хусусан 1957-1958 йилларда кризисга учраб пасайборди.

Бу ҳолнинг экономикага қандай таъсир кўрсатганлиги сўнгги кризис мисолида яққол кўриниб турибди. 1957 йилда АҚШдаги саноат ишлаб чиқариши асосан шундан аввалги йил даражасида қолди. 1958 йилда эса бу даража 1957 йилдагига нисбатан тахминан 6,5 процент пасайиб кетди. Шундай қилиб кризис АҚШнинг саноат ишлаб чиқаришини 1953 йил даражасига тушириб қўйди.

Кризисга йўлиқиш натижасида гоҳ таназзулга кетиб, гоҳ ларза билан кўтарилиб туриш каби доимий ҳолат капитализм экономикасининг беқарор эканлигини исбот қилади. Зўр бериб қуролланиш ҳам, бошқа чоралар ҳам АҚШ ва бошқа капиталистик давлатларнинг экономикасини керагидан ортиқ ишлаб чиқариш кризисларидан қутқаза олмайди. Капиталистик давлатлар ҳар қандай чора кўрганларида ҳам кризисларнинг сабабини йўқота олмайдилар. Капитализм ўз зиддиятларининг уни ўлим талвасасига солишидан қутила олмайди, бу зиддиятлар кўпайиб, чуқурлашабориб, янги иқтисодий ларзалар билан таҳдид қилмоқда. Капитализмнинг умумий кризиси тобора чуқурлашаётганлиги яққол кўриниб турибди. Бу кризис социализм жаҳон системаси билан капитализм жаҳон системаси ўртасидаги кучлар нисбатининг тубдан ўзгарганлиги натижасида, мустамлакачилик системаси емирилиб бораётганлиги ва капиталистик мамлакатларда социал зиддиятлар кескинлашганлиги натижасида янада кучайди.

Социализмнинг капитализм устидан ғалаба қозониши учун ишлаб чиқаришни ўстириш муҳим аҳамиятга эгадир, аммо бир тузумнинг бошқа тузумга нисбатан устунлиги тўғрисида фикр юритмоқ учун, аввало ишлаб чиқаришнинг ана шу ўсиши жамиятга, кишига қандай манфаат беришини кўзда тутиш керак. Дарҳақиқат, масалан айтайлик, Америкадаги ишсизга унинг мамлакатида аҳоли жон бошига гўшт, ёғ, телевизор ва автомобиллар ўрта ҳисобда кўпроқ ишлаб чиқарилаётганлигидан қандай манфаат бор?

Капиталистик мамлакатларда ишлаб чиқариладиган бойликларнинг жуда кўп қисми эксплуататорлар ва уларнинг ювиндихўрлари қўлига ўтади. Ҳолбуки социализм шароитида аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг кўпайиши амалда меҳнаткашларнинг турмуши яхшиланиб боришини кўрсатади. Образли қилиб айтганда, агар биз ишлаб чиқаришни юксалтирар эканмиз, бизда бундан ҳақиқатан ҳам ҳар бир «жон» манфаат кўради, ҳолбуки капиталистик мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг ўсишидан бой ва капиталга эга бўлган «жон»гина манфаат кўради. Капитали бўлмаган «жон» ишлаб чиқариш ўсган тақдирда ҳам, қилтироқ бўлиб қолаберади. Бу, капитализм тузумида «тенг шароитлар» деб аталган нарсанинг худди ўзгинасидир — бировлар бойийдилар, бошқалар эса очликда ўладилар. Бундай аҳвол капитализм қонунларига тамомила тўғри келади ва нормал ҳамда табиий ҳол деб ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ўсгани ҳолда, аҳоли асосий оммасининг истеъмол даражаси эса кўтарилмаслиги каби бундай зиддият социализмда бўлиши мумкин эмас. Социалистик жамиятда ишлаб чиқаришни ўстиришни планлаштиришдан кузатилган мақсад ҳам барча жамият аъзоларининг эҳтиёжларини тобора тўлароқ қондириш учун ҳамма моддий ноз-нематларни кўпайтиришдан иборат.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, социалистик мамлакатда ва капиталистик мамлакатда, масалан, СССРда ва АҚШда ишлаб чиқариш даражаси эҳтимол бир хил бўлганида ҳам, бунинг социал оқибатлари бир-биридан осмон билан ерча фарқ қилади. Социализмнинг афзаллиги худди шу нарсада яққол кўринади. Социализм шароитида ишлаб чиқариш фойда ундириб олиш мақсадларига эмас, балки жамиятдаги барча аъзоларнинг эҳтиёжларини максимал даражада қондиришга бўйсундирилган.

ЖАҲОН СОЦИАЛИСТИК СИСТЕМАСИНИНГ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНИШИ

Ўртоқлар! Жаҳон миқёсида СССР билан АҚШ ўртасида иқтисодий мусобақа бормоқда, бутун жаҳон социализм системаси жаҳон капитализм системаси билан мусобақа қилмоқда.

Ривожланиш даражаси юксак бўлган мамлакатларгина эмас, шу билан бирга ишлаб чиқариш даражаси таққослаб бўлмайдиган паст савияда бўлган мамлакатлар ҳам ҳозирги замон капитализмининг қиёфаси нималигини қўрсатиб турибди. Умуман капиталистик системадаги ишлаб чиқариш даражаси АҚШ даги даражадан анча орқада қолмоқда. Иқтисодий ривожланиш суръатларида ҳам турли капиталистик мамлакатлар ўртасида катта тафовут бор, шу билан бирга бу тафовут тобора кўпаймоқда.

Айни вақтда жаҳон социалистик системасидаги ҳамма мамлакатларнинг халқ хўжалиги ва маданияти барқ уриб ривожланмоқда. **Суръатларнинг тезлиги социализмнинг умумий қонунияти бўлиб, эндиликда бу умумий қонуният социалистик лагердаги ҳамма мамлакатлар тажрибасида исбот бўлди.** Социалистик мамлакатларда саноат ишлаб чиқариши 1958 йилда 1937 йилдагига нисбатан беш баравар кўпайди. Хитой Халқ Республикаси 1950-1958 йилларда саноат ишлаб чиқаришини тахминан ўн баравар кўпайтирди. 1958 йилда саноат маҳсулоти урушдан олдинги даражадагига нисбатан Польшада 5,5 баравардан зиёдроқ, Чехословакияда 3,3 баравар, Германия Демократик Республикасида 2,5 баравардан зиёдроқ, Руминияда қарийб 4 баравар, Венгрияда 4 баравардан зиёдроқ, Болгарияда тахминан 9 баравар, Албанияда 18 баравар кўпайди. Корея Халқ Демократик Республикаси саноат ишлаб чиқаришини 1949 йилдагига нисбатан 3,5 баравар кўпайтирди.

Социалистик индустриалштириш натижасида халқ демократияси мамлакатларининг кўпчилигида саноат салмоғи устунлик қиладиган бўлиб қолди. Польша, Венгрия, Руминия, Болгария оғир саноати ривожланган саноат-аграр мамлакатларга айландилар. Хитой Халқ Республикаси аграр мамлакатдан индустриал-аграр мамлакатга айланмоқда.

Социалистик қурилишнинг деҳқонларни кооператив йўлига ўтказишдек энг қийин проблемаси муваффақиятли ҳал қилинмоқда. Хитой Халқ Республикасида, Болгария Халқ Республикасида, Корея Халқ Демократик Республикасида қишлоқ хўжалиги кооперативлаштирилди. Чехословакия ва Албанияда қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш тугалланмоқда. Германия Демократик Республикасида ер майдонининг қарийб ярми кооператив ва давлат хўжаликлари қўлига ўтди. Бошқа социалистик мамлакатларда ҳам қишлоқ хўжалигини кооперативлаштириш тобора кенг авж олдирилмоқда.

Халқ демократиясининг баъзи мамлакатлари эндиликда социализм қуришни тугаллаш даврига кирдилар. Совет Иттифоқи сингари улар ҳам коммунистик жамият қуришга киришадиган вакт яқинлашмоқда. Бунинг жуда катта халқаро аҳамияти бор.

Марксизм-ленинизм таълимотига, социализм қуришнинг умумий қонуниятларига амал қилаётган, революцион назарияни ижодий татбиқ қилаётган, ўз мамлакатларининг миллий ва тарихий хусусиятларини ҳисобга олаётган Коммунистик партияларнинг янги турмуш қуришда муваффақият қозонишлари мумкинлиги амалда исбот бўлди. Социалистик мамлакатларнинг қардош партиялари социализм қуриш назариясини ва практикасини бойитмоқдалар, марксизм-ленинизмни янада ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Социализм йўлидан борганларигина чинакам тараққиёт бўлиши мумкинлиги Европа ва Осиёдаги барча социалистик мамлакатлар тажрибасида энди исбот бўлди.

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш жиҳатидан жаҳон социалистик системасини бир бутун ҳолда олганда бу система жаҳон капиталистик системасидан ўзиб кетди. Ер юзидаги аҳолининг қарийб учдан бир қисми социалистик мамлакатларда яшайди, жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг учдан бир қисмидан кўпроғи социалистик мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Социалистик мамлакатлар жаҳонда етиштирилаётган ғалланинг қарийб ярмисини ва пахтанинг 43 процентини бермоқда. Экономистларнинг ҳисобларига қараганда, **СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик плани тўла ва ошириб бажарилиши натижасида, шунингдек халқ демократияси мамлакатлари экономикаси ғоят тез суръат билан ривожланиб бориши натижасида жаҳон социалистик системасининг мамлакатлари бутун жаҳон саноат маҳсулотининг ярмидан кўпроғини ишлаб чиқарадиган бўлиб қоладилар.** Бу билан жаҳон социализм системасининг моддий ишлаб чиқариш соҳасида, инсон фаолиятининг ҳал қилувчи соҳасида жаҳон капитализм системасидан устунлиги таъминланади.

Бунинг маъзини чақиб кўринг. Ўртоқлар! Гарчи, социализм мамлакатлари ер юзидаги территориянинг фақат тўртдан бир қисмига эга бўлсалар ҳам, гарчи бу мамлакатлар ўтмишда иқтисодий жиҳатдан қолоқ мамлакатлар бўлиб келган бўлсалар ҳам, лекин шунга қарамай бу мамлакатлар жаҳон саноат маҳсулотининг ярмидан кўпроғини ишлаб чиқарилган мамлакат бўлиб қоладиган вақт яқинлашиб қолди! Мана шунинг ўзи социализм йўлига тушиб олган мамлакатларнинг битмас-туганмас имкониятлари борлигини кўрсатувчи энг ёркин далил эмасми!

Маълумки, социалистик революция биринчи бўлиб бизнинг мамлакатимизда ғалаба қилди. Ҳамма давлатлардаги буржуазия, ҳаттоки Каутскийдан тортиб Сухановга қадар социал демократик раҳбарларнинг ҳаммаси мамлакатимизнинг иқтисодий қолоқлигини рўкач қилиб, шунинг учун ҳам совет ҳокимиятининг йиқилиши ва капитализмнинг реставрация қилиниши муқаррар деб кўп йиллар давомида жар солиб келган эдилар. Уларнинг бу кароматларидан энди нима қолди? Ўтмишда индустрия жиҳатидан заиф ривожланган мамлакатлар социализм шароитида тараққий этган капиталистик давлатларга етиб олдилар ва ишонч билан олга бормоқдалар. Ҳокимият ишчилар синфи қўлига ўтиб, социалистик тузум ўрнатилганида халқ ўз мамлакатининг экономикасини капитализм даврилагига караганда таққослаб бўлмаслик даражада тез суръат билан ривожлантириш имкониятига эга бўлиб қолишини тарихнинг ўзи айтиб турибди.

Турмушнинг ўзи шуни кўрсатиб турибдики, социалистик мамлакатлар халқларн ишлаб чиқаришни тез суръат билан ривожлантирмоқ ва меҳнаткашлар фаровонлигини оширмоқ учун янгидан-янги резервларни топмоқдалар. Биз олга томон ягона фронт бўлиб бормоқдамиз, бир-биримизга қардошларча ёрдам кўрсатмоқдамиз ва мадад бермоқдамиз. Шу тарика барча социалистик мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши аста-секин бир-бирига тенглашиб боради.

Капитализм билан иқтисодий мусобақада вақтдан энг кўп ютиш масаласи фақат Совет Иттифоқи олдидагина турган масала эмас. Маълумки, масалан, 1957 йилда Хитой Коммунистик партияси саноатининг энг муҳим тармоқларида ишлаб чиқаришнинг ҳажми жиҳатидан якин 15 йил ичида Англиядан ўзиб кетиш вазифасини қўйди. Мамлакатда «катта сакраш» қилиш учун кенг авж олиб кетган халқ ҳаракати хитой халқи бу вазифани анча қисқа муддат ичида ҳал қилишини кўрсатмоқда. Чехословакия республикаси саноат маҳсулоти ҳажмини 1965 йилга бориб 1957 йилдаги даражага нисбатан 90-95 процент кўпайтиришни, Польша Халқ Республикаси эса 1958 йилдаги даражага нисбатан 80 процент кўпайтиришни мўлжалламоқда. Болгар халқи беш йиллик плани уч-тўрт йил ичида бажармоқчи.

Социалистик лагерь мамлакатларида жаҳон ишлаб чиқаришида биринчиликни олишга муваффақ бўлиш учун ҳамма зарур шарт-шароит бор.

Жаҳон социализм системаси ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръати жиҳатидан устунликка эгадир. Саноат ишлаб чиқаришнинг ҳар йилги ўртача ўсиши кейинги беш йил ичида (1954-1958 йилларда) бутун социалистик лагерда 11 процентни ташкил қилган бўлса, бутун капиталистик дунёда бу ўсиш уч процентга ҳам етмади.

Жаҳон социализм системасида ҳамма мамлакатлар ишлаб чиқаришни ўстиришдаги ўзларининг куч ва ғайратларини бирлаштирмоқдалар ва бир-бирлари билан келишиб ҳаракат қилмоқдалар, айни вақтда капиталистик давлатлар ўртасидаги муносабатларда муросасиз зиддиятлар ҳукмронлик қилмоқда. Халқ хўжалик планларини бир-бирига уйғунлаштириш шундай форма бўлиб қолдики, хозирги босқичда социалистик мамлакатлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги ўзларининг куч ва ғайратларини мана шу формада бирлаштирмоқдалар. Халқаро меҳнат тақсимоти, айниқса унинг олий формаси бўлган ихтисослашиш ва кооперативлашиш социалистик лагерь экономикасини ривожлантиришда катта роль ўйнаши лозим. Бутун социализм лагерида ва алоҳида ҳар бир социалистик мамлакатда ишлаб чиқаришни ўстиришнинг янги, қўшимча имкониятлари мана шунинг ўзидан келиб чиқади. Ҳеч бир мамлакат якка-якка ҳаракат қилганида социалистик давлатлар системасида бўлганидек шунчалик тез суръат билан ривожлана олмас эди.

Социалистик мамлакатлар иқтисодий ривожланишининг хусусияти шундаки, бу мамлакатлар ўзларининг ўзаро муносабатларини мустаҳкамлаш йўлида олга бора берганлари сари жаҳон социалистик системаси тобора мустаҳкамлана беради. Капиталистик дунёда бунга бутунлай қарама-карши тенденция ҳукмронлик қилади, чунки капиталистик дунёда у ёки бу мамлакатда ишлаб чиқаришнинг ўсиши капиталистик мамлакатлар ўртасидаги зиддиятларни чуқурлаштиришга, конкуренция, курашини кучайтиришга ва уларнинг бир-бирлари билан тўқнашишларига олиб келади. Ҳар бир социалистик мамлакатнинг ўсиши ва ривожланиши бутун социалистик жаҳон системасини мустаҳкамлашга олиб келади. Бизнинг кучимиз мана шундадир, жаҳон миқёсида капитализм билан бўлаётган мусобақада социализмнинг келгусида қозоналиган ғалабаларининг ғарови мана шундадир.

Совет Иттифоқи жаҳон социалистик системаси мамлакатлари бирлигини мустаҳкамлашга, социалистик интернационализм, эркин халқларнинг қардошларча дўстлиги принциплари асосида социализм мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни, иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга бундан бўён ҳам ёрдамлашишни ўзининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди.

* * *

Ўртоқлар! Етти йиллик план бутун жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Уни дўстларимиз ҳам, душманларимиз ҳам муҳокама қилмоқдалар, шарҳламоқдалар.

Дўстларимиз Совет Иттифоқидаги коммунистик қурилиш программасини қизғин равишда табриклямоқдалар. Барча коммунистик ва ишчи партиялар планимизга баҳо беришда яқдилдирлар. Ҳамма мамлакатлардаги меҳнаткашлар ва прогрессив кишилар тинчлик, демократия ва социализм кучларини янада мустаҳкамлаш учун бу планнинг эўр аҳамиятини қайд қилмоқдалар.

Контроль рақамлар душманларимиз лагерида саросималик ва парокандалик туғдирди. Буржуа пропагандаси планимизнинг тинчликни кўзловчи максадларини бузиб кўрсатишга, бу планнинг олдий кишиларнинг онгига ва қалбига ўтказаётган таъсирини камайтиришга уринмоқда. Бирок, хатто буржуа матбуот органлари ҳам етти йиллик планда кўйилган вазифалар ҳақиқатан ҳам гигант вазифалар эканлигини эътироф килмай иложлари қолмади. Англиядаги «Экономист» журнали бу план «ҳайратга соладиган таассурот қолдирди» деб қайд қилишга мажбур бўлди.

Буржуа матбуотининг бу план тўғрисида айтаётган фикрларини ўқиганингда унинг биринчи беш йиллик тўғрисида айтган гаплари беихтиёр эсга тушади. Ўша вақтда буржуа матбуоти «большевиклар эксперименти» барбод бўлади, деб пайғамбарлик килган эди, бу планга «аклга сиғмайдиган иш», «хаёлпарастлик» деб ном берган эди. Лекин хозир замон бошқача. Социализм муваффақиятлари бутун дунёни бизнинг планларимизни ўрматлашга мажбур килди. Кўпгина буржуа арбоблари, етук экономистлар ва матбуот органлари планнинг реаллигини эътироф қилишга мажбур бўлиб қолдилар. Америка монополияларининг журнали «Бизнес уик» ўз мақоласида «СССР нинг саноат соҳасида ўз олдига қўйган мақсадларига эришувни таъминлайдиган яхши имкониятлари бор. Ўтмишда советлар ўзларининг беш йиллик планларини асосан бажариб келдилар» деб кайд қилмоқда. Япония монополияларининг газетаси «Санкей» бундай деб ёзади: «Эълон қилинган контроль рақамларнинг реаллигига капиталистик дунёдаги баъзи бировлар сингари ҳали ҳам шубҳаланиш хато бўлур эди. Совет плани революция бўлган вақтдан бери ўтган 40 йилнинг тажрибасига асосланганлиги учун ҳам реал пландир».

Янги замоннинг қўшиқлари ҳам янгича бўлади. Етти йиллик план ҳалқаро миқёсда ёппасига эътироф қилинганлиги билан биринчи ғалабани қозонди, деб айтишга тўла равишда ҳақлимиз.

Америкада чиқалиган «Де-Мойн режистер» газетаси Ғарб мамлакатларининг арбобларини огоҳлантириб, бу арбоблар етти йиллик планга жиддий карашлари керак, чунки СССР «катта иқтисодий тараққиётга—Қўшма Штатлар тараққиётига караганда ҳам анча тез тараққиётга эришишга ўзининг қобил эканлигини исбот қилди», деб ёзади. «Нью-Йорк таймс» газетасининг редакторларидан бири бундай деб ёзди: «Агар иқтисодий жиҳатни назарда тутадиган бўлсак, Совет Иттифоқининг нафасини ўз орқамизда сезиб турибмиз. Уларнинг бизга етиб олишлари учун икки марта сакрашгина кифоя қилади—улар ўзларининг ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантиришда биздан ўн йил чамаси орқада турибдилар, холос». Бу хушёрлик билан қил

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ докладининг давоми

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Иккинчидан, бу планни бажариш СССР нинг иқтисодий потенциалини шу даражада кўпайтириб юборадики, бунинг натижасида барча социалистик мамлакатларнинг иқтисодий потенциали ўсиши билан биргаликда ҳаҳаро миқёсда кучларнинг нисбати тинчлик фойдасига ҳал қилувчи устунлик олиши таъминланади ва шундай қилиб жаҳон урушининг олдини олмоқ учун, ер юзида тинчликни сақлаб қолмоқ учун янги, тагин ҳам кўпроқ қулай шароит вужудга келади.

Партия XX съездида, урушлар фаталь равишда муқаррар эмас, деб чиқарилган хулоса тўла тасдиқланди. Ҳозирги вақтда биз бу хулосанинг тўғрилигини тасдиқлаш учун янада кўпроқ асосга эгамиз. Ҳозирги вақтда империалистик агрессорларга зарба беришга ва агар улар жаҳон урушини бошлайдиган бўлсалар, уларни маглубиятга учратишга қодир бўлган жуда катта кучлар бор.

Совет Иттифоқи, Европа ва Осиёдаги барча социалистик мамлакатларнинг иқтисодий планларининг амалга оширилиши ҳалқаро вазиятга қандай янгиликлар киритади? Бунинг натижасида **ҳалқаро масалаларни ҳал қилиш воситаси сифатида урушни йўқотиш учун реал имкониятлар туғилади.**

Дарҳақиқат, СССР жаҳонда биринчи саноат давлати бўлиб қолганидан кейин, Хитой Халқ Республикаси қудратли индустриал давлат бўлиб қолганидан кейин, социалистик мамлакатларнинг ҳамма биргаликда жаҳон саноат маҳсулотининг ярмидан кўпроғини ишлаб чиқарадиган бўлиб қолганларидан кейин ҳалқаро вазият тубдан ўзгаради. Социалистик лагерь мамлакатларининг муваффақиятлари бутун дунёда тинчликсевар кучларнинг мустаҳкамланишига, ҳеч шубҳасиз, жуда катта таъсир ўтказадиган бўлиб қолади. Ана ўшанда мустамлака асоратидан қутилган янги мамлакатлар тинчликни мустаҳкамлаш учун курашаётган давлатларга қўшиладилар, бунга шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Ҳалқларнинг онгида урушга йўл қўймаслик идеяси янада чуқур ўрнашиб қолади. Кучларнинг янги нисбати шу қадар яққол бўлиб қоладики, ҳатто энг ўжар империалистларга ҳам социалистик лагерга қарши уруш бошламоқ учун қилинадиган ҳар қандай уриниш натижасиз бўлиб чиқиши равшан бўлиб қолади. Тинчликсевар ҳалқлар ўшанда социализм лагерининг қудратига таяниб империализмнинг урушқоқ доираларини янги жаҳон уруши планларидан воз кечишга мажбур қила оладилар.

Шундай қилиб, ер юзида социализм тўла ғалаба қозонганига қадар ҳам, жаҳоннинг бир қисмида капитализм сақланиб қолса ҳам жаҳон урушини жамият ҳаётидан чиқариб юбориш учун реал имконият туғилади.

Бундай дейишлари мумкин: модомики, капитализм қола берар экан, уруш бошлаши мумкин бўлган авантюристлар ҳам қола беради-ку. Бу — тўғри гап, буни унутиш ярамайди, албатта. Модомики, капитализм мавжуд экан, «ақл-фаросатга хилоф» бўлган, натижа чиқмайдиган ишлар қилишни истовчи кишилар ҳамиша топилиши мумкин. Бироқ, улар бу билан капиталистик системанинг ҳалокатини тезлаштирадилар, холос. Агрессия қилишга қаратилган ҳар қандай уринишнинг пайи қирқила беради, авантюристлар эса шармандалари чиқиб расво бўлиб қола берадилар.

Планларимизни муҳокама қилиш вақтида очиқ кўринаётган истиқбол мана шу, ўртоқлар.

Ҳалқаро аҳволнинг айрим масалаларига ўтишга ижозат берингиз. Ҳамма ҳалқаро проблемаларга тўхталмасдан, шу проблемаларнинг фақат энг актуалларини айтиб ўтмоқчиман.

Германия масаласини тўғри ҳал қилиш тинчликни ва ҳалқлар хавфсизлигини таъминламоқ учун катта аҳамиятга эгадир. Маълумки, XX асрнинг биринчи ярмида герман империализми икки марта жаҳон уруши бошлади. Эндиликда АҚШ, Англия монополиячиларининг ҳамда агрессив Шимолий Атлантик пактида қатнашаётган бошқа давлатларнинг ёрдами билан Ғарбий Германия НАТО нинг асосий атом ва ракета базасига айлантирилмоқда. Ғарбий Германия бу агрессив блокда ҳозиринг ўзидаёқ биринчи даражадаги ролни ўйнай бошлади. Ғарб мамлакатларидаги баъзи сиёсатчилар герман милитаризми Ғарбга ҳам борадиган йўлни билишини унутиб, бу сафар ҳам герман таҳдидининг тигини Шарққа томон йўналтирилаётганига ўхшайдилар.

Герман милитаризми инсониятни учинчи марта жаҳон урушига тортиши мумкин бўлган ҳолат вужудга келмоқда. Ғарбий Германияни қуроллантириш натижасида туғиладиган жиддий хавфни кўрсатганимизда бунга жавобан бизга Ғарбий Германия НАТО составида контроль остида турибди ва у хавфли эмас, деб айтмоқдалар. Лекин Ғарбий Германияда милитаризм ва реваншизм бош кўтарганлигини ва тинчликсевар ҳалқларга таҳдид қилаётганлигини энди ҳамма кўриб турибди.

Германия Федератив Республикаси шундай мамлакатларнинг биридирки, бу мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари «совуқ урушни» давом эттириш, зўравонлик позициясига таянувчи сиёсатни амалга ошириш тарафдоридирлар. Бундай сиёсатни канцлер Аденауэр айниқса зўр бериб ўтказмоқда. У, ҳалқаро кескинликни юмшатишга ва «совуқ урушни» тугатишга қаратилган ҳар қандай битим тузилишига энг кўп қарши чиқаётганларнинг биридир. Аденауэрнинг бу позициясини Ғарб давлатларининг таъсирлор доиралари, шунингдек кредитлар олишни истаганликлари учун ва бошқа сабабларга кўра АҚШ га ва Германия Федератив Республикасига қарам бўлган мамлакатлар қўллаб-қувватламоқдалар.

Герман милитаризмининг таҳдиди тинчликсевар давлатларни, биринчи галда Ғарбий Германиянинг қўшниларини зарур чоралар кўришга мажбур қилади.

Кўп йиллар давомида Совет Иттифоқи Германиянинг Потсдам битимларига мувофиқ тинч демократик ривожланишига ёрдам беришга ва милитаризмнинг тикланишига йўл қўймасликка изчиллик билан ҳаракат қилиб келди. Лекин Совет Иттифоқининг бу йўлдаги ҳамма ҳаракатлари АҚШ, Англия, Франция ва Ғарбий Германиядаги ҳукмрон доираларнинг қаттиқ қаршилигига дуч кела берди.

Кейинги вақтларда Совет Иттифоқи Германия Федератив Республикаси томонидан бўлаётган ҳарбий хавф кўпайиб кетганлигини ҳисобга олиб, Германия масаласига доир бир қанча янги таклифлар киритди. Биз Германияданги чет эл қўшинларини аста-секин камайтиришга, тагин ҳам яхшироғи — чет эл қўшинларини Германиядан батамом олиб чиқиб кетишга киришишни таклиф қилаётирмиз. Биз қуролли кучларни «бир-бирдан ажратиб турадиган зона» вужудга келтириш тарафдоримиз. Бу қуролли кучлар бир-биридан қанчалик узоқда турса, тўқнашиш ва конфликтлар чиқиш хавфига қарши гарантия шунчалик кўп бўлади. Агар НАТОда қатнашувчи бошқа мамлакатларнинг ҳаммаси ўз қўшинларини ўзларининг миллий чегаралари доирасига олиб кетсалар ва бошқа мамлакатларда жойлаштирган ўз ҳарбий базаларини тугатсалар, Совет Иттифоқи ўз қўшинларини фақат Германиядангина эмас, шу билан бирга Варшава шартномасига мувофиқ Польшада, Венгрияда турган ўз қўшинларини ҳам олиб чиқиб кетишга тайёрдир.

Совет Иттифоқи Польша Халқ Республикаси ҳукуматининг Европада «атомсиз зона» вужудга келтириш ва шу зонадаги оддий қурол-яроғларни камайтириш тўғрисидаги планини қувватлайди.

Ўтган йил ноябрь ойида Совет ҳукумати АҚШ, Англия ва Франциядга мурожаат қилиб, Берлиндаги оккупация режими қолдиқларини тугатишни ва Ғарбий Берлинни демилитаризация қилинган эркин шаҳарга айлантиришни таклиф этди. Берлин масаласини бу таҳлитда ҳал қилиш Европада тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига мос бўлиб тушади ва ҳалқаро кескинликни юмшатишга ёрдам беради. Германия билан сулҳ шартномаси тузиш Германия масаласини кардинал равишда ҳал қилади. Уруш тамом бўлганидан кейин орадан 14 йил ўтганлигига қарамай, Германия билан урушган давлатлар у билан сулҳ шартномаси тузмаганликларини ҳеч қандай сабаб билан оқлаб бўлмайди. Ҳақиқатда бундай аҳвол «совуқ урушни» давом эттириш позициясида турганлар учун манфаатлидир. Ғарб давлатлари Европанинг марказида ўз қўшинларини сақлаб турмоқ, бу ерда атом плацдармига эга бўлмоқ ва янги уруш тайёрламоқ, шу тарика Германия ва герман ҳалқининг тақдири билан қўлдан қўлга ўтадиган майда чақадек сурбетларча ўйнамоқ учун бу ҳолатдан фойдаланмоқдалар.

Сулҳ шартномасининг Совет Иттифоқи таклиф қилган проекти герман ҳалқининг ҳуқуқларини, унинг тўла суверенитетини таъминлашни, Европадаги ҳалқларнинг хавфсизлигини ва тинчликни сақлайдиган зарур чораларни кўрган ҳолда герман ҳалқининг тинч демократик ривожланишини таъминлайдиган ҳамма имкониятларни ўз ичига олади. Германия билан сулҳ шартномаси тузиш Европадаги кескин вазиятни дарҳол юмшатган бўлур эди. Бундай шартноманинг тузилиши мустаҳкам ҳуқуқий тартиб вужудга келтирган бўлур эди, Ғарбий Германиядаги реваншчилик кайфиятлари учун замин қолдирмаган бўлур эди, герман ҳалқини чет давлатлар оккупациясидан халос қилган бўлур эди ҳамда унинг ички ва ташқи сиёсатга доир ҳамма масалаларни ўзи ҳал қилишига имкон берган бўлур эди.

Совет Иттифоқи эса, сулҳ шартномаси тузилишини таъминламоқ учун ўзининг бутун куч ва ғайратини сарфлайди ва бу соҳада изчиллик билан ҳормай-толмай ҳаракат қила беради. Сулҳ шартномасини тузиш Берлин масаласини ҳам тинчликсеварлик ва демократик негизларда ҳал қилишга олиб келади, Ғарбий Берлинни эркин шаҳарга айлантиришни, унинг ишларига аралашишга йўл қўймаётган зарур гарантия берилишини таъминлайди. Бу гарантияни таъминлашга Бирлашган Миллатлар Ташкилотини тортиш керак. Биз бу масалаларни оқилона ҳал қилмоқ учун шу масалаларнинг ҳаммаси устида музокаралар олиб боришни истаймиз. Бизнинг таклифларимиз шундай мақсадга жавоб беради, Европанинг марказида давлатлар ўртасидаги муносабатларда кескинлик туғдирувчи кўп сабабларни йўқотишга олиб келади ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Сулҳ шартномаси тузиш натижасида Германияни қайта бирлаштириш йўлида олға томон катта қадам қўйилади. Мавжуд ҳалқаро кескинлик, айниқса ҳар иккала герман давлати ўртасидаги муносабатларда бўлган кескинлик эса Германиянинг қайта бирлаштирилишига тўсқинлик қилиб турибди.

Шуни яхши тушуниб олиш керакки, Германияни қайта бирлаштириш немис ҳалқининг ўзи батамом ва тўла равишда бажарадиган ишдир. Модомики, ҳозир иккита суверен давлат мавжуд экан ва бу давлатларнинг биронтасини йўқотишга ҳаракат қилиш жаҳон уруши чиқишига сабаб бўлар экан, демак, фақат Германия Демократик Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасида музокаралар олиб бориш воситаси билангина Германияни қайта бирлаштиришга эришиш мумкин. Бундан бошқа йўл йўқ.

Аҳли расо кишиларнинг ҳаммаси Германияни қайта бирлаштиришни Германия Демократик Республикасидаги немис ҳалқининг социалистик муваффақиятларини тугатиш ҳисобига амалга ошириш мумкин эмаслигини тушунадилар. Германияни Аденауэр таклиф қилаётган асосларда бирлаштириш Европа ҳалқларининг хавфсизлигини таҳлика остида қолдирган бўлур эди, чунки бунинг натижасида милитаризм, реваншизм ва реакция бутун Германия территориясида ҳукмронлик қиладиган бўлиб қолур эди. Германия Федератив Республикасидаги мавжуд режимни тугатиш йўли билан ҳам Германияни бирлаштиришга кўз тутиб бўлмайди.

Немислар мамлакатини қайта бирлаштириш шартларини уларга четдан туриб зўрлаб қабул қилдириш тўғри бўлур эди. Немисларнинг ўзлари бир-бирлари билан гаплашиб бамаслаҳат бир фикрга кела берсинлар, шунинг учун ҳам биз Германия демократик доираларининг: «Немислар, умумий бир стол атрофига тўпланиб маслаҳатлашиб олайлик!» деган шиорини қувватлаймиз.

Ғарб пропагандаси, Совет Иттифоқи Германиянинг эркин сайловлар асосида қайта бирлаштирилишига қаршми деб жуда кўп шовқин солмоқда. Биз эркин сайловларга қарши бўлган эмасмиз ва ҳозир ҳам қарши эмасмиз. Лекин бу масалани ҳам немисларнинг ўзлари ҳал қилишлари лозим. Биз Германияни қайта бирлаштиришга доир масалаларнинг ҳаммаси Аденауэр истаган йўл билан эмас, яъни чет давлатларнинг тазйиқ ўтказиши, уларнинг герман ҳалқининг ички ишларига аралашуви ва Германия Демократик Республикасини ютиб юбориш йўли билан эмас, балки ҳар иккала немис давлатининг бамаслаҳат келишиб бир битимга келиши йўли билан ҳал қилишишни истаймиз.

Иккала немис давлатининг Германияни қайта бирлаштириш ишини осонлаштирмоқ учун Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг Германия Демократик Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасида доимий алоқа ўрнатишга ва умумгерман органлари тузишга олиб борадиган биринчи қадам тариқасида конфедерация тузиш тўғрисидаги оқилона таклифини қувватлаймиз. Ҳар иккала немис давлатининг Германияни қайта бирлаштириш тўғрисида бамаслаҳат бир фикрга келишига имконият берадиган бошқа яна бирор йўл бўлса, биз бунга ёрдамлашишга тайёрмиз.

Шу муносабат билан канцлер Аденауэрнинг роли тўғрисида яна гапириб ўтиш керак. У, Германиянинг тинчликсевар демократик негизларда қайта бирлашувидан қўрқаяпти. Унинг позициясига сира тушуниб бўлмайди. Бу позиция соғлом ақл-идрокка ва немис ҳалқининг ўз манфаатларига зид позициядир. Аденауэр христиан-демократик партиянинг раҳбаридир. Бас шундай экан, у ижилнинг таълимотига амал қилиши керак эди, зотан унинг партиясида ижил таълимоти тўғрисида жуда кўп гапиришни яхши кўришади. Ҳақиқатда эса, бу «христианин» бир қўлида бут ушлаб туриб, иккинчи қўлига атом бомбасини олмоқчи бўлади. Аммо у бутун умидини кўпроқ атом бомбага боғлаяпти. Ваҳоланки, бомбага кўпроқ умид қилиш ижил тарғибларига ҳам, немис ҳалқининг миллий вазифаларини ҳал қилишга ҳам асло мувофиқ келмайди. Эши улгайган ва тажрибакор киши бўлган Аденауэр жаноблари, ядро қуроли фақат унинг иттифоқчиларидагина эмас, балки Совет Иттифоқида ҳам борлигини қандай қилиб ҳисобга олмаслиги мумкин! Ядро қуроли шундай воситаки, у кўп кишиларни ҳалок қилиши мумкин, буни унутиш ярамайди. Ғарбий Германия атом базасига айлантирилаётганлиги сабабли ҳарбий тўқнашиш бўлиб қолган тақдирда унинг аҳолиси бунинг офатларига ҳаммадан олдин гирифтор бўлади.

Агар Аденауэр жаноблари ҳақиқатан ҳам диндор киши бўлса, у, христианлик таълимотига кўра, келажакнинг гамини ейиши, «Ўз жонининг жаннатга киришини» ўйлаши керак. Аммо Аденауэр жаноблари ҳақиқатда қилаётган ишлари кўздан кечирилса, шу нарсани тўппа-тўғри айтиш керакки, у жаннатга киришга лойиқ бўладиган ҳеч қандай иш қилаётгани йўқ. Инжил оятларига кўра, бундай ишларни қилаётган кишилар бутунлай бошқа жойга — жаҳаннамга тушишлари турган гап.

Ер шарининг бошқа районида — Узоқ Шарқда — АҚШ нинг Хитой Халқ Республикасига ва бошқа тинчликсевар давлатларга нисбатан ўтказаётган агрессив сиёсати кескинликнинг асосий манбаи бўлмоқда. Яқиндагина бутун дунё Американинг агрессив ҳаракатлари жуда катта ҳарбий ёнгинга айланиб кетишига сал қолганлигини кўриб ҳаяжонга тушди. Хитой Халқ Республикаси ва бошқа тинчликсевар кучлар кескин ҳаракат қилганликлари натижасидагина бу хавфнинг олди олинди. Тинч океан районида Американинг атом қуроли синаладиган асосий полигон бўлиб қолди.

Бу фактларнинг ҳаммаси ер шарининг бу қисмида урушнинг ва айниқса атом урушининг олдини олиш тўғрисида ғамхўрлик қилишни жуда зарур иш қилиб қўймоқда. Бошқа ҳамма жойдагига қараганда бу ерда имкониятлар кўпроқ бўлиш мумкин, чунки Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, Корея Халқ-Демократик Республикаси, Вьетнам Демократик Республикаси, шунингдек Ҳиндистон, Индонезия, Бирма ва бу райондаги бошқа давлатлар тинчлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар. Бу давлатлар атом қуролини ва бу қурол синовларини тақиқлаш учун биргаликда ҳаракат қилсалар, бу нарса Тинч океанда тинчликни сақлашга қатъий даражада ёрдам берган бўлур эди. Бу мамлакатларнинг ташаббусини Япония ва Тинч океан ҳавзасидаги бошқа мамлакатлар қувватлаган бўлур эдилар. **Узоқ Шарқда ва бутун Тинч океан ҳавзасида тинчлик зонасини ва биринчи навбатда атом қуролидан ҳоли бўлган зонани вужудга келтириш мумкин ва лозим.**

Бутун прогрессив инсоният Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги воқеаларнинг ривожланишидан мамнун бўлиши мумкин. Биз араб ҳалқларининг ҳамда Осиё-Африкада мустамлака асоратидан қутулган бошқа ҳалқларнинг миллий озодлик ҳаракатини табриклаймиз. Бу ойларнинг бир қанча мамлакатларидан империалист мустамлакачилар қўшинларининг ҳайдаб юборилганлиги араб ҳалқларининг ва бошқа тинчликсевар кучларнинг зўр ғалабаси бўлди. Бироқ, бу районда аҳволнинг кескинлашуви учун имконият ўқ деб ўйлаш ярамайди, чунки мустамлакалардан ҳайдаб чиқарилган мустамлакачилар ўзларининг маглубиятга учраганликларига тоқат қилолмайдилар. Ғарб давлатлари, биринчи навбатда АҚШ ва Англия араб давлатларини бир-бири билан тўқнаштиришга уринмоқдалар, Ироқда ва бошқа араб мамлакатларида фитнани қучайтирмоқдалар. Улар озодликка чиқиб олган ҳалқларни, аввало Араб Шарқи ҳалқларини бир-биридан ажратмоқ учун заиф жойларни қидирмоқдалар.

Ҳалқлар ўз миллий мустақиллиги учун, мустамлакачиларга қарши курашаётганларида ватанпарвар кучларнинг ҳаммаси битта миллий фронтда бирлашадилар.

Масалан, Миср ҳалқи ва бошқа араб ҳалқлари империалист мустамлакачилар асоратидан қутулиш учун курош олиб борган даврда шундай аҳвол вужудга келган эди. Мисрда барча миллий кучлар сафарбар қилинганлиги натижасида мустамлакачиларни мамлакатдан ҳайдаб чиқариш учун; Сувайш канали компаниясини национализация қилиш учун муваффақиятли кураш олиб борилган эди. Мисрнинг миллий озодликка эришганлигини бутун прогрессив инсоният табриклади. Ироқда империалистларга хизмат қилиб келган реакцион тўда ағдариб ташланди ва мустақил республика вужудга келтирилди. Совет халқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг халқлари араб халқларининг ҳаққоний курашини актив равишда қувватладилар. Бу ҳаракатнинг кўзга кўринган арбоблари—Бирлашган Араб Республикасининг президенти Гамал Абдул Носир, Ироқ Республикаси ҳукуматининг раҳбари Абдил Карим Қосим совет кишиларининг саҳаши хайрихоҳлигига сазовор бўлдилар.

Мустамлакачилар ҳайдаб чиқарилгач, умуммиллий вазифалар асосан ҳал қилинганидан кейин ҳалқлар турмуш олдинга сураётган социал проблемаларнинг жавобини қидирадилар. Бу, аввало, аграр-деҳқонлар масаласини ҳал қилиш, меҳнатнинг капитал билан кураши проблемаларидир. Миллий озодлик ҳаракатининг сафларида ижтимоий процесслар вужудга келади, бу эса шу ҳаракат вужудга келган давлатларда ривожланишнинг бундан сўнг қандай йўллардан бориши тўғрисида муқаррар равишда турли фикрлар туғдиради.

Бошқа социалистик мамлакатлар сингари бизнинг мамлакатимиз ҳам миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаб келди ва қўллаб-қувватлаб беради. Совет Иттифоқи бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмади ва аралашмоқчи эмас, лекин биз баъзи мамлакатларда антикоммунизм деган сохта шиорлар остида прогрессив кучларга қарши олиб борилаётган кампанияга ўз муносабатимизни билдирмаслан ўтолмаймиз. Бирлашган Араб Республикасида яқинда коммунизм идеясига қарши чиқишлар рўй берганлиги ва коммунистларга қарши айблар қўйилганлиги сабабли мен, коммунист бўлганлигим учун, Коммунистик партиямизнинг съездида шуни айтиб ўтишни зарур деб ҳисоблайманки, коммунистларни империализмга қарши курашдаги миллий ҳаракатларни сусайтираётирлар, ёки бу ҳаракатларни бир-биридан ажратаётирлар деб айблаш нотўғридир. Аксинча, мустамлакачиларга қарши кураш ишига коммунистлардан кўра садоқатлироқ ва бу ишда саботлироқ кишилар йўқ. Империализмга қарши курашда коммунизм кучларидан кўра саботлироқ куч йўқ. Империалистлар ўз курашларининг тигини коммунистик харакатга қарши қаратаётганликлари тасодифий эмас.

Коммунистик ва бошқа прогрессив партияларга қарши курашиш реакцион ишдир. Антикоммунистик сиёсат тўказиш миллий кучларни бирлаштирмайди, балки бу кучларни бир-биридан ажратади, бинобарин, бутун миллатнинг ўз манфаатларини империализмдан ҳимоя қилиш йўлидаги куч ва ғайратини бўшаштиради. Коммунистларни араб ҳалқларининг миллий манфаатларига қарши чиқаётирлар деб айблаш нотўғридир. Коммунизмни сионизм билан тенглаштириш ҳам гўлликдир. Ҳаммага маълумки, коммунистлар, шу жумладан Исроилда ҳам сионизмга қарши кураш олиб бормоқдалар.

Ҳамма нарсада «коммунистларнинг кирдикорлари» бор деб ўйлаш ақлга сиғадиган иш эмас. Жамиятнинг ривожланиши масалаларини чўқурроқ кўздан кечириш керак. Ижтимоий ривожланишнинг объектив қонуниятлари бор. Бу қонуниятлар эса, миллатлар ичида турли манфаатларни кўзловчи синфлар мавжудлигини кўрсатади. Мустамлака мамлакатларда империалистик асорат тугатилганидан кейин ишчилар иш кунини камайтиришга, иш ҳақини оширишга эришишни истайдилар; деҳқонлар кўпроқ ер олишни ва ўз меҳнатларининг самараларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишни истайдилар, ишчилар ҳам, деҳқонлар ҳам сиёсий ҳуқуқларга эга бўлишни истайдилар. Капиталистлар эса, кўпроқ фойда олишни истайдилар, помешчиклар ўз қўлларидаги ерларни сақлаб қолишни истайдилар. Прогрессив кучлар мамлакатни социал тараққиёт йўлидан ривожлантиришга интиладилар, мамлакатнинг миллий мустақиллигини мустаҳкамлашга, уни империалистларнинг кирдикорларидан муҳофаза қилишга ҳаракат қиладилар. Ички реакцион кучлар, кўпинча империалистларнинг четдан туриб гиж-гижлашига учиб, прогрессив кучларнинг бу ҳаракатига қарши кураш олиб борадилар.

Империалистик асоратдан қутулган мамлакатларда рўй берадиган бундай процесслар у ёки бу партияларнинг иродаси ва истаги билан пайдо бўлаётгани йўқ, балки синфлар ва уларнинг турли манфаатлари борлиги сабабли пайдо бўлаётир. Биз коммунистлар социал адолат учун курашаётганларга ҳайрихоҳлик қиламиз, албатта, шунингдек барча прогрессив кучлар ҳам ана шундай ҳайрихоҳлик қиладилар.

Бизда ва Бирлашган Араб Республикасининг баъзи арбоблари идеология соҳасида турлича қарашлар борлигини яширмаймиз, лекин империализмга қарши кураш масалаларида, мустамлакачиликдан озод бўлган мамлакатларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш ишида, ҳарбий хавфга қарши курашда бизнинг позициямиз билан шу арбобларнинг позицияси бир-бирига тўғри келади. Идеологик қараш лардаги фарқлар мамлакатларимиз ўртасида дўстона муносабатларнинг ривожланишига ва империализмга қарши биргаликда кураш олиб бориш ишига халақит бермаслиги лозим .

Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида изғиб юрган империалистик давлатларнинг агентлари баъзи бировларни коммунизм билан чўчитмоқчи бўладилар, шундай йўл билан империалистларнинг таъсирини таъминлашни ва реакцион кучларни қувватлашни истайдилар. Шу сабабли бу мамлакатларнинг ҳалқлари империалистларнинг кирдикорларига нисбатан хушёр бўлишлари лозим.

Миллий озодликка эришган мамлакатлар социалистик мамлакатларнинг қўллаб-қувватлашига, барча прогрессив кишиларнинг қўллаб-қувватлашига муҳтождирлар ва муҳтож бўладилар. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар мустамлака асоратидан қутулган мамлакатлар билан дўстона алоқаларни мустаҳкамламоқдалар, уларга ёрдам кўрсатмоқдалар ва бундан кейин ҳам ёрдам кўрсатадилар.

Империалистлар кам тараққий қилган мамлакатдар билан ўзларининг иқтисодий муносабатларини товламачилик ва уларни қўлга тушириш воситасига айлантирмоқдалар. Уларга ҳарбий ва сиёсий шартларни мажбуран қабул қилдирмоқдалар. Бизнинг мамлакатимиз ҳамма давлатлар билан ўзининг муносабатларини ҳеч қандай ҳарбий ва сиёсий шартларни қўймайдиган тўла тенг ҳуқуқлилик ва ҳамкорлик асосларига қурмоқда. Биз ҳайри-эҳсончилик билан шуғулланмаймиз. Совет Иттифоқи одилона коммерцияга асосланувчи ёрдам бераётир. Социалистик мамлакатлар кам тараққий этган мамлакатларнинг ўз саноатларини вужудга келтиришга ёрдамлашмоқдалар. Айни вақтда, АҚШ ўзининг ички бозорида ўтмай қолган истеъмол молларни сотишга уринмоқда. Етти йиллик план Совет Иттифоқининг саноат жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик қилиши учун янги имкониятлар очиб беради.

Ҳалқларнинг ўз эркинлиги ва мустақиллиги учун олиб бораётган курашида ҳозир янги босқич бошланганлиги кўриниб турибди, барча мустамлака ва қарам мамлакатларда миллий озодлик ҳаракати авж олмоқда. Латин Америкаси мамлакатлари ҳалқларининг Америка империализми асоратига қарши кураши кучайиб кетди. Осиё ва Африка мамлакатларининг ҳалқлари ҳаракатга келди. Бу қитъаларда миллий озодликка эришган ҳалқлар ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилишни истамоқдалар. Улар учун тинчлик шароити ҳар қачонгидан ҳам ҳозир кўпроқ керак. Буюк давлатлар Араб Шарқи ва Африка мамлакатлари ҳалқларининг суверенитетини муқаддас билиб ҳурматлаш мажбуриятини ўз зиммаларига олишлари, низоли масалаларни ҳал қилишда куч қўлланишдан, бу давлатларнинг ички ишларига аралашишдан воз кечишлари лозим. Ўт билан ўйнашилаётган ўқ-дори омбори ўрнида тинчлик ва ҳалқлар эркин равишда миллий ривожланадиган зона вужудга келтириш керак.

Айрим районларда вазиятни юмшатиш учун зарур бўлган чораларни ҳалқаро вазиятни ёпишасига соғломлаштириш учун курашиш билан бирга қўшиб олиб бориш керак.

Бугунги вазифа шуки, **қуролсизланиш ишини** тўхтаб қолган жойидан силжитиш керак. Зўр бериб қуролланиш янгидан-янги молиявий ва моддий ресурсларни қамраб олиб давом қилмоқда. Капиталистик давлатларнинг ҳукуматлари қуролярогларни ишлаб чиқаришга маблағлар топмоқ учун ўз бюджетларининг катта қисмини ҳарбийлаштириш ишларига сарфламоқдалар, «ялангоч қолсанг ҳам қиличингни қўйма» деган принципга амал қилиб, меҳнаткашларни талаш сиёсатини ўтказмоқдалар.

Атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш айниқса зарур бўлиб қолди. Ер шарининг ҳар қандай жойида атом портлатилган тақдирда ҳам бу портлашни билиб олиш мумкинлигини эндиликда ҳамма эътироф қилганидан кейин, ядро қуроли синовларини тақиқлаш проблемасини ҳал қилишни тўхтатиб туриш учун ҳеч қандай асос йўқ. Ҳамма мамлакатларнинг ҳалқлари ер атмосферасини зарарли радиоактивлик билан тўлдираётган бу синовларни тўхтатишни талаб қилмоқдалар. Бу талаб албатта бажарилиши лозим.

Биз шунга асосланиб иш кўрмоқдамизки, социал системалари турлича бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатлар тинчтотув яшаш асосида қурилиши лозим. Биздаги ва капиталистик мамлакатларнинг ҳукмрон доираларидаги қарашлар турлича, дунё қарашлар турличадир. Биз ўз қарашларимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз ва бизнинг синфий мухолифларимиз ўз идеологиясини ўзгартиради деган хом хаёлларга ҳам берилмаймиз. Лекин бундай қарашларда фарқ бўлганлиги учун уруш қилишимиз керак деган маъно келиб чиқмайди. Ҳар қайси мамлакатда ҳалқ ўз тақдирини ўзи белгилайди ва ўз тараққиётининг йўлини ўзи танлаб олади. Совет Иттифоқи ўзи танлаб олган йўлни ҳеч кимга зўрлаб қабул қилдирмоқчи эмас. Биз В. И. Ленининг, революциялар экспорт қилинмайди, деган кўрсатмасига тўла равишда амал қиламиз.

Социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг раҳбарлари модомики, биз яшаб турган планета битта экан ва ҳозирги замон техникасининг миқёслари нуқтаи назаридан қараганда бу унчалик катта планета эмас экан, бу планетада бир-биримизни тирсагимиз билан туртмай ва атом ёки водород бомбалари тарзидаги муштларни кўрсатиб бир-биримизга муттасил дўқ қилмай яшашимиз яхшироқ бўлмаслигини деган хулосага келсалар, келганда ҳам мумкин қадар тезроқ шундай хулосага келсалар жуда соз бўлур эди-я. Низоли масалаларни тинч музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилишни ўрганиш керак.

Совет Иттифоқи тўғрисида, социалистик лагерь тўғрисида ган борганида дўқлар қилиш билан ҳеч бир натижа чиқарилиб бўлмаслигини тушуниб олиш ва жаҳондаги стратегия вазиятида тубли ўзгаришлар рўй берганлигини англаб олиш пайти келди.

Инсониятга космос йўлини очиб берган совет фани ва техникаси қандай муваффақиятларга эришганлигини энди ҳамма эътироф қилмоқда. Бу муваффақиятлар Совет Иттифоқининг, жаҳон социалистик системасининг имкониятларини кўрсатиб турибди. Модомики, Совет Иттифоқи ракетани космосга томон бир неча юз минг километрга юбора олган экан, у жуда катта ракеталарни ер шарининг истаган нуқтасига ҳеч бир хатосиз юбориши мумкин эканлиги жуда очиқ кўриниб турибди.

Бироқ, биз бу фактлардан Ғарбдаги муайян доираларга караганда бутунлай бошқача хулосалар чиқараётирмиз. Ғарбда фан ва техниканинг ҳар бир муваффақиятига бу муваффақиятнинг ҳарбий жиҳатдан аввало қандай афзаллик бериши нуқтаи назаридан қарайдилар. АҚШда биринчи атом бомба яратилганида Американинг ҳукмрон доиралари дарров жаҳонга ҳукмрон бўлишни даъво қилиб чиқдилар.

Бундай ниятлар Совет Иттифоқига бутунлай ётдир. Биз совет фани ва техникасининг тарихий муваффақиятларидан урушқоқлик сиёсатини ўтказиш учун, бошқа давлатларга ўз айтганимизни зўрлаб қилдириш учун фойдаланаётганимиз йўқ. Биз бу муваффақиятлардан умумий тинчлик учун курашдаги ғайратимизга-ғайрат қўшиш мақсадида фойдаланмоқдамиз. Ракета техникасини ривожлантириш соҳасида афзаллик бизнинг томонда бўлган ҳозирги пайтда ҳам биз АҚШга, Англияга ва Франциядга яна таклиф қилиб, келинглар, атом, водород ва ракета қуроллари синовларини, бу қуролларни ишлаб чиқаришни ва қўлланишни абадий тақиқлаб қўяйлик, келинглар, ажал ёғдирувчи бу қуролнинг ҳамма запасларини йўқ қилиб ташлайлик, келинглар, инсоният даҳосининг бу улуғ кашфиётидан нуқул тинчлик мақсадлари учун, одамларнинг бахт-саодати учун фойдаланадиган бўлайлик, деб айтмоқдамиз. Бизнинг ҳукуматимиз бу хусусдаги шартномани эртага дессангиз эртанинг ўзидаёқ имзолашга тайёр.

Буюк давлатлар учун бирдан-бир оқилона сиёсат фақат битта сиёсат бўлиши мумкин, у ҳам бўлса — ҳалқаро проблемаларни тинч йўл билав бартараф қилишга ва умумий қуролсизланишга ўтиш сиёсатидир.

Совет ҳукумати Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ҳукуматлари Бошлиқларининг кенгашини ўтказишни таклиф қилганига бир йилдан кўпроқ бўлди. Шундан бери бу масалада Ғарб давлатларининг айби билан заррача олдинга силжиш бўлмади. Лекин биз бу кенгашни чақиришга эришишни ҳамма мамлакатларнинг ҳалқлари олдида ўзимизнинг бурчимиз деб ҳисоблаймиз, чунки тинчлик ва ҳалқлар хавфсизлигининг таъминланишидан манфаатдор бўлган кишиларнинг ҳаммаси бундай кенгаш чақирилишидан жуда умидвордирлар.

Тинчликни сақлаб қолиш учун икки буюк давлат — Совет Иттифоқи ва Қўшма Штатлар зиммасида катта масъулият турганлигини неча марталаб кўрсатиб ўтдик. Совет Иттифоқига келганда, у, АҚШ билан муносабатларни нормаллаштиришга ўзининг астойдил интилаётганлигини неча марталаб айтди ва буни амалий ишлар билан неча марталаб исботлади. Совет Иттифоқи ҳужум қилмаслик тўғрисида 50 йил муддат билан пакт тузишни, ўзаро манфаат

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ докладининг давоми

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

СССРДА КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШ ВА ХАЛҚАРО ИШЧИЛАР ҲАРАКАТИ

Ўртоқлар! Бизнинг етти йиллик планимиз халқаро ишчи ва коммунистик ҳаракат учун, барча демократик кучлар учун уларнинг реакция ва империализм кучларига қарши олиб бораётган курашида қудратли маънавий мададдир. Совет халқи коммунизм қурилишида янгидан-янги муваффақиятларга эришиш билан халқаро ишчилар синфи олдидаги ўз интернационал бурчини бажаради.

Ҳозирги вақтда 83 мамлакатда коммунистик ва ишчи партиялар бор. Улар ўз сафларида 33 миллиондан кўпроқ кишини бирлаштирадилар. Бу эса марксизм-ленинизмнинг буюк ғалабаси, ишчилар синфининг катта ютуғидир.

Ҳар турли ниқобдаги реакционерлар коммунизмга қарши неча ўн марталаб юриш қилдилар. Аммо коммунистик ҳаракатни бўғиб ташлайоладиган ҳеч қандай куч йўқ, чунки бу ҳаракат пролетариатнинг, барча меҳнаткашларнинг синфий кураши билан вужудга келди ва уларнинг манфаатларини ифода этади. Ҳозирги вақтда капиталистик мамлакатлардаги кўпгина коммунистик партиялар катта қийинчиликлар олдида туриптилар. Реакция уларга қарши яна қутириб ҳужум қилмоқда. Бу ҳужумнинг яна барбод бўлажагига, қардош партияларимиз эса синовлардан янада кўпроқ мустаҳкамланган ва чиниққан ҳолда чиқажакларига ишончимиз комилдир.

Халқаро реакция ишчи ва коммунистик ҳаракатга қарши ҳужум уюштиришда, социал ирволардан, «эркин дунё» деб аталган дунё тўғрисидаги ёлғон афсоналардан фойдаланмоқда. Империализм идеологлари халққа қарши бўлган капиталистик тартибларни бўяб кўрсатишга уринмоқдалар. Буржуазиянинг таниғлик арбоблари ўзларининг деярлик ҳар бир нутқларида Ғарбнинг капиталистик мамлакатлари «эркин мамлакатлар» деб, капитализм дунёси эса «эркин дунё» деб уқтирмоқчи бўладилар.

Дарҳақиқат, капитал мамлакатларида эркинлик бор, аммо кимлар учун? Ишдан «озод» бўлган жуда кўп кишилар орасига кириб қолмаслик учунгина ҳар қандай шартлар билан капиталистга ёлланиб ишлашга мажбур бўлган ишчилар учун эмас, албатта. Хонавайрон бўлиш натижасида ўз хўжалигидан «озод бўлиш» хавфи доим таҳдид қилаётган деҳқонлар учун ҳам эмас. Бу эркинлик ижодий фаолияти пулдорларга моддий жиҳатдан қарам бўлиб қолиш ва садоқатни текширувчи турли комиссияларнинг «маънавий раҳбарлиги»га қарам бўлиб қолиш исканжасида қисиб қўйилган интеллигенция учун ҳам эмас. Капиталистик мамлакатларда эркинлик кўпида пули бўлган ва бинобарин ҳокимиятга эга бўлган кишилар учунгина мавжуддир.

«Эркин дунё»нинг сиёсатдонлари ва идеологлари ўзларини диний ахлоқ тарафдорлари қилиб кўрсатишни яхши кўрадилар. Аммо Исо тўғрисидаги диний афсоналардан уларга шу нарса яхши маълум бўлиши керакки, савдогарлар, судхўрлар, саррофлар, ибодатхонада айш-ишрат қилиб ўтирганларида Исо қўлига калтак олиб, уларни ибодатхонадан ҳайдаб чиқарган. Капиталистлар диний ахлоққа мурожаат қилар эканлар, у ҳолда уларнинг ўзлари ҳукмронлик қилаётган жамиятни бойлар учун жаннатга ва камбағаллар учун дўзахга айлантиранликларига сабаб нима? Ҳолбуки, христианликнинг ривоятларига қараганда, бойнинг жаннатга киришидан кўра туянинг игна кўзидан ўтиши осонроқ! «Эркин дунё» деб аталган нарса доллар салтанатидан, рақобатчилик ва ҳаддан ташқари спекуляция қилишдан, бир ҳовуч монополистларнинг бойиши учун миллионларча кишиларни ваҳшийларча эксплуатация қилишдан иборат.

Буржуа революциялари бир вақтлар феодализмга қарши курашда эркинлик, тенглик ва қардошлиқ деган сохта шиорларни илгари сурган эди, аммо буржуазия аввало, аристократ зодагонларни сириб чиқариш ва капиталга йўл очиб бериш учун ана шу шиорларни илгари сурган эди. Буржуазия ўз ҳокимиятини мустаҳкамлай борган сари, ана шу шиорларни тобора четга сириб чиқарди.

Эндиликда империалистлар тенглик, қардошлик ва эркинлик шиорларини рўкач қилишни давом эттираётган бўлсалар ҳам, борган сари ошкора диктатурага ўтмоқдалар. Капиталистик мамлакатларда реакция ва фашизм сиқиринг манфур белгилари намоён бўлмоқда. Ғарбий Германия худди ана шундай реакцион йўлга ўтиб олди. Ғарбий Германияда Коммунистик партия тақиқланган, демократик кучлар қувғин қилинмоқда ва фашистик ҳамда реваншистик ташкилотларга тўла эркинлик берилмоқда. Францияда ошкора диктатура йўлига ўтилди. Францияда халқ оммасининг демократик кучлари ва қўлга киритилган ютуқлари поймол этилмоқда. Ўзининг демократик традициялари билан илгари ном чиқарган Францияда реакциянинг ҳужуми демократия ва тараққиёт йўлидаги барча қурашчиларни ташвишга солмоқда. Покистон ва Таиланддаги ҳарбий ўзгаришлар миллий мустақилликка эришган халқларнинг демократик ғалабаларига ҳужум авж олиб бораётганлигини кўрсатди. Бошқа бир қанча капиталистик давлатларда ҳам реакция кучлари активлашмоқда.

Шундай қилиб, айрим фактлар эмас, балки капитализм дунёсидаги кўп мамлакатлар учун характерли бўлган ва аниқ ифодаланган умумий тенденция борлиги кўриниб турибди.

Реакцион кучлар халққа қарши қаратилган эски усулга — демократик тартибларни йўқ қилиш, «кучли қўл» ҳукматларини барпо қилиш йўлига ўтмоқдалар. Аммо Италия ва Германияда фашист диктатураси ўрнатилган даврлагидек ҳозирда ҳам монополистик буржуазиянинг ошкора диктатурага ўтиш тенденцияси буржуазиянинг кучли эканлигини эмас, балки заиф эканлигини кўрсатади. Айни вақтда шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳеч нарса билан чекланмаган диктатура шароитида реакция репрессия ва террорни авж олдириш, ҳар қандай оппозицион ҳаракатни бостириш, оммани ўзига керакли йўлга солиш, оммани шовинизм заҳри билан оғувлаш, ҳарбий авантюралар қилиш мақсадида ўзига йўл очиб олиш учун катта имкониятларга эга бўлади. Шу сабабли халқлар ҳушёр бўлишлари, реакциянинг ҳужумига ва фашизмнинг қайтадан тикланиш хавфига зарба бериш учун доим шайланиб туришлари лозим.

Миллионларча кишиларнинг тасаввурида фашизм одатда Гитлер ва Муссолини номлари билан боғланади. Лекин фашизм халқлар кўз ўнгида шармандаси чиққан эски формаларда эмас, балки бошқа формаларда ҳам қайтадан тикланиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Эндиликда қудратли социализм лагери мавжуд бўлган, ишчилар ҳаракати реакцияга қарши курашда катта тажриба тўплаган, ишчилар синфининг уюшқоқлиги ошган бир пайтда халқлар фашизмнинг йўлини тўсишга катта имкониятларга эгадирлар. Халқнинг жуда кенг табақаларини, барча демократик, чинакам миллий кучларни фашизмга қарши бирлаштириш мумкин ва лозим. Шу муносабат билан оммани реакция ва фашизмга қарши кураш йўлида сафарбар қилишга халақит бериши мумкин бўлган сектантларча чекланишни тамомила бартараф қилиш муҳимдир. Демократик кучларнинг, аввало ишчилар синфининг бирлиги — фашизм хавфи йўлидаги энг ишончли воситадир.

Ишчилар синфини бирлаштириш ишига кимлар халақит бермоқда? Империалистик реакция ва унинг ишчилар ҳаракатидаги малайлари, масалан, социал-демократиянинг антикоммунистик қайфиятдаги Ги Молле ва Спаак каби раҳбарлари халақит бермоқдалар. Коммунизмга қарши бўлган ана шу корчалонларнинг номлари бизга маълум ва биз ишчилар синфининг ҳаракат бирлиги тўғрисида гапирганимизда, уларга умид қилмаймиз. Социал-демократик партиялар сафларидаги аъзоларнинг кўпчилиги тинчлик ва социал тараққиётга олиб борадиган йўлни биз, коммунистларга нисбатан бошқачароқ тасаввур этса ҳам, улар тинчлик ва тараққиёт тарафдорларидирлар. Коммунистлар ва социал-демократлар реакция ва фашизмга қарши курашда умумий тил топишлари керак эди. Ишчилар ҳаракатидаги барча оқимлар вакилларининг коммунизмга қарши найранг ишлатувчиларни улоқтириб ташлаб, бир стол теварагига ўтиришлари ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида, тинчликни ҳимоя қилиш йўлида ишчилар синфининг бирлашиб ҳаракат қилиши мақсадида ўзаро мақбул платформани ишлаб чиқишлари ўчун пайт келган.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг сафларини ғоявий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, уларни марксизм-ленинизм асосида янада жипслаштириш, қардош интернационал алоқаларни мустаҳкамлаш — коммунистик ва ишчи партияларнинг бундан буён ҳам муваффақият қозониши учун энг зарур шартдир.

Коммунистик ва ишчи партия вакилларининг 1957 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган кенгашлари қардош партияларнинг фикрлари тамомила бир хил эканлигини намойиш қилиб кўрсатди. Барча коммунистик ва ишчи партиялар Кенгашнинг Декларациясини якдиллик билан маъқуллатилар ва бу Декларация жаҳон коммунистик ҳаракати интернационал бирлигининг [illegible] бўлиб қолди. Декларацияда асосий хавф бўлган ревизионизм [illegible] ва сектантчилик қораланди. Декларацияда чиқарилган хулосаларнинг тўғрилигини турмушнинг ўзи тўла исбот этди. Биз ҳозирги вақтда ҳам ана шу хулосаларга амал қилмоқдамиз.

Ноябрь Кенгашларидан кейин ҳар бир Коммунистик партиянинг ўзидаги кучлар янада кўпроқ ўюшди, бутун халқаро коммунистик ҳаракат янада кўпроқ жипслашди. Ревизионистлар қардош партияларнинг бирортасини ҳам марксча-ленинча йўлдан четга чиқара олмадилар. Оппортунистларнинг манфур гуруҳлари ва синфий душманнинг ўти остида эсанкираб қолган айрим шахсларгина оппортунистларга эргашиб бордилар. Коммунистик ҳаракатнинг покиза чашмасини булғаган ана шу қуйқа кураш давомида сувнинг юзига чиқиб қолди ва улоқтириб ташланди.

Турмуш, ишчилар синфининг кураш практикаси, ижтимоий тараққиётнинг бутун бориши ревизионистларнинг даъволарини рад этди. Ревизионизмнинг капитализмнинг характери ўзгарганлиги тўғрисидаги, капиталистик системанинг кризисларга ёўлиқмай ривожланиши ҳақидаги, капитализмнинг тинч йўл билан социализмга ўсиб чиқиши ҳақидаги ва ҳоказолар тўғрисидаги асосий тезислари улоқтириб ташланди.

Халқаро коммунистик ҳаракат Югославиядаги ревизионистларнинг фикрлари ва сиёсатини қоралади. Югославия Коммунистлар союзининг раҳбарлари биз Декларацияга қўшилишлан бош тортганлигимиз учун марксча-ленинча партиялар идеология соҳасида бизга қарши кураш очдилар, деб аҳволни шу тарзда тасвирлашга урунмоқдалар. Аммо бу ўтакетган соҳта даъводир. Югославия раҳбарлари Декларацияга хилоф суратда ўзларининг ревизионизм программалари билан майдонга чиқдилар, улар бу программаларида халқаро коммунистик ҳаракатнинг марксча-ленинча позицияларига ҳужум қилдилар. Марксистларнинг бундай фактларга эътибор бермаслиги мумкин эдими, деган савол туғилади. Албатта, йўқ. Шу сабабли марксизм-ленинизм позицияларида турган барча партиялар Югославия Коммунистлар союзининг программасини принципиал танқид қилдилар.

Югославия раҳбарларининг фикрларига нисбатан бизнинг позициямиз аниқ ва равшан. Биз бу позициямизни кўп марта ошкора баён қилдик. Аммо Югославия раҳбарлари эса найранг ишлатмоқдалар, қалбакилик қилмоқдалар, ҳақиқатдан қочмоқдалар.

Югославия раҳбарлари марксистлар-ленинчилар билан келишмовчиликларининг моҳиятини яшириша интилмоқдалар. Ана шу келишмовчиликларнинг моҳияти шундан иборатки, югославиялик ревизионистлар ҳаҳқаро синфий бирдамлик зарур эканлигини инкор қилмоқдалар, ишчилар синфининг позицияларидан четга чиқиб кетмоқдалар. Улар дунёда икки блок, икки ҳарбий лагерь бор, деб ҳаммани ва ҳар кимсани ишонтирмоқчи бўладилар. Аммо Европа ва Осиёдаги социалистик мамлакатларни бирлаштирган социалистик лагерь ҳарбий лагерь эмас, балки тинчлик учун ва меҳнаткашларнинг турмушини яхшилаш учун, социализм ва коммунизм учун курашда тенг ҳуқуқли халқларнинг ўзтона ҳамкорлигидан иборат эканлиги ҳаммага аён-ку, ахир. Бошқа бир лагерь—ҳар қанча қурбон бериб бўлса ҳам, жабр ва зулм тузумини сақлаб қолишга интилаётган, уруш очиш билан инсоннятга таҳдид қилаётган империалистлар лагеридир. Бу лагерларни биз ўйлаб чиқарганимиз йўқ, бу лагерлар ижтимоий тараққиёт жараёнида вужудга келгандир.

Югославия раҳбарлари гарчи аслида Югославия, Туркия ва Греция бирлаштирувчи Болқон блокида аъзо бўлсалар ҳам, биз блоклардан ташқари турамиз, лагерлардан четда турамиз, деб даъво қиладилар. Маълумки, Туркия билан Греция агрессив блок—НАТОнинг аъзосидир. Биз, Югославия Коммунистлар союзининг раҳбарлари икки стулда ўтирибдилар, деб уларга айтганимизда, улар жуда ранжийдилар. Улар ўзимизнинг стулимизда, Югославия стулида ўтирибмиз, деб ишонтирмоқчи бўладилар. Модомики шундай экан, Америка монополияларининг ана шу Югославия стулини жуда қўллаб-қувватлаётганликларига сабаб нима? Худди шу сабабли «блоклардан ҳоли» позициясидан, Югославия Коммунистлар союзининг раҳбарлари мақтаётган бетарафликдан Америка монополиялари руҳи жуда сезиларли анқиб турибди. Америка монополиялари «Югославия социализми»ни озиқлантирмоқдалар. Буржуазия ўз синфий душманига моддий ёки маънавий жиҳатдан кўмаклашганлигини, социализм қуришга ёрдам берганлигини кўрсатадиган мисол синфий кураш тарихида ҳали учраган эмас.

Халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида, халқнинг маданияти ва фаровонлигини ошириш соҳасида эришилган муваффақиятлар мамлакатга раҳбарлик қилиш ёўли тўғрилигини кўрсатадиган энг яхши синовдир. Биз, совет коммунистлари социализмга олиб борадиган ва улуғ Ленин кўрсатиб берган йўлимиз тўғри йўл деб ҳисоблаймиз. Совет Иттифоқи бу йўлдан бориб, бутун дунёни қойил қолдираётган ғалабаларга эришди. Барча халқ демократияси мамлакатлари Октябрь революцияси йўлидан, Ленин йўлидан бордилар ва улар ҳам ажойиб муваффақиятларга эришдилар.

Энг оз натижаларга ким эришди? Раҳбарлари ўзларининг Югославия йўли деб аталган ёўлни бирдан-бир тўғри йўл деб мақтаётган партия ва мамлакатгина жуда оз натижаларга эришди. Халқ қисқа вақт ичида максимал даражада иқтисодий ва сиёсий натижаларга эришиш имконини берадиган йўл яхши йўлдир, деб фикр қилади. Социалистик мамлакатлар халқларининг турмуш даражасини таққослаб кўрадиган бўлсак, экономистлар томонидан эълон қилинган материаллардан маълум бўлишича, Югославияда ана шу даража анча секин кўтарилиб бормоқда. Югославия практикасининг ўзи ҳам югославиялик ревизионистларнинг назарий «кашфиётларини» рад этмоқда.

Югославия ўз тараққиётида орқала қолаётган экан, у социализм йўлидан бормай, балки бу йўлдан қийғир борар экан, бунинг учун жавобгарлик Югославия Коммунистлар союзи раҳбарларининг ревизиячилик, антимарксистик йўли зиммасига тамомила юкланади. Югославия Коммунистлар союзининг раҳбарлари социализм қурилишида партиянинг ролига тамомила бошқача қарамоқдалар. Югославиялик ревизионистлар партиянинг ролини камситмоқдалар ва аслида, социализм учун курашда партиянинг раҳбар куч эканлиги тўғрисидаги ленинча таълимотни инкор қилмоқдалар.

Марксча-ленинча партиялар Югославияда қандай ҳоллар рўй бераётганлигини ташвиш билан кузатиб бормоқдалар. Югославиядаги қардош халқлар кўп қурбонлар бериб, СССРнинг кўмаги билан немис ва итальян босқинчиларидан озод бўлишга эришган эдилар, ўз буржуазияси зулмини тор-мор қилган эдилар ва социализм йўлига ўтган эдилар. Эндиликда эса Югославия раҳбарларининг Югославияни социалистик лагерга ва халқаро коммунистик ҳаракатга қарама-қарши қўйиш сиёсати югослав халқини социалистик ғалабалардан маҳрум қилиб қўйиши мумкин.

Биз Югославиянинг қардош халқларига, подполиедаги кураш ва партизанлар курашининг қаҳрамонлари бўлган югослав коммунистларига энг дўстона туйғуларимизни изҳор қиламиз. Ташқи сиёсатнинг бир қанча масалаларида бизнинг фикримиз бир хил. Биз ўзаро манфаатдорлик асосида Югославия билан савдосотиқни бундан буён ҳам ривожлантирамиз. Биз, империализмга қарши, тинчлик учун курашнинг ҳамма масалалари юзасидан Югославия билан ҳамкорлик қилишга интиламиз. Бу масалаларда позицияларимиз бир-бирига тўғри келади.

Партия йўли билан аҳвол қандай бўлади? Бутун гап Югославия Коммунистлар союзига боғлиқ бўлади. Югославия Коммунистлар союзининг раҳбарлари ўзларини халқаро коммунистик ҳаракатдан ажратиб қўйдилар. Шу сабабли бутун гап Югославия Коммунистлар союзининг марксизм-ленинизм асосида Коммунистик партиялар билан яқинлашиш томон бурилиш ясашларига боғлиқдир. Бу эса югослав халқининг ўз манфаатларига ҳам мувофиқ бўлур эди.

Коммунистик ҳаракат ревизионизмга қақшатғич зарбалар берди. Аммо ревизионизм тамомила янчиб ташланган эмас. Империализм ревизионистларни қўллаб-қувватлаш ва активлаштириш учун бутун чоралар билан интилажагини кўзда тутиш керак.

Марксизм-ленинизм назариясининг ривожланишини ва унинг ижодий татбиқ этилишини қийинлаштирадиган ва оммадан ажралиб қолишга олиб борадиган догматизм ва сектантчиликка қарши кураш олиб бориш зарур эканлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Лениннинг омма билан алоқани мустаҳкамлаш, оммаанинг овозига сезгирлик билан қулоқ солиш, оммага бошчилик қилиш ҳақидаги васияти ҳаммамиз учун, коммунистлар учун муқаддас васиятдир.

Халқаро коммунистик ҳаракатнинг ўз ичидаги қардош партиялар ўртасидаги муносабатларга келганда, биз ҳамиша масаланинг ленинча қўйилишига асосланамиз. Ленин ана шу муносабатлар халқаро ишчилар синфи миллий отрядларининг ҳуқуқий тенглиги ва мустақиллигига асосланиб, пролетар интернационализми принципларига асосланиб қурилади деб таълим берган эди. Барча партиялар тенг ҳуқуқли бўлганликлари сабабли ўзаро ишонч ва ихтиёрий ҳамкорлик муносабатларини ўрнатдилар, ягона улуғ меҳнат армиясининг таркибий қисмлари сифатида бирлашиб ҳаракат қилишга ўз ихтиёрлари билан онгли суратда интилмоқдалар.

Барча коммунистик партиялар мустақилдирлар ва ўз мамлакатининг конкрет шароитларига асосланиб ўз сиёсатларини ишлаб чиқадилар. Улар ўз фаолиятларида муваффақиятларга эришдилар, ўз таъсирларини оғишмай кенгайтириб бормоқдалар, ўз тарафдорлари сонини кўпайтирмоқдалар, халқнинг барча табақалари орасида обрў қозонмоқдалар.

Империализм идеологлари ва уларнинг овозига жўр бўлаётган ревизионистлар коммунистик партияларнинг ўсиб бораётган таъсирига ҳар қандай методлар билан путур етказишга интилиб, коммунистик ҳаракат — «Москванинг иши» ва коммунистик ҳамда ишчи партиялар Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига қарамдирлар, деган сохта даъволарни тарқатмоқдалар. Югославия ревизионистлари айниқса зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар. Улар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси бошқа партияларга нисбатан «гегемон» бўлишга интилмоқда деб даъво қиладилар. Улар ҳатто «гегемончилик» тўғрисидаги тезисни ўз программаларига ҳам киритдилар. Ревизионистлар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмоқда ва бошқа коммунистик партияларни ўзига бўйсундиришга интилмоқда деб даъво қилмоқдалар. Реакцион кучлар ана шундай туҳмат-бўҳтонлар учун югославиялик ревизионистлардан гоят миннатдор эканликларини изҳор қилмоқдалар.

Халқаро реакция ва ревизионистларнинг сохта уйдирмаларни йўқ қилиб юбориш коммунистик ҳаракат билан таниш бўлган ҳамма кишиларга сира ҳам қийин иш эмас.

У ёки бу мамлакатда ишчилар синфининг кўпинча юз мингларча, баъзан эса миллионларча аъзолари бўлган сиёсий партиясини қандайдир бошқа жойдан олиб келиб ташкил этиш мумкин деб ўйлаш бемаъниликдир. Масалан, икки миллионли итальян Коммунистик партияси, қарийб ярим миллионли Франция Коммунистик партияси, бир ярим миллионли Индонезия Коммунистик партияси, қарийб уч юз минг аъзоси бўлган Хиндистон Коммунистик партияси, шунингдек бошқа қардош партиялар «Москва томонидан тузилган» ва уларнинг аъзолари «чет эл агентларидир» деган гапларга ҳеч ким ишонмайди.

Коммунистик партиялар қандайдир бир марказнинг бу партияларни барча мамлакатларда «ўтказганлиги» сабабли пайдо бўлган эмас. Табиатда бундай муъжизалар бўлмайди. Жамиятнинг ривожланиш тарихи ишчилар синфининг пайдо бўлиши ва ўсиши билан марксистик партиялар ҳам вужудга келишини кўрсатади. Бунинг маъноси шуки, коммунистик ҳаракат объектив зарурат сифатида вужудга келди, бу ҳаракат ҳар бир мамлакат ишчилар синфи ҳаётининг шарт-шароитлари туфайли пайдо бўлди. Капиталистик мамлакатларнинг ҳаммасида синфлар бор, оиноаарин ана шу синфларнинг манфаатларини ифода этувчи сиёсий партиялар ҳам бор. Коммунистик партиялар ишчилар синфининг сиёсий партияларидир ва ишчилар синфи яшар экан, бу партиялар ҳам ҳамиша яшайдилар. Коммунистик партияларга бирлашган миллионларча кишиларнинг бугун нималар тўғрисида фикр юритиш ва эртага қандай ишларни қилиш керак эканлигини ташқаридан кўрсатиб бериш мумкин деб ўйлаш ҳам соддаликдир бўлур эди.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг «Москвага қарам» эканлиги КПСС халқаро коммунистик ҳаракатга бошчилик қилаётганлиги тўғрисидаги гаплар билан тасдиқланади, дейдилар. Бунда Москва кенгаши Декларациясининг «социалистик давлатлар лагерига Совет Иттифоқи бошчилик қилмоқда» деган маълум қоидасини далил қилиб келтирадилар.

Совет Иттифоқи Коммунистлари ва бошқа ҳамма мамлакатларнинг коммунистлари бу билан улуғ Ленин бошчилигидаги Коммунистик партия раҳбарлигида биринчи бўлиб социалистик революцияни амалга оширган, ҳокимиятни ўз қўлига олган мамлакатимизга ва ишчилар синфимизга иззат-ҳурмат билдирадилар, деб ҳисоблайдилар. 40 йилдан ортиқроқ вақт ичида кураш ва ғалабаларнинг катта ва оғир йўли босиб ўтилди, барча социалистик мамлакатлар ҳамда жаҳон коммунистик ҳаракатининг таянчи бўлган қудратли давлат вужудга келтирилди.

Биз, Совет Иттифоқи ва КПССнинг тарихий роли шу тариқа эътироф этилганлиги учун қардош партияларга самимий ташаккуримизни изҳор қиламиз.

Шу билан бирга шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, социалистик лагерда бўлгани каби коммунистик ҳаракатда ҳам барча коммунистик ва ишчи партиялар ҳамда социалистик мамлакатлар тамомила тенг ҳуқуқли ва мустақил иш кўриб келдилар ва ҳозирда ҳам шу тариқа иш кўрмоқдалар. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси аслида ҳеч қандай партияларга раҳбарлик қилмаётир, Совет Иттифоқи бошқа мамлакатларга раҳбарлик қилмаётир. Коммунистик ҳаракатда «юқори турган» ва «бўйсунган» партиялар йўқ. Коммунистик ва ишчи партияларнинг ҳаммаси тенг ва мустақилдирлар, уларнинг ҳаммаси коммунистик ҳаракатнинг тақдири учун, бу ҳаракатнинг муваффақиятсизликлари ва ғалабалари учун жавобгардирлар. Ҳар бир коммунистик ва ишчи партия ўз мамлакатининг ишчилар синфи, меҳнаткашлари олдида, бутун халқаро ишчи ва коммунистик ҳаракат олдида жавобгардир. Коммунистик партиялар ишчилар синфининг манфаатлари учун, социализм учун курашда марксизм-ленинизмнинг умумий қоидаларини ўз мамлакатларининг конкрет тарихий ва миллий шарт-шароитлари билан бирга қўшиб олиб бордилар. Ўз мамлакатининг ишчилар синфи билан, ўз халқи билан боғланган марксчи-ленинчи партиясининг курашнинг конкрет шароитларини билаолади, фақат шу партиясина ана шу шарт-шароитларга жавоб берадиган ва мазкур мамлакатдаги ишчилар ҳаракатининг традицияларини ҳисобга оладиган сиёсий йўлни ишлаб чиқа олади.

Амалда ҳам худди шундайдир. Барча коммунистик ва ишчи партиялар тамомила мустақиллик ва пролетар интернационализми принциплари асосида, ихтиёрий ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам асосида яшамоқдалар ва курашмоқдалар. Бизнинг партиямиз қардош партиялар ўртасидаги муносабатларнинг характерини ана шу маълода тушунади.

Совет Иттифоқига келганда, маълумки унинг роли бошқа мамлакатларга раҳбарлик қилишда эмас, балки бизнинг мамлакатимиз социализмга бориш йўлини инсоннятга биринчи бўлиб очиб берганлигида, бизнинг мамлакатимиз жаҳон социалистик системасида энг қудратли мамлакат бўлганлигида, коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврга биринчи бўлиб қадам қўйганлигидадир.

Ленин Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини пролетар интернационализми рухида чиниқтирди. Биз, совет коммунистлари марксизм-ленинизмни ўрганибгина қолмай, балки ҳар қандай ниқобдаги душманларга қарши курашда уни қаттиқ туриб ҳимоя қилдик. Совет халқи шу таълимотга амал қилиб, Коммунистик партия бошчилигида олиб борилган қаттиқ курашда социализм қурди ва коммунизм сари комил ишонч билан олга бормоқда.

Биз Маркс, Энгельс, Лениннинг улуғ интернационал таълимотига доим амал қилиб келдик ва бундан буён ҳам оғишмай амал қиламиз. Образли қилиб айтганда, бизнинг Коммунистик партиямиз ўзини жаҳон коммунистик ҳаракатининг илғор отрядларидан бири деб ҳисоблайди. Бу отряд коммунизм йўлидаги биринчи бўлиб чиқди. Ана шу чўққиларга чиқиш йўлида ҳеч қандай лавалар ёки ўпирилишлар бизни тўхтата олмайди, бизни коммунизм сари қилаётган ҳаракатимиз йўлидан четга чиқишга ҳеч ким мажбур эта олмайди.

Биз миллий «ҳолалар»га тарқалиб кетиш ярамайди ва ҳар кимнинг ўз қобиғида ўралишиб қолиши ярамайди, деган позицияларда туриб келдик ва шу позицияларда турмоқдамиз. Биз, барча қардош партиялар томонидан Москва Декларациясида қабул қилинган принципларга мувофиқ суратда социалистик лагернинг куч-қудратини бутун чоралар билан ошириш, халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлигини янада мустаҳкамлаш зарур деб ҳисоблаймиз. Сафларимизнинг жипслиги ва мустаҳкамлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш — ҳар бир коммунистик ва ишчи партиянинг ўксак интернационал бурчидир. **Ишчилар синфининг миллий иши унинг барча отрядларининг интернационал бирдамлигисиз муваффақият қозона олмайди.**

Биз, меҳнаткаш инсоннятни озод қилишдан иборат буюк умумий мақсад билан, умумий тинчлик йўлидаги кураш мақсади билан жипслашганмиз. Ҳаммамизнинг ғамхўрлигимиз битта, у ҳам бўлса халқларнинг бахт-саодати, уларнинг гуллаб-яшнаши ва хавф-хатарсиз бўлиши, уларнинг бахтли истиқболи тўғрисидаги ғамхўрликдир. Ана шунга социализм йўлидагина эришиш мумкин. Бизларни марксизм-ленинизм улуғ таълимоти ва бу таълимотни амалга ошириш учун кураш бирлаштиради. Биз марксизм-ленинизмнинг ғоявий қуролини доим пок сақлаймиз, ҳар қандай ниқобдаги оппортунистларга, ревизионистларга қарши кураш олиб борамиз, ишчилар синфига содиқ бўлиб қоламиз. Биз буни халқаро коммунистик ва ишчи ҳаракати олдидаги ўзимизнинг интернационал бурчимиз деб биламиз.

IV. Коммунистик қурилишнинг янги босқичи ва марксча-ленинча назариянинг баъзи масалалари

Ўртоқлар! Бизнинг мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги тарихий даврига кирган ҳозирги вақтда социализмдан коммунизмга ўтиш билан боғлиқ бўлган марксча-ленинча назария масалалари алоҳида аҳамият касб этади.

Энг аввал **коммунистик жамиятнинг икки фазаси,** социализмнинг ўсиб коммунизмга ўтиши қонуниятлари масаласига тўхталиб ўтиш керак бўлади.

Илмий коммунизмнинг асосчилари Маркс, Энгельс, Ленин белгилаб берган эдиларки, капиталистлар ва помещиклар ҳукмронлиги ағдариб ташлангандан кейин жамият икки фазадан ўтиши лозим бўлади. Биринчи фаза социализм, иккинчи, юқори фаза эса синфсиз коммунистик жамият бўлиши лозим.

Совет жамиятининг тараққиёти коммунизмнинг икки фазаси ҳақидаги марксча-ленинча башоратнинг тўғрилигини тасдиқлади. Совет халқи социалистик жамиятни қуриб, тарихий тараққиётнинг янги палласига кирди, бу паллада социализм ўсиб коммунизмга ўтиб бормоқда.

Марксизм-ленинизм назарияси ва социалистик жамият қуришнинг амалий тажрибаси жамиятнинг коммунизмга қараб илгарилаб бориши характери тўғрисида баъзи муҳим хулосалар чиқаришга асос беради.

Биринчидан, тараққиётнинг социалистик босқичидан юқори фазага ўтиш — қонуниятли тарихий процесс бўлиб, бу процессни ўзбошимчалик билан бузиш ёки четлаб ўтиш мумкин эмас. Марксча-ленинча партия коммунистик жамият қуришни ўзининг туб мақсади деб ҳисоблайди. Лекин жамият тараққиётнинг социалистик босқичини босиб ўтмасдан, капитализмдан бирданига коммунизмга сакраб ўтолмайди. «Инсоният, — деган эди В. И. Ленин, — капитализмдан тўғридан-тўғри фақат социализмга, яъни ишлаб чиқариш воситаларини умумнинг мулки қилишга ва ҳар кимнинг ишлаганига яраша маҳсулотни тақсимлашга ўтиши мумкин. Бизнинг партиямиз анча узоққа кўз ташлайди: социализм аста-секин коммунизмга муқаррар ўсиб ўтиши лозим, коммунизмнинг байроғида эса «ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша» деган шиор бор» (Асарлар, 24 том, 70-бет).

Албатта, баъзи ўртоқлар, коммунизм принципларини тезроқ жорий қилмоқ керак, дейишлари мумкин. Лекин эҳтиёжига қараб тақсимлаш учун ҳали етарли иқтисодий шароит вужудга келтирилмаган, моддий неъматларнинг мўл-кўллигига эришилмаган ва кишилар коммунистларча яшаш ва ишлашга тайёрланмаган бир чоқда эҳтиёжига қараб тақсимлашга бемаҳал ўтиш—коммунизм қурилиши ишига зарар етказиш демакдир. Шуни назарда тутмоқ керакки, ишлаб чиқаришнинг ҳозирги тараққиёт даражасида ҳамма кишиларнинг эҳтиёжини тўла-тўкис қондириш учун ҳали ноз-неъматлар етишмайди. Бундай «текисчилик коммунизми» жамгарилган воситаларни еб битиришга олиб келган бўлар эди ва экономикани янада муваффақият билан ривожлантиришни, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни имконсиз қилиб қўйган бўлур эди.

Биз коммунизмга планли тарзда ўтиб бориш учун қадамбақадам олга ҳаракат қилишимиз, моддий ва маънавий шарт-шароитларни вужудга келтиришимиз лозим.

Иккинчидан, коммунизмнинг социалистик босқичдан нечоғлик фарқи бўлсада, ижтимоий тараққиётнинг бу икки фазасини бир-биридан ажратиб қўядиган ҳеч қандай девор йўқ. Коммунизм социализмдан ўсиб чиқади, унинг бевосита давомидир. Коммунизм қандайдир тўсатдан пайдо бўлади, деб ўйлаш нотўғридир, хатодир. Ҳозирнинг ўзидаёқ коммунистик меҳнат формалари, ишлаб чиқаришни коммунистик асосда ташкил қилиш формалари ҳамда жамоат овқатланиши, мактаб-интернатлар, болалар боғчалари ва яслилари каби гражданларнинг эҳтиёжларини қондиришнинг ижтимоий формалари тобора ривожланмоқда. Бизнинг жамиятимизда коммунизмнинг кўпгина аниқ белгилари ана шу ривожланиш даврида ўсиб, ривожланиб, ва мукаммаллашиб бораверади.

Коммунизмга кириш қандайдир календарь сана билан белгиланган эмас. Биз бир эшикни ёпиб «Социализм қурилиши тамом бўлди», деб эълон қиладиган ва сўнгра иккинчи эшикни очиб «Биз коммунизмга келдик» деб айтадиган пайт бўлиши мумкин эмас. Социализмдан коммунизмга ўтиш узлуксиз суратда амалга ошиб боради. Биз ҳозирнинг ўзидаёқ коммунистик жамият эшигини очиб кирмоқдамиз, ҳозир гап коммунизм қурилиши устида бормоқда. Бизнинг мамлакатимиз ҳозир коммунистик қурилиш кенг авж олдирилган даврга кирди, бу даврда коммунизмнинг ҳамма моддий ва маънавий шарт-шароитлари яратилмоқда. Ҳамма кишиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун тўла мўлчиликни вужудга келтирганимизда ҳамма кишилар ўз қобилиятига яраша меҳнат қилиб, ижтимоий бойликни кўпайтирадиган ва тобора кўпроқ жамгариб борадиган вақтдагина коммунистик қурилишнинг тугалланиши мумкин.

Учинчидан, коммунизмга қадамба-қадам ўтиб бориш

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ докладининг давоми

(БОШИ ТҮРТИНЧИ БЕТДА)

даражада тараққий қилган ҳозирги замон индустрияси мавжуд бўлишини, мамлакатни батамом электрлаштиришни, саноат ва қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида илмий техникани тараққий эттиришни, барча ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришни, энергиянинг янги манбаъларидан, энг бой табиий ресурслардан, янги синтетик ва бошқа материаллардан ҳар томонлама фойдаланишни, барча меҳнаткашларнинг маданий-техника даражаси ўсган бўлишини, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни янада яхшилашни ва меҳнат унумдорлигини янада оширишни талаб қилади.

Агар биз Америка Қўшма Штатларини иқтисодий жиҳатдан қувиб етсак, шу билан коммунистик қурилишни тугаллаган бўламиз, деб ўйлаш масалани юзаки тушуниш бўлур эди. Йўқ, бу бизнинг ҳаракатимизнинг охирги марраси бўлмайди, балки капитализм билан бўлаётган мусобақада фақат ҳал қилувчи бир босқич бўлади, холос. Биз Америка билан мусобақа қилар эканмиз, иқтисодий қурилишда биз уни ўзимизга андаза (эталон) деб ҳисоблай олмаймиз. АҚШда юқори даражада ривожланган экономика билан бир қаторда ишлаб чиқариш ва тақсимотнинг ярамас капиталистик усули ҳукм суради. Унда ҳар хил товарлар ошиб-тошиб ётиши билан бир қаторда миллионларча кишилар ишсиз бўлиб ва маҳрумликларга дучор бўлиб юришади, бу кишилар ўзларининг энг оддий эҳтиёжини ҳам қондира олмайди. Коммунистлар бундай тартибларга тақлид қилмоқчи эмаслар, балки аксинча, ер юзидаги бундай адолатсизликка хотима бермоқчилар. Агарда АҚШдаги ишлаб чиқариш даражаси бизнинг экономикамизнинг ўсиши учун ўлчов қилиб олинар экан, бу фақат бизнинг экономикамизни энг тараққий қилган капиталистик экономика билан таққослаб кўриш учун қилинади, холос. Биз АҚШ билан бўлган иқтисодий мусобақада ютиб чиқиш билан коммунистик қурилишнинг фақат биринчи босқичини тугаллаймиз. Бу босқичда иқтисодий тараққиётнинг эришилган даражаси биз учун асло охирги станция эмас, балки разъездир, биз ана шу разъездда энг тараққий қилган капиталистик мамлакатга қувиб ета оламиз ва уни ана шу разъездда қолдириб, ўзимиз яна олға қараб ҳаракат қиламиз.

Ишлаб чиқарувчи кучлар ўсиб бориши билан жамиятдаги барча меҳнаткашларнинг ўртоқларча ҳамкорлигига, дўстлигига ва ўзаро ёрдамига асосланган социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам мукаммаллашиб боради. Бизнинг мамлакатимизда ҳозирдаёқ ижтимоий меҳнат кишилар ўртасидаги янги социалистик муносабатларнинг ифодаси, кишининг ўзгаси маънавий сифатларини кўрсатувчи намуна бўлиб қолди.

Социалистик ишлаб чиқариш янги моддий техника негизида янада ривожланиб борган сари, таълимни меҳнат билан тобора маҳкамроқ бирга қўшиб олиб борган сари ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутлар ҳам аста-секин йўқолиб боради. Кишилар ҳар томонлама ўсиб бориши билан бирга меҳнат ҳам уларнинг энг биринчи ҳаётий эҳтиёжига тобора кўпроқ айлана боради. Иш кунини мўлжалланган даражада қисқартиш ва меҳнат шароитини янада яхшилаш бунга ёрдамлашади. Ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларида автоматлаштириш жорий қилинганида, одам машиналарнинг командири бўлиб қолганида, у тирикчилик воситалари ишлаб чиқариш учун камроқ вақт ва куч сарф қиладиган бўлади. Ҳозир ҳам баъзан оғир ва кишини чарчатиб қўядиган меҳнат ҳар томонлама ўсган соғлом киши учун қувлоқлик ва роҳат-фароғат манбаига айланади.

Келгуси даврда коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишни биз ҳамма ишимизнинг биринчи планига қўяр эканмиз, бунда биз марксизм-ленинизм таълимотига батамом асосланиб, Совет Иттифоқи тажрибасига, барча социалистик мамлакатлар тажрибасига батамом асосланиб иш кўрамиз.

Жамият тараққиёти илмий коммунизмнинг бошқа бир энг муҳим проблемасини ҳам — **жамият томонидан ишлаб чиқарилган моддий ва маънавий неъматларни жамиятнинг ҳамма аъзолари ўртасида тақсимлаш** проблемасини ҳам ўртага қўймоқда. Марксизм-ленинизм таълим бериб айтадики, тақсимот жамият тараққиётида ҳал қилувчи нарса эмас, балки ҳосила нарсадир, тақсимот формалари ва принциплари ишлаб чиқариш усулига ва жамиятда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг миқдорига боғлиқдир.

Социалистик жамиятда тақсимот асосан: ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша, деган принципга мувофиқ амалга оширилади. Бунинг маъноси — моддий ва маданий неъматларнинг кўпчилик қисми жамият аъзолари ўртасида уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга меҳнат билан қўшган ҳиссаларига қараб тақсимланади демакдир.

Албатта, шуни ҳам ҳисобга олмоқ керакки, ҳозир социализм шароитида ҳам моддий ва маданий неъматларнинг анчагина ва тобора ўсиб бораётган қисми жамият аъзолари ўртасида улар меҳнатининг сон ва сифатига қарамасдан, яъни бепул тақсимланмоқда. Жамият гражданларнинг бепул таълим олишига, бепул даволанишига, пенсия билан таъминланишига, аёлманд оилаларга нафақа беришга, клублар, кутубхоналар ва шу каби лардa текин хизмат кўрсатишга жуда катта сарфлар қилмоқда.

Меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш ва моддий аҳволни яхшилаш учун давлат томонидан қилинаётган чиқимлар, шунинг дек, колхозларнинг жамоат фонди ҳисобидан қилаётган чиқимларнинг аҳамиятини мана бундай рақамлар билан тасвирлаб кўрсатиш мумкин. Бизнинг мамлакатимизда ижтимоий ишлаб чиқаришда 100 миллионга яқин ишчи, хизматчи ва колхозчи ишлайди. Шу билан бирга 20 миллионга яқин пенсионер давлатдан, колхозлардан ва жамоат ташкилотларидан нафақа олиб туради. 5 миллион бола боқчаларда, ясли лларда ва болалар уйида тарбияланади. Олий ва махсус ўрта ўқув юртларида ўқийдиган студентлар, мактаб ўқувчилари, меҳнат резервлари мактабларида ўқувчи болалардан 3 миллион 300 минг киши давлатдан стипендия олади ва давлат ҳисобига ётоқхоналарда туради; мактаб-интернат ўқувчиларини батамом давлат таъминлайди. 5 миллион 600 минг бола ҳар йили пионер лагерларида, ёзги мактаб майдончаларида ва экскурсия-туристик базаларида дам олмоқда. 3 миллиондан ошиқ ишчи, хизматчи ва колхозчи ҳар йили санаторийларда ва дам олиш уйларида социал-страхование ва колхозларнинг маблағлари ҳисобидан даволанмоқда ва дам олмоқда. Бундан ташқари 7 миллионга яқин кўп болали оналар ва ёлғиз оналар давлатдан нафақа олмоқда.

Бундан кейин бу мақсадлар учун давлат томонидан қилинадиган харажатлар яна кўпаяди. Биз коммунизм сари ҳаракат қилиб боришимиз билан жамиятнинг ҳар бир киши тўғрисида у туғилгандан бошлаб то қариб қартайгунча ғамхўрлик қилиши тобора кўпроқ ошади.

Ҳозирги босқичда бир киши маҳсулот тақсимотида жамиятдан оладиган улушининг асосий ўлчови меҳнатдир, меҳнатнинг сон ва сифатидир. Ленин бундай деган эди:

«Коммунизмнинг «юқори» фазаси келганига қадар социалистлар меҳнат ўлчови билан истеъмол ўлчови устидан жамиятнинг ва **давлатнинг қаттиқ** контроль қилишини талаб қиладилар...» (Асарлар, 25 том, 518-бет).

Мамлакатимизнинг тараққиёт тарихида «ҳарбий коммунизм» даври бўлган эди, бу даврда биз меҳнатга қараб тақсимлаш принципидан четга чиқиб, «хўрандаларга қараб» бир текисда тақсимлаш йўлига ўтишга вақтинча мажбур бўлган эдик. Бу чора озиқ-овқат ва саноат товарларининг мўллигидан эмас, балки жуда танқислигидан келиб чиққан эди. Давлат жуда қаттиқ озиқ-овқат интизомига риоя қилиш йўли билан баъзан киши бошига бир кунга нимчорак қадоғлан нон бериб, оммавий очарчиликнинг олдини ола билган ҳамда Қизил Армия жангчиларини ва шаҳар аҳолисини жуда оз миқдорда бўлса ҳам, ҳар ҳолда мунтазам суратда озиқ-овқат улуши билан таъминлаб тура олган эди.

Бироқ, тақсимотнинг бундай фазаси нормал иқтисодий система бўла олмас эди. Мамлакат халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш йўлига ўтиши билан дарҳол бу форманинг етарли эмаслиги яққол бўлиб қолган эди. В. И. Ленин ўша вақтда тўппа-тўғри ва очиқ-ойдин қилиб айтган эдики, ҳодимларни уларнинг ўз меҳнати натижаларидан моддий манфаатдорлигини йўлга қўймай туриб, мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини юксалтириш, социалистик экономикани вужудга келтириш ва ўн миллионларча кишиларни коммунизмга етказиш мумкин эмас.

Тинч қурилишга ўтилгандан кейин ишчи ва хизматчиларга пул билан иш ҳақи тўлаш ичида жорий қилина бошланди. Меҳнатга қараб тақсимлаш принципи иш ҳақи учун асос қилиб олинди. Колхоз тузуми ғалаба қилгач, бу тақсимот принципи колхоз қишлоғида ҳам барқарор бўлди.

Баъзи илмий ходимлар ўз мақолаларида ва лекцияларида, меҳнатга қараб тақсимлаш буржуа ҳуқуқини социалистик жамиятда тадбиқ қилишни билдиради, деган фикрни баён қиладилар. Улар, меҳнатга қараб тақсимлашдан ҳозирнинг ўзида ижтимоий маҳсулотларни барча қишлоқ ўртасида тенг тақсимлашга ўтиш керак эмасмикин, деган масалани қўймоқдалар. Лекин бундай қарашларга қўшилиш мумкин эмас.

Маркс билан Ленин «буржуа ҳуқуқининг» қолдиқлари ҳақида сўзлаб социализм даврида бу қолдиқларнинг бўлиши муқаррар деганлари тўғри, лекин бунда улар эски жамиятдан қолган ва коммунизм шароитида йўқ бўлиб кетадиган ҳуқуқий формани назарда тутган эдилар.

Тенг меҳнатга тенг ҳақ тўлаш деган социалистик тақсимот принципи турли кишиларга нисбатан бир хилдаги ҳуқуқ ўлчовини тадбиқ қилиш демакдир. Ҳамма учун бундай ягона, кенг ўлчов — меҳнатдир. Социализм шароитида синфий тенгсизликка йўл қўйилмайди, фақат маҳсулот тақсимоти вақтида олинадиган улушларнинг тенгсизлиги қолади, холос. Модомики, кишилар ҳар хил малакага, ҳар хил меҳнат лаёқати ва қобилиятига, ҳар хил оила составига эга эканлар, табиийки, тенг меҳнат учун тенг ҳақ тўлаганда, улар ҳақиқатда тенг бўлмаган даромад оладилар. Лекин коммунистик жамиятнинг биринчи фазаси учун бундай тартибнинг бўлиши муқаррардир.

Ҳуқуқий формаларни улар ифодалайдиган ижтимоий муносабатларнинг моҳияти билан аралаштириб юбориш ярамайди. Буржуа ҳуқуқи ишлаб чиқариш воситаларини айрим шахсларнинг хусусий мулки деб билади, социализм эса ишлаб чиқариш воситаларини ижтимоий мулк қилиб қўяди ва бу жиҳатдан у буржуа ҳуқуқи билан алоқани батамом узади. Социализм даврида барча кишилар ишлаб чиқариш воситаларига тенг муносабатда бўладилар ва меҳнатга қараб ҳақ оладилар. Социалистик жамиятда жамиятнинг ҳамма меҳнатга лаёқатли аъзолари учун ишламаган тишламайди, деган қоида амал қилади.

Капитализм даврида тақсимот аслда меҳнатга қараб эмас, балки энг аввал капиталга қараб бўлади, у қиймат, фойда, ер рентаси қонунлари билан тартибга солинади. Шунинг учун улда кўпроқ меҳнат қилган киши эмас, балки капитали кўпроқ бўлган киши кўпроқ даромад олади.

Кўриниб турибдики, ишлаб чиқариладиган бойликларнинг капитализм даврида ва социализм даврида тақсимланишида туб фарқ бор.

Меҳнатга қараб тақсимлашнинг социалистик принципи социализм даврида бир текисда тақсимлаш мумкин эмаслигини эътироф қилишга асосланади. Бу, ҳозирги шароитда бирданбир ақлга мувофиқ ва адолатли тақсимот принципидир. Ўз-ўзидан аёнки, текисчилик адолатсиз тақсимотга олиб келган бўлур эди: ёмон ходим ҳам, яхши ходим ҳам баббаравар улуш олган бўлур эди; бу эса фақат дангасаларга фойдали бўлур эди. У вақтда кишиларда яхшироқ ишлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, кўпроқ маҳсулот етиштириш учун моддий манфаатдорлик рағбати йўқолган бўлур эди. Текисчилик коммунизмга ўтишни эмас, балки коммунизмни обрўсизлантириш бўлур эди.

Меҳнатга қараб тақсимлаш кишиларнинг ишлаб чиқариш натижаларидан моддий манфаатдор бўлишини таъминлайди, меҳнат унумдорлигини оширишга рағбатлантиради, ходимларнинг малакасини оширишга, ишлаб чиқариш техникасини мукаммаллаштиришга интилишни кучайтиради. Меҳнатга қараб тақсимлаш шунингдек тарбия соҳасида ҳам катта роль ўйнайди, одамларни социалистик интизомга риоя қилишга ўргатади, меҳнатни ҳамма учун баравар ва зарур қилиб қўяди. Социалистик жамиятда кишиларнинг меҳнат соҳасидаги ғайрат ва ташаббуси тобора ошиб боради, меҳнат қилишга бўлган маънавий интилишлар тобора кўпроқ аҳамият қозонади. Моддий манфаатдорлик натижасида, онглиликнинг ўсиши натижасида, одат кучига кўра, меҳнат социалистик жамиятнинг миллион-миллион меҳнаткашлари учун ҳаётий эҳтиёж бўлиб қолади.

Маҳсулотларни жамият аъзолари ўртасида тақсимлашни тартибга солиб туриш зарурлиги фақат коммунизм давридагина бекор бўлади, коммунизм даврида ишлаб чиқарувчи кучлар шу қадар равнақ топиб кетадики, натижада ҳамма зарур истеъмол бўюмларининг мўл бўлишига эришилади ва у вақтда барча кишилар ихтиёрий равишда ва олинадиган моддий неъматларнинг миқдорига қарамай, ўз қобилиятларини батамом ишга солиб, меҳнат қиладилар ва жамият учун шундай қилиш зарурлигини англайдилар.

Албатта, коммунистик жамиятда меҳнат ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларига қараб, планли ва ташкилий равишда тақсим қилинади, иш вақти ишлаб чиқариш процессларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жамият томонидан тартибга солиб турилади. Машина билан ишлаб чиқариш муайян ритмга эга бўлади, кишиларнинг ишлари тегишли равишда тартибга солмасдан туриб, бундай ритмни йўлга қўйиб бўлмайди.

Баъзилар коммунистик жамиятни, тарқоқ ҳолда бўлган, уюшмаган, ўз ишларини қилиб юрадиган кишилар оммасидан иборат, деб вульгар суратда тасаввур қиладилар. Йўқ, бу меҳнат аҳлларининг юксак даражада уюшган ва ҳамжиҳат дўстлигига асосланган жамият бўлади. Машиналарни бошқариб турмоқ учун ҳар бир киши муайян вақтда ва белгиланган тартибда ўз меҳнат вазифасини ва ижтимоий бурчини бажариб туриши лозим бўлади. Келажакнинг юксак даражада механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган ишлаб чиқариши кишилардан кўп соатлаб ишлашни талаб қилмайди, кишиларнинг илм-фан, санъат, адабиёт, спорт ва шу каби ишлар билан шуғулланиши учун бўш вақти кўп бўлади.

Социалистик мулкнинг колхоз формаси билан умумхалқ формасини ривожлантириш ва бир-бирига яқинлаштириш йўллари тўғрисидаги масала коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал қилишда катта назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Тамомила равшанки, келажакда колхоз-кооператив мулк формаси билан давлат мулки формаси ягона бир коммунистик мулк бўлиб қўшилиб кетади. Хўш, биз нима учун ҳозир уларнинг қўшилиб кетишини тезлаштирмаймиз ва ҳозирги босқичда давлат мулки билан бир қаторда колхоз-кооператив мулкини ҳам ҳар томонлама ривожлантириш керак деб ҳисоблаймиз? деган савол туғилади.

Мулк формалари ўз-ўзидан ўзгара бермайди, балки экономика қонунлари асосида ривожланиб боради, ишлаб чиқарувчи кучларнинг характерига ва тараққиёт даражасига боғлиқ бўлади. Колхоз тузуми қишлоқда ҳозирги ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг даражасига ва эҳтиёжларига батамом мувофиқдир. Колхоз тузуми қишлоқ хўжалигида илғор техникадан кўпроқ унумли фойдаланиш учун имкон беради. Майда, тарқоқ деҳқон хўжаликларида эса бу ишни қилиб бўлмасди. Ҳозирги замоннинг кучли техникаси тўғридан-тўғри колхозларга бораётган бир пайтда колхозларнинг жамоат ишлаб чиқариши янада тезроқ ўсмоқда.

Биз яқин ўтмишда қишлоқ хўжалигининг бир қанча тармоқларининг орқада қолганлигини кўрган эканмиз, бунинг сабаби колхоз формаси ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига тўсиқлик қилганлигида эмас, балки колхоз тузуми берган имкониятлар ва афзалликлардан яхши фойдаланмасликда эди. Сўнгги беш йил ичида қишлоқ хўжалигида эришилган муваффақиятлар ишлаб чиқариш муносабатларининг колхоз-кооператив формаси ўз имкониятларидан батамом фойдаланиб бўлганлиги ўёқда турсин, бу форма бундан бўён ҳам қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш учун узоқ вақттача хизмат қилаётганлиги ва хизмат қила олишини жуда яққол кўрсатди.

Ишлаб чиқарувчи кучлар янада ривожланиб бориши билан колхозларнинг жамоат ишлаб чиқариш даражаси ҳам юксалиб боради, колхоз, кооператив мулки умумхалқ мулки билан яқинлашиб боради, улар ўртасидаги тафовут аста-секин йўқ бўлиб боради. Қуйидаги характерли процесслар бундан далолат бериб турипти:

Биринчидан, колхозларнинг бўлинмас фондлари тўхтовсиз ўсмоқда, бу фондлар колхоз ишлаб чиқаришининг янада ривожланишининг ва колхоз-кооператив мулкининг аста-секин умумхалқ мулкига яқинлашиб бориши нинг иқтисодий негизидир.

Иккинчидан, колхозларнинг жамоат ишлаб чиқариши қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини бирин-кетин тобора тўлароқ ўз ичига олмоқда. Жамоат хўжалик ривожланиб борган сари колхозчиларнинг фақат галлага бўлган эҳтиёжигинә эмас, балки колхозчиларнинг ўзларига қарашли кам ҳосил қўрамчи хўжаликлардан эмас, балки иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган умумколхоз ишлаб чиқариши маҳсулотидан олинадиган сут, гўшт, ёғ, сабзавот, картошка ва меваларга бўлган эҳтиёжи ҳам тобора кўпроқ қондириладиган бўлади.

Учинчидан, колхозлараро ишлаб чиқариш алоқалари, колхозлар ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳар хил формалари тобора кенгроқ ривожланмоқда ва муқаррар суратда ривожланиб боради. Биргалашиб электростанциялар қуриш, каналлар қазиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар қуриш, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган корхоналар қуриш, йўллар қуриш кўп колхозларнинг кучларини тобора кўпроқ системали суратда бирлаштиришни талаб қилади.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалигини электрлаштиришнинг, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришнинг тобора ривожланиши муносабати билан колхоз ишлаб чиқариш воситаларининг давлат, умумхалқ ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилиши, ўзига хос равишда бирлашиши тобора кўпроқ юзага келаверади, қишлоқ хўжалик меҳнати аста-секин индустриал меҳнатнинг бир турига айланади.

Колхоз-кооператив мулк формаси билан умумхалқ мулк формасининг тарихан муқаррар равишда бирга қўшилиши келажакда колхоз-кооператив мулкини қисқартиш натижасида эмас, балки социалистик давлатнинг ёрдами ва мадади билан бу мулкни умумлаштириш даражасини ошириш йўли билан юзага келади.

Колхоз-кооператив мулкининг давлат мулки билан қўшилиб, ягона умумхалқ мулкига айланиши—оддий ташкилий хўжалик тадбири бўлмай, балки шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутни бартараф қилиш ва ҳаёт чуқур проблемани ҳал қилишдан иборат.

Шу етти йилликда биз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада юксалтириш соҳасида қатъий қадам қўйишни ва шу асосда қишлоқ аҳолисининг моддий-маиший турмуш шароитини тубдан яхшилашни назарда тутамиз. Келгусида эса партия колхоз қишлоғини шаҳар типидаги аҳоли яшайдиган ва ҳозирги замон коммунал ҳамда маданий-маиший хизматларининг ҳамма ютуқларидан фойдаланадиган жойларга айлантиришни ўзининг мақсади қилиб қўяди.

Иқтисодий тараққиёт проблемалари билан бир қаторда **коммунизм қурилиши ненг авж олдирилган даврда жамиятнинг сиёсий ташкилоти, давлат қурилиши ва идора қилиш масалалари ҳам олдимизда кўндаланг бўлиб турмоқда.**

Марксизм-ленинизм таълим бериб айтадики, коммунизм даврида давлат барҳам топади, жамиятни идора қилиш функциялари ўзининг сиёсий характерини йўқотади ва жамият ишларни бевосита халқнинг ўзи идора қиладиган бўлади. Лекин давлат органларининг барҳам топиш процессини кузги ҳазон резлик вақтида бўладиган ва дарахтнинг барглари тўкилиши натижасида унинг фақат шохлари қоладиган бир тарзда сийқа тасаввур қилиш ярамайди.

Давлатнинг барҳам топиши масаласи, агар бу масала диалектик тарзда тушунилса, социалистик давлатнинг ривожланиб, коммунистик ижтимоий ўз-ўзини бошқаришга айланиши тўғрисидаги масаладир. Коммунизм даврида ҳам ҳозирги давлат функцияларига ўхшаш баъзи бир ижтимоий функциялар қолади, лекин бу функцияларнинг характери ва уларни амалга ошириш усуллари ҳозирги тараққиёт босқичидагидан бошқачароқ бўлади.

Социалистик давлатни ривожлантиришдаги асосий ўғ—демократияни ҳар томонлама кенгайтиришдан, аҳолининг жуда кенг табақаларини мамлакатнинг барча ишларини идора қилишга тортишдан, барча гражданларни хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилишда иштирок эттиришдан иборат.

Социал демократия назариётчилари ва ревизионистлар социалистик демократияни ҳар хил ярамас гаплар билан ёмонлаб ва қоралаб кўрсатмоқдалар. Уларнинг тасаввурича, «демократлаштириш», социализм даврида ишчилар синфининг ва унинг партиясининг раҳбарлик ролидан воз кечишдан, буржуа демократияси формаларига қайтишдан иборат бўлиши лозим. Агар шундай қилинмаса, у вақтда уларнинг фикрича, демократия ҳам, социализм ҳам бўлмас эмиш. Уларнинг фикрича, демократия—парламентда чиқиб дабдабали нутқлар сўзлашдан, партиялар ўртасида бўладиган ҳар хил сиёсий комбинацияларни ўйин қилиб юришдан ,«ғаркин сайлов» деган, ҳақиқатда эса капиталнинг ҳукмронлигини ва меҳнаткашларнинг ҳуқуқсизлигини ниқоблаб турадиган усти ялтироқ парда юзага келтиришдан иборат. Бизнингча, демократия—халқнинг ҳақиқий ҳокимиятидир, меҳнаткашлар оммасининг ташаббускорлиги ва активлигини, уларнинг ўз-ўзини идора қилишини ҳар томонлама ривожлантиришдир.

Давлат органлари бажарадиган кўп функциялар аста-секин жамоат ташкилотларининг ихтиёрига ўтиши лозимлиги ҳозирданоқ равшан кўриниб турипти. Масалан, аҳолига маданий хизмат кўрсатишнинг баъзи масалаларини олайлик. Бу масалаларнинг ҳаммаси давлат органлари қарамоғида бўлиши мутлақо шарт эмас. Бу масалалар билан жамоат ташкилотлари бемалол шуғулланишлари мумкин.

Соғлиқни сақлаш ва курорт ишларини ташкил қилишни ўз-гартиш зарурлигини ҳам турмуш кўрсатмоқда. Афтидан, соғлиқни сақлаш масалалари шаҳарларда кўпроқ касаба союзлари қарамоғига ўтиши, қишлоқларда эса ҳозирги даврда бевосита маҳаллий Советлар қарамоғига ўтиши учун шарт-шароит етилаётганга ўхшайди.

Мамлакатимизда физкультура ҳаракатига раҳбарлик қилиш ишини ҳозирга қадар давлат органи — физкультура ва спорт ишлари комитети амалга ошириб келди. Эндиликда физкультура ҳаракатини ташкил қилишнинг мақсадга мувофиқроқ формаси топилди, бу форма амалга оширилганда физкультура ҳаракатида қатнашувчи жамоат ташкилотлари ҳал қилувчи роль ўйнайдиган бўлади. Кўнгилли спорт жамиятлари союзи тузилади, бу союз давлат органи эмас, балки жамоат органи бўлади.

Жамоат тартибини сақлаш ва социалистик жамиятда яшаш тартиб қоидаларини таъминлаш масалаларя ҳам тобора кўпроқ жамоат ташкилотлари ихтиёрига ўтиши лозим. Совет Иттифоқида ҳозир сиёсий жиноят учун суд жавобгарлигига тортиш каби фактлар йўқ. Бу, шубҳасиз катта ютуқдир. Бу нарса бутун халқимизнинг сиёсий маслагранинг мисли кўрилмаган барлигидан, бутун халқимизнинг Коммунистик партия ва Совет ҳокимияти тевирагида маҳкам жипслашганлигидан далолат беради.

Лекин жамоат тартибини бузиш каби фактлар ҳали бизда оз мунча эмас, шунинг учун ҳам, бундай ҳолларга қарши қатъий кураш олиб бормоқ зарур. Хўш, совет жамоатчилиги социалистик тартиб-қоидаларни бузувчиларни бир ёғлик қила олмайдими? Албатта, қила олади. Бизнинг жамоат ташкилотларимиз бунинг учун милиция, суд ва прокуратура органларидан кам бўлмаган имкониятларга, воситалар ва кучга эгадирлар.

Жамоат тартибини ва ҳавфсизлигини сақлаш функцияларини милиция, суд каби давлат муассасалари билан бир қаторда ва улар билан бир вақтда жамоат ташкилотлари ҳам бажаришлари муқаррар бўлиб бораяпти. Ҳозир бизда бу процесс амалга оширилмоқда. Милиция аппарати жуда қисқартирилди. Давлат ҳавфсизлиги органларининг аппарати айниқса анча қисқарди.

Социалистик жамият жамоат тартибини сақлаш учун халқ милицияси, ўртоқлик судлари ва шуларга ўхшаш кўнгилли органларни вужудга келтирмоқда. Бу органлар янгича ишлайди, жамоат вазифаларини янгича бажаради. Халқ милициясининг кўнгилли отрядлари ўз аҳоли пунктларида жамоат тартибини сақлашни ўз зиммаларига олишлари ва шундай қилиб, ҳамма гражданларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларининг сақланишига ва риоя қилинишига эришишлари лозим.

Ўртоқлик судларига кўпроқ эътибор берадиган вақт келди, ўртоқлик судлари асосан ҳар хил тартибсизликларнинг олдини олишга эришувлари лозим. Бу судлар фақат ишлаб чиқаришга доир масалаларнигина эмас, балки маишатга, ахлоққа доир масалаларни ҳам текширишлари, коллектив аъзоларининг нотўғри ҳаракатларини ва уларнинг жамоат тартиби нормаларидан четга чиқишларини ҳам текширишлари ва тегишли чора кўришлари зарур.

Жамоат ўртоқлик судлари актив ҳаракат қила бошласа, жамоатчиликнинг ўзи ҳам жамоат тартибини сақлаш учун одамлар ажратадиган бўлади, у вақтда тартибни бузувчилар билан кураш ҳам анча осонлашади. У вақтда тартибни бузувчи бирон айб иш ёки жиноят қилиб қўйгандагина эмас, балки у жамият қоидалари нормаларидан четга чиқаётган ва бу ҳол уни жамоатчиликка қарши ярамас ҳаракатларга олиб бориш мумкин бўлган ҳолларда ҳам унга нисбатан тегишли чора кўриш мумкин бўлади. Одамлар бундай кишига ўз вақтида таъсир кўрсатиб, уни ёмон йўлдан қайтаришлари мумкин бўлади. Шундай чора ва тадбирларни кўрмоқ зарурки, бу чора ва тадбирлар айрим шахсларнинг жамиятга зарар етказадиган ярамас ишлар қилишининг олдини оладиган, сўнгра эса бундай ишларнинг юз беришига сира имкон қолдирмайдиган бўлсин. Асосий масала — ярамас ҳаракатларнинг олдини олиш, тарбиявий иш олиб боришдир.

Албатта, суд, милиция ва прокуратура органлари муайян вазифаларни бажариб туришлари керак. Бу органлар социалистик жамият нормаларига қасддан бўйсунмайдиган ва тарбиядан бош-тортадиган шахсларга таъсир кўрсатиш мақсадида ўз ишларини давом эттиришлари лозим бўлади.

Давлат органларининг баъзи функцияларини жамоат ташкилотларига топшириши шошилмасдан ўтказиш керак. Баъзи шароитда буни қатъиятлик билан ўтказиш керак, бошқа баъзи шароитда эса, одамларга тартибни ўзлари кузатиб боришларини ўргатмоқ учун дастлаб фақат биринчи, синов қадамларини қўйиш керак.

Ўз-ўзидан равшандирки, давлат органларининг айрим функцияларини жамоат ташкилотларига ўтказиш социалистик давлатнинг коммунизм қуришдаги ролини асло сусайтирмайди. Давлатнинг ҳозирги бир қанча функцияларини жамоат ташкилотлари бажарадиган бўлиб қолиши социалистик жамиятнинг сиёсий негизини кенгайтиради ва мустаҳкамлайди, социалистик демократиянинг янада ривожланишини таъминлайди.

Совет тузумининг негизлари ғоят мустаҳкам эканлигини фақат биз коммунистларгина, совет кишиларигина кўраётганимиз йўқ. Буни ҳатто совет тузуми бузилмаётганмикин деган ният билан чет эллардан бизнинг мамлакатимизга келаётган ва ўзларининг кўнгилларига ёқмайдиган манзарани кўриб пешоналари тириштан ҳолда қайтиб кетаётган кишилар ҳам эътироф қилишга мажбур бўлмоқдалар. Улар Совет давлати заифланиб қолар деган умидларини келажакка қолдирмоқдалар, келажакда эса, мамлакатимизнинг истиқболлари янада гўзалроқдир.

Энди бундан буён Совет давлати тузумимизнинг моддий негизини ташкил қилган экономикани ривожлантиришга тағин ҳам кўпроқ эътибор бера оладиган бўлиб қолади. «Буржуа тузумида, — деган эди Ленин, — иш билан давлат органлари эмас, балки хўжайинлар шуғулланар эдилар, бизда эса, хўжалик иши — бизнинг умумий ишимиздир. Бу биз учун энг маҳроқли сиёсатдир» (Асарлар, 32 том, 479 бет).

Социалистик давлатнинг тинчликни ҳимоя қилиш соҳасидаги, империалистик давлатлар томонидан бўладиган ҳарбий ҳужум хавфидан мамлакатни мудофаа қилиш соҳасидаги вазифалари айниқса муҳим ва каттадир. Модомики, ғарб давлатларининг агрессив ҳарбий блоклари мавжуд экан, биз совет халқининг буюк ғалабаларини ва тинч меҳнатини қўриқлаб турган шонли Қуролли Кучларимизни мустаҳкамлашга ва такомиллаштиришга мажбурмиз. Давлат хавфсизлиги органларини мустаҳкамлаш керак, бу органларнинг тинч, аввало, империалистик давлатлар томонидан юборилаётган агентурага қарши қаратилгандир. Шунингдек империализм лагеридан бўлган душманларимизнинг иғвогарлик ҳаракатлари ва кирдикорлари пайини қирқиши лозим бўлган бошқа органларни ҳам мустаҳкамлаш керак. Бизнинг душманларимиз социалистик мамлакатларга қарши қўпорувчилик ишлари олиб боришга жуда кўп маблағлар сарфламоқдалар. Бас, шундай экан, социалистик давлат хавфсизлигини муҳофаза қилиши лозим бўлган органларни қандай қилиб тугатишимиз мумкин. Бундай органларни тугатиш бемаънилик ва жиноят бўлур эди.

Бизнинг партиямиз Совет давлатини мустаҳкамлашга кўп эътибор бераётганлиги учун Югославия ревизионистлари бизни танқид қилмоқдалар ва бундай қилиш давлатнинг барҳам топиб боришг тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотга мувофиқ келмайди, деб айтмоқдалар.

Мен юқорида айтиб ўтганимдек, ҳозирги вақтда бизнинг турмаларимизда сиёсий айблар билан қамалган кишилар йўқ. Зўрлаш органларининг барҳам топиши тўғрисида ган юритишни яхши кўрадиган Югославия раҳбарлари, Югославия Коммунистлар союзининг янги программасига рози бўлмаган, социализм қурилиши ва партиянинг роли тўғрисида бошқача фикрда бўлган ва шунинг учун ҳам Югославия турмаларида азоб тортаётган ҳамма коммунистларни озод қилиб юборсалар яхши иш қилган бўлур эдилар.

Ленинизм таълим бериб ўргатадики, коммунизм тўла ғалаба қозонганидагина давлат барҳам топади. Ҳозирги шароитда социалистик давлатни заифлантириш душманларга ёрдамлашиш демакдир. Империалистлар бизни енга олмасликлари ҳозир аён бўлиб турган бир пайтда ревизионистлар, аслини олганда, бизга ўз-ўзимизни қуролсизлантиришни, мамлакат мудофаасини таъминлаб турган давлат органларини йўқ қилиб ташлашни ва шу тариқа душманларга таслим бўлишни таклиф қилмоқдалар. Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш соҳасида ҳозирги вақтда давлат бажараётган функциялар бизнинг мамлакатимизга ва биз билан иттифоқдош бўлган мамлакатларга империалистлар томонидан бўладиган ҳужум хавфи батамом йўқотилганидагина барҳам топиши мумкин.

Социализм қуриш бир мамлакат доирасидан чиқиб жаҳон социалистик системаси вужудга келган ҳозирги пайтда **социализм ва коммунизм ғалабаси учун курашнинг янги назарий масалалари ҳам туғилди.**

Яқин-яқинлардагина коммунистик ҳаракатда алоҳида олинган бир мамлакатда социализм қуриш мумкинлиги масаласи, социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалаба қилиши масаласи кўйилган ва муҳокама қилинган эди.

Совет мамлакати эндигина социалистик қурилишга киришаётган ва унинг келгусидаги йўли кўп кишилар учун келажакнинг ғира-ширасида ҳали кўринмай турган бир вақтда, В. И. Ленин, Совет мамлакати олдида равшан ва кенг уфқни очиб берди. У бизда «...тўла социалистик жамиятни қуриб тугаллаш учун зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммаси» б

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ докладининг охири

Шу нарса шак-шубҳасиздирки, жаҳон социализм системаси янада ўсиб ва мустаҳкамланиб борган сари барча социалистик мамлакатлар тағин ҳам муваффақиятлироқ равишда ривожлана борадилар. Бу мамлакатларда коммунизмнинг биринчи фазасидан иккинчи фазасига ўтиш учун шарт-шароит анча тез суръатлар билан вужудга келтирилади.

Ўтмишда қолоқ бўлиб келган баъзи мамлакатлар илгор социалистик мамлакатларнинг ёрдами билан, ривожланишнинг капиталистик босқичини четлаб ўтиб, социалистик тузумга ва ривожланишнинг муайян босқичлари орқали коммунизмга ўтишлари мумкин деган ленинча қоида амалда яққол исбот бўлганлигини эслатиб ўтиш керак. Мамлакатимизда социалистик революция қилинган пайтда ё капитализмга қадар бўлган босқичда турган, ёки эндигина капитализмга ўтаётган Козоғистон, Ўрта Осиё халқлари социалистик ривожланиш йўлидан бориб нақадар катта муваффақиятларга эришганликларини эндиликда ҳамма кўриб турибди. Бу халқлар капиталистик ривожланишнинг бутун уқубатли босқичини бошларидан кечирмадилар, улар анча ривожланган социалистик миллатларнинг, жумладан рус социалистик миллатининг мадади ва ёрдами билан капиталистик ривожланиш босқичини четлаб ўтиб, социализмга ўтишга муваффақ бўлдилар. Капиталистик босқични четлаб ўтиб, социалистик йўлга аллақачон ўтиб олган ҳамда хўжалик ва маданий қурилишда катта натижаларга эришган Мўғулистон Халқ Республикаси тўғрисида алоҳида гапириб ўтиш керак.

Инсониятнинг коммунизм сари бориш перспективаларини кўздан кечирар эканмиз, турли мамлакатлардаги тарихий шароитларнинг ниҳоят даражада хилма-хил эканлигини ҳисобга олишимиз лозим. Жамиятнинг коммунизм сари боришидаги умумий қонуниятларни амалга ошириш усуллари, методлари ва формаларининг ўзига хос хусусиятлари мана шундан муқаррар келиб чиқади. Шу билан бирга шуни ҳам ёдда тутиш зарурки, барча мамлакатларнинг коммунизм йўлидаги тараққиётида асосий ҳал қилувчи нарса уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган қонуниятлардир, аммо бу қонуниятларнинг айрим шаклда кўринишлари эмасдир. Марксизм-ленинизм илмий коммунизм назариясини ҳар бир айрим мамлакат тараққиётининг турли босқичларида шу мамлакатнинг конкрет шароитига моҳирлик билан татбиқ қилишни талаб этади.

Ҳозирги вақтда Югославия раҳбарлари биз социализм қурилишида социалистик мамлакатлардан ўрнак олмай ва уларнинг тажрибасига амал қилмай, ўз мамлакатимизнинг хусусиятларига қараб иш кўраётганимиз учун коммунистик партиялар бизга қарши чиқмоқдалар деган гапларни кўп гапираётирлар. Бу эса ҳақиқатни бузиб кўрсатишдир, албатта. Марксизм-ленинизм партиялари ҳар қайси мамлакатнинг ривожланишилари хусусиятларни эътироф килади. Аммо бундан марксизм-ленинизм кўрсатиб берган умумий йўлдан четда турган қандайдир бошқача йўл билан социализмга бориш мумкин, деган маъно келиб чиқмайди. Йўлнинг хусусиятлари — у ёки бу мамлакатнинг ривожланиши содир бўлаётган вазиятнинг ва вақтнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш демакдир. Масалан, Совет Иттифоқида социализм қуришда ўз вақтида қўлланилган баъзи бир тадбирларни бошқа мамлакатларда механик равишда қўлланиб бўлмайди. Ҳамма социалистик мамлакатлар социализм қурмоқдалар, лекин улар буни бир қолипда қилаётганлари йўқ.

Хитой Коммунистик партияси социализм қуришда ўзига хос кўпгина формаларни талбиқ қилмоқда. Бироқ, у билан бизнинг ўртамизда ҳеч қандай келишмовчилик йўқ ва бўлиши мумкин эмас.

Ҳозирги вақтда Югославия ревизионистлари ўз курашларининг асосий ўтини Хитой Халқ Республикасига қарши ёғдирмоқдалар ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Хитой Коммунистик партияси ўртасида ихтилофлар бор деган ҳар хил ўйдирмаларни тарқатмоқдалар. Рус мақолида айтилганидек, «оч янгамнинг эси ҳуши мудом нонда» қабилидан бўлмоқда. Ревизионистлар бизнинг Коммунистик партияларимиз ўртасида ихтилофлар топишга уринмоқдалар, лекин уларнинг бу хом хаёллари муқаррар барбод бўлади. Қардош Хитой Коммунистик партиясининг социализм қуришдаги методлари кўп жиҳатдан бизнинг методларимизга гарчи ўхшамаса ҳам, лекин биз унинг қилаётган ҳамма ишларига тўла равишда қўшиламиз. Хитойнинг тарихий ривожланишида ўзига хос хусусиятлари борлигини, аҳолисининг сони, ишлаб чиқаришнинг даражаси, миллий маданияти жиҳатидан ўзига хос хусусиятлари борлигини биламиз. Шу сабабли бу хусусиятларни назар-писанд қилмаслик, бир мамлакат учун яхши бўлган лекин бошқа мамлакат учун тўғри келмайдиган жиҳатларни кўчириб олабериш хато бўлур эди.

Хитой Коммунистик партияси билан бизнинг ўртамизда келишмовчилик йўқлигининг сабаби нима? Бунинг сабаби шуки, ҳар иккала партиянинг масалага синфий жиҳатдан қарашида ва масалани синфий жиҳатдан тушунишида бирлик бор. Хитой Коммунистик партияси синфий позицияда, марксча-ленинча позицияда қаттиқ турибди. У, империалистларга, эксплуататорларга қарши кураш олиб бормоқда, тумушни социалистик негизда қайта қуриш учун курашмоқда, халқаро пролетар бирдамлиги принципига риоя қилмоқда, марксизм-ленинизм назариясига амал қилмоқда.

Капитализмга қарши, ишчилар синфини озод қилиш учун, социализм қуриш учун курашда синфий бирдамликни сақлаш ва мустаҳкамлаш энг асосий ишдир. Бу ишда коммунистлар ўртасида ихтилофлар ва ҳар хил тушунишлар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ревизионистлардан бизни ажратиб турган асосий нарса мана шудир.

Социализм қурилишининг методлари ва практикаси масалалари ҳар бир айрим мамлакатнинг ички масалаларидир. Ишчи Советлари тузиш ва Югославиянинг ички ҳаётига доир бошқа масалалар устида Югославия раҳбарлари билан бахслашаётганимиз йўқ-ку. Социалистик мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Кенгашининг Декларацияси имзоланаётганида бундай масалалар устида ҳеч қандай тортишув ва бахсдашишлар бўлгани йўқ.

Югославия ревизионистларига бундай деб айтиш мумкин: сизлар йўқ жойдан раҳна қидирманг. Фақат сиз билан бизнинг ўртамиздагина эмас, шу билан бирга Совет Иттифоқи билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида ҳам ихтилофлар бор, деган ҳар хил ўйдирмалар билан ўзингизга далда бермоқчи ва югослав халқини чалғитмоқчи бўлаётганга ўхшайсиз. Бундан ҳеч нарса чиқмайди. Бу ҳаёлингиз пуч. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Хитой Коммунистик партияси икки буюк социалистик мамлакатнинг дўстлигини мустаҳкамлоқ учун ҳамма чораларни кўрадилар.

Ўсимликлар учун, ердаги ҳаёт учун қуёш нурлари, ёруғлиқ ва иссиқлик қандай ҳаётбахш кучга эга бўлса, марксизм-ленинизм идеялари ҳам халқаро ишчилар ҳаракати учун, коммунизмнинг ғалаба қилиши учун шундай ҳаётбахш кучга эгадир. Ҳаётнинг ўзи ўзининг прогрессив ҳаракатида, ўзининг рангба-ранг кўринишларида чексиз бўлгани каби, марксизм-ленинизм назарияси ҳам ўзининг ривожланишида ҳамда ўзини янги тажриба, янги қоидалар билан бойитишда чексиздир.

V. Коммунистик партия — совет халқининг коммунизм ғалабаси учун курашида раҳбар ва ташкилотчи куч

Ўртоқлар! КПССнинг XX съездидан кейин ўтган давр партиямизнинг янада ўсганлиги, партия сафларидаги бирликнинг янада мустаҳкамланганлиги, Совет Иттифоқи халқларининг Коммунистик партия теварагига янада маҳкам жипслашганлиги билан характерланади. XX съезднинг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, партия омма билан ўз алоқаларини янада кўпроқ мустаҳкамлади, сиёсий раҳбарлик ва ташкилотчилик фаолияти соҳасида янги тажрибалар тўплади.

Партия шу давр ичида ички ва ташқи сиёсат соҳасида бир қанча катта тадбирларни амалга оширди. Бу тадбирлар Совет давлати куч-қудрати ва обрўсининг ўсишига, халқ фаровонлигини юксалтиришга, жаҳон социалистик лагерининг янада кучайишига, тинчлик ишининг мустаҳкамланишига ёрдам берди.

Партия Владимир Ильич Ленининг коммунистик қурилиш базифаларини ҳал этишга ижодий ёндошиш, ҳар бир янги босқичда тарихий тараққиёт занжиридаги асосий ҳал қилувчи звенони топа билиш, перспективаларни очиб бера билиш, оммани сафарбар қила билиш, олға томон қилинадиган ҳаракатга ҳалақит берадиган ва даври ўтиб кетган эскиликнинг ҳаммасини дадил ва қатъий суратда парчалаб ташлай билиш зарур эканлиги тўғрисидаги кўрсатмаларини изчиллик ва қатъият билан амалга ошириб келди.

Бизнинг партиямиз марксизм-ленинизмга садоқати туфайли, халқ билан бузилмас бирлиги туфайли ғалаба қилиб келди ва ғалаба қилмоқда.

Партия Марказий Комитети ўз пленумларида коммунистик қурилишнинг етилган масалаларини мунтазам суратда кўриб келди. Марказий Комитет саноат ва қурилишни бошқаришни қайта қуриш, машина-трактор станцияларини қайта ташкил этиш ва колхоз тузумини янада ривожлантириш, мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш ва мамлакатда халқ маорифи системасини қайта қуриш каби катта ва муҳим тадбирларни умумхалқ муҳокамасига қўйди. Партия халқ билан маслаҳатлашиб, халқнинг коллектив идроки ва энг бой тажрибасига таяниб, олға қараб қилаётган ҳаракатимизни тезлаштирадиган энг муҳим тадбирларни ишлаб чиқмоқда ва амалга оширмоқда.

Партия, XX съезднинг қарорларини амалга ошира бориб, партия ҳаётининг ленинча қоидаларини ва партия коллектив раҳбарлиги принципларини тиклаш ва ривожлантириш, партиялилар оммасининг, бутун совет халқининг ижодий активлигини ҳамма чоралар билан ошириш соҳасидаги ишларни давом эттирди. Партия Марказий Комитети ўзининг бутун фаолиятида ленинизмнинг принципиал сиёсат бирдан-бир тўғри сиёсат эканлиги тўғрисидаги энг муҳим қоидасига амал қилмоқда. Маленков, Каганович, Молотов, Булганин ва Шепиловларнинг партияга қарши группаси партия бош йўлининг амалга оширилишига қаттиқ қаршилик кўрсатди. Ана шу группа фракциячилик, нифоқчилик курашининг энг разил усулларини қўлланиб, партиянинг бирлигини бузишга, XX съезд қарорларининг бажарилишига халақит беришга, партияни ва мамлакатни Ленин йўлидан четга чиқаришга уринган эди.

Партияга қарши бўлган ва турмушдан, халқдан, партиядан ажралиб қолган группа қатнашчилари совет жамиятининг тараққиётини бюрократларча тасаввур қилдилар. Улар партия томонидан XX съезд қарорлари асосида амалга оширилган барча энг муҳим тадбирларга қарши чиқдилар, саноатни, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, халқнинг фаровонлигини оширишда катта муваффақиятларни қўлга киритишимизга имкон берган тадбирларга қарши чиқдилар, ташқи сиёсат соҳасида эса халқаро кескинликни юмшатиш ва тинчлик ишини мустаҳкамлашга қарши чиқдилар.

Бизнинг партиямиз, бутун совет халқи КПСС Марказий Комитетининг партияга қарши группани фош қилган ва ғоявий жиҳатдан тор-мор келтирган июнь Пленумининг қарорларини якдиллик билан маъқулладилар. Партиямиз, унинг Марказий Комитети манфур фракциячилар ва нифоқчилар группасини қатъий қоралаб ва тор-мор келтириб, нечоғлик тўғри ва ҳақли иш қилганликларини эндиликда ҳамма кўриб турибди. Партияга қарши группани тор-мор келтириб, партия ўз сафларини марксизм-ленинизм байроғи остида Марказий Комитети теварагига янада маҳкам жипслаштирди.

Совет халқи ленинчи партиямизни ўзининг синалган йўлбошчиси ва устози деб, унинг доно раҳбарлигини коммунизмнинг янгидан-янги ғалабаларига эришиш гарови деб билади. Халқнинг Коммунистик партияга чексиз ишончи КПСС сафларининг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва совет интеллигенцияси орасидан чиққан энг яхши кишилар ҳисобига ўсаётганлигида яққол кўринмоқда. Партиямизнинг сафларида 8 миллион 239 мингдан кўпроқ аъзо ва КПСС аъзолигига кандидат бор, ёки КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар сони XX съездгача бўлганидан бир миллион 23 минг кишига ортди. Кейинги йилларда ишчилар ва колхозчиларни партия сафига қабул қилиш анча ортди. Ҳозирги вақтда партия сафига қабул қилинаётган кишиларнинг қарийб учдан икки қисмини ишчилар ва колхозчилар ташкил этади.

Бизнинг партиямиз Ўзининг XXI съездига коммунистик жамият қурилишининг улуғвор вазифаларини муваффақиятли ҳал эта оладиган ўзининг ленинчи Марказий Комитети теварагига ҳар қачонгидан кўра маҳкам бирлашган ва жипслашган ҳолда келди.

Етти йиллик планни бажариш учун кураш кучларимизни сафарбар қилишни, партиянинг бутун ташкилотчилик ва тарбия ишларини янада юксак даражага кўтаришни талаб этади. Етти йиллик план мамлакатнинг тараққиётида янги тарихий маррадир. Ана шу маррага эришмоқ учун биз олға қараб жуда қудратли қадам ташлаш учун кучларни сафарбар қилишимиз, уларни тўғри жойлаштиришимиз ва яхши тайёрлашимиз керак.

Бизнинг съездимиз яқин етти йилликда коммунистик қурилишнинг улуғвор планини ишдаб чиқади. Партия ана шу тарихий даврдаги асосий вазифаларни, умумий стратегия йўлини белгилайди. Қарор қабул қилинганидан кейин ҳар бир республика, ўлка, область, район, ҳар бир завод, фабрика, қурилиш, колхоз, совхоз, илмий муассасанинг коллективи, образли қилиб айтганда, ўз фаолияти участкасида мазкур коллектив эгаллаши лозим бўлган маррани тўғри белгилаб олиши зарур, токи етти йиллик планни тўла ва ошириб бажаришда ўз меҳнати билан актив қатнашсин. Эндиликда партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва идеология ишлари ана шу тамомила конкрет вазифаларни ҳал этишга бўйсундирилиши лозим.

Ҳозирги вақтда бир мақсадни кўзлаб тутиб конкрет ишлаш, ишнинг кўзини яхши билиш айниқса зарурдир. Умумий гаплар, умумий даъватлар сира фойда бермайди.

Бизнинг партиямиз коммунизм учун кураш идеясини тамомила муайян вазифалар шаклида оммани онгига сингдиради, ҳар бир коллективнинг, барча кишиларнинг куч-ғайратини ана шу вазифаларни ҳал этишга ҳаракатлантиради ва уларга етакчилик қилади.

Етти йиллик планнинг муваффақияти корхона ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда, илмий муассасаларда бевосита ҳал этилади. Шу муносабат билан маҳаллий партия органларининг, бошланғич партия ташкилотларининг роли янада кўпроқ ортади. Улар ҳар бир корхонада, ҳар бир колхозда ва ҳар бир муассасада ижодий меҳнат ва зўр ғайрат билан ишлаш муҳитининг вужудга келтирилишига эришмоқлари зарур.

Асосий вазифа — мавжуд барча моддий ресурслардан фойдалана билишдан иборат. Саноат ва қишлоқ хўжалигида янги саноат марказларини вужудга келтириш соҳасида буюк ишлар қилинадиган районларини малакали кадрлар билан таъминлаш — кечиктирилмайдиган муҳим ишдир.

Қўриқ ерларни ўзлаштириш даврида минг-минглаб мутахассислар ва тажрибали раҳбарлар зўр иштиёқ билан ишлаш учун шарқий районларга боргани каби, эндиликда саноат, энергетика, транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишловчи ходимлар, шунингдек фан ва техниканинг турли соҳасида ишловчи ходимларнинг янги кўп сонли отрядларининг мамлакатдаги ана шу энг бой районларга бориш йўлидаги ҳаракатини кенг ривожлантириш керак. Мамлакатнинг шарқида янги илмий марказларни вужудга келтириш ғоясини илгари суриб доимий ишлаш учун ана шу ерларга жўнаб кетган бир қанча йирик олимлар, академиклардан Михаил Алексеевич Лаврентьев, Сергей Алексеевич Христианович ва Сергей Львович Соболевларнинг кўрсатган намунаси маъқуллаш ва қўллаб-қувватлашга сазовордир.

Коммунистик партия кадрларимизни, барча коммунистларни юксак талабчанлик руҳида, камчиликларга қарши шафқатсиз бўлиш, танқид ва ўз-ўзини танқид, партиявий принципиаллик руҳида, халқ манфаатларига, коммунизм ишига садоқат руҳида тарбияламоқда.

Бизнинг мамлакатимиз ва бошқа социалистик мамлакатларнинг социализм ва коммунизм ғалабаси учун курашдаги бутун тажрибаси ленинизмнинг энг муҳим қоидаларидан бири, яъни коммунистик жамият қуриш жараёнида партиянинг роли, ҳозирги замон ревизионистлари даъво қилганидек, заифлашиб бормай, балки ўсиб бориши кераклиги ҳақидаги қоидаси тўғри эканлигини тасдиқлайди.

Ижтимоий ташкилотнинг олий формаси, халқнинг илғор отряди, синалган авангарди бўлмиш Коммунистик партия меҳнаткашларнинг барча жамоат ташкилотларига раҳбарлик қилмоқда.

Ўртоқлар! Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги энг муҳим даврига қадам қўяётган ҳозирги шароитда СССР Конституциясига баъзи ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш зарурлиги тўғрисидаги масалани қўйиш пайти келди. Конституция қабул қилинган пайтдан буён жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эга воқеаларга бой бўлган йигирма йилдан ортиқ вақт ўтди. Социализм бир мамлакат доирасидан чиқи ва қудратли жаҳон системасига айланди. Совет Иттифоқининг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Коммунистик жамият қуриш партия ва халқнинг бевосита амалий вазифаси бўлиб қолди. Ички ҳаётдаги ва халқаро аҳволдаги ана шу жуда катта ўзгаришларнинг ҳаммасини давлатимизнинг асосий қонуни бўлган Совет Иттифоқи Конституциясида акс эттириш ва қонуний тартибда мустаҳкамлаш керак бўлур.

Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида давлат ҳокимиятининг органлари бўлган меҳнаткашлар депутатлари Советларининг роли янада кўпроқ ўсади. Меҳнаткашлар депутатлари Советлари ўзларининг бутун ишларини омманинг активлигига таяниб, социалистик демократияни янада кенгайтириш, ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини ва мамлакатимиз халқларининг дўстлигини янада кўпроқ мустаҳкамлаш асосига қуришлари лозим. Иттифоқчи республикаларнинг Олий Советлари Советларнинг ишларини яхшилаш, уларнинг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш, совет демократиясини янада ривожлантириш ва меҳнаткашларни Советларнинг амалий фаолиятига янада кенгроқ жалб этиш мақсадида меҳнаткашлар депутатлари Советларига февраль-мартда ўтказиладиган сайловларда маҳаллий Советлар депутатлари сонини анча, тахминан 350 минг кишига кўпайтириш зарур деб топдилар.

Советларнинг ўз ролини янада муваффақиятли амалга ошира олишлари учун улар сансалорлик ва бюрократизм элементларига узил-кесил хотима беришлари, меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари зарур.

Ҳозирги вақтда ўз сафларида эллик миллиондан кўпроқ ишчи ва хизматчиларни бирлаштирган касаба союзлари кенг оммани етти йиллик планни муваффақиятли бажариш учун сафарбар этишда кўп иш қилишлари керак. Партия ташкилотлари КПСС XX съездидан кейин касаба союзларига раҳбарликни кучайтирдилар, уларнинг ишларига катта ёрдам бермоқдалар. Касаба союзларининг роли анча ўсди, улар ишлаб чиқариш масалалари билан чуқурроқ шуғуллана бошладилар, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишчи ҳамда хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш учун зўр ғайрат билан кураш олиб бора бошладилар, хўжаликни бошқариш ишларига оммани кенгроқ жалб этмоқдалар.

Владимир Ильич Ленин капитализмдан коммунизмга ўтиш даврида касаба союзларининг роли ҳақида гапириб, айтган эдики, касаба союзлари «...тарбия берадиган, жалб қиладиган, таълим берадиган ташкилотдир, у мактаб, идора қилиш мактаби, хўжаликни бошқариш мактаби, коммунизм мактабидир». (Асарлар, 32 том, 2 бет). Ленин касаба союзлари—«коммунизм мактаби» деб айтганида бу сўзга қандай чуқур маъно берганлигини кўриб турибсиз.

Касаба союзлари Ленининг ана шу кўрсатмаларига амал қилиб, ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг активлигини оширишлари, уларнинг куч-ғайратини ҳар бир корхонанинг давлат топшириқларини тўла ва ошириб бажаришга, техникани тараққий этириш учун курашга сафарбар қилишлари, социалистик мусобақани янада кенг авж олдиришлари, ишлаб чиқариш новаторлари, ихтирочилари ва илғорларини қўллаб-қувватлашлари, уларнинг тажрибаларини кенг ёйишлари керак.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазаси устидан, уй-жой қурилиши планларининг бажарилиши, уй-жойларнинг тақсим қилиниши, савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш корхоналарининг иши, меҳнаткашларга медицина ва коммунал хизмати кўрсатиш устидан жамоатчилик контролини уюштириш соҳасида касаба союзлари зиммасига катта вазифалар юкланади. Касаба союзлари маданий-оқартув муассасаларининг ишларини яхшилашлари, меҳнаткашларнинг коммунистик онги ва маданий савиясини ошириш масалалари билан доим шуғулланишлари зарур.

Партия ташкилотлари касаба союзларининг катта ва муҳим ишларида уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари ва уларга ёрдам беришлари лозим. Касаба союзларининг етти йиллик планни муваффақиятли суратда амалга ошириш ишига муносиб ҳисса қўшишларига шак-шубҳа йўқ.

Ўртоқлар! Ленин комсомоли коммунизм учун курашда партиянинг содиқ ёрдамчисидир. Ленин комсомоли сафларида 18 миллиондан ортиқ йигит ва қиз бор. Комсомол ташкилотлари партия XX съездининг қарорларини бажара бориб, ёшларни хўжалик ва маданий қурилишда актив қатнашиш учун сафарбар этиш соҳасида анча кўп иш қилдилар.

Бизнинг ёшларимиз қўриқ ерларни ўзлаштиришда, қишлоқ хўжалигини юксалтиришда, саноатни ривожлантиришда яхши намуна кўрсатдилар. Комсомолнинг яқин йиллар ичида йигит ва қизлардан бир миллион кишини саноат қурилишининг энг муҳим объектларига юбориш соҳасидаги ташаббуси ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга сазовордир. Мамлакатимиз йигит ва қизларининг қилаётган кўп меҳнати уларнинг коммунистик онги ўсганлигини, ёшларнинг жамият бахт-саодати йўлида фидокорона меҳнат қилишни ватанпарварларча истаётганликларини исбот этади. Комсомол ўзининг шонли ишлари билан бутун халқимизнинг ҳурмати ва муҳаббатига сазовор бўлди.

Коммунистик қурилишнинг партиямиз томонидан шу беш йилликка мўлжалланган янги улуғвор программаси ёш авлоднинг ижодий ташаббуси ва ғайратини ўстириш учун жуда кенг имкониятлар очиб беради.

Партиянинг XXI съездига тайёргарлик даврида комсомолнинг ташаббуси билан коммунистик меҳнат бригадаларини ташкил этиш ва ишлаш ҳаракати кенг авж олди.

Партия Ленин комсомоли, шонли совет ёшларимиз етти йиллик планни муваффақиятли амалга ошириш учун курашувчиларнинг биринчи сафларида бўладилар, деб ишонч билдиради.

Совет халқи социалистик қурилиш жараёнида меҳнат қаҳрамонлиги мўжизаларини кўрсатди. Етти йиллик план меҳнат ғайратини янада кучайтириб юборишига, мамлакатимизда коммунистик қурилиш улуғвор программасининг топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасининг янги формаларини вужудга келтиришига шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

* * *

Ўртоқлар! Биз ажойиб бир пайтда яшамоқдамиз. Бизнинг давримизда Коммунистик партия раҳбарлигидаги совет халқининг иродаси ва ижодий меҳнати билан инсониятнинг энг мардона орзу ва тилаклари амалга ошмоқда. Кишиларнинг кўп авлодлари бахтли истиқболни, бойлар ва камбағаллар бўлмайдиган, меҳнат аҳли эзилмайдиган жамият тузумини орзу қилиб келган эдилар. Улар коммунизмни орзу қилиб келган эдилар.

Бир асрдан кўпроқ вақт илгари ишчилар синфининг улуғ йўлбошчи ва устозлари Маркс ва Энгельс меҳнаткашларни илмий коммунизмнинг революцион назарияси билан қуроллантирдилар. Ўлмас Ленин ана шу қолиб назарияни янги тарихий шароитларда ижодий тарзда ривожлантирди ва бойитди. Ленин Коммунистик партиямизни вужудга келтирди ва чиниқтирди. Мамлакатимизнинг ишчилар синфи, меҳнаткашлари Коммунистик партиямиз раҳбарлигида Улуғ Октябрь социалистик революциясини амалга оширдилар, социализм қурдилар ва эндиликда муваффақиятли суратда коммунистик жамият барпо қилмоқдалар.

Биз, синалган ленинча ғўлдан барча ғов ва тўсиқларни енгиб, ишонч ва қатъият билан олға бормоқдамиз. Альпинистларнинг илғор отряди эришиб бўлмайдиганга ўхшаб кўринган янги чўққиларни дадил ва мардона штурм қилиб, илғор отрядга эргашиб борувчи кишиларга йўл очиб берганидек, Совет Иттифоқи ишчилар синфи, меҳнаткашларининг жанговар авангарди бўлган бизнинг партиямиз ҳам совет халқини коммунизмнинг нурли чўққилари сари бошлаб бормоқда.

Биз қадам қўйган етти йиллик мамлакатимизнинг тарихий тараққиёти йўлида янги муҳим маррадир, ҳал қилувчи маррадир деб айтиш мумкин. Коммунистик партия, бутун совет халқи ана шу маррани ҳам эгаллаб, кенг йўлга чиқиб олишларига қатъий ишонадилар, ана шу вақтда олға бориш енгиллашади. Бизнинг олдимизда равшан ва олижаноб мақсад турибди. Бу мақсадга эришмоқ учун яхши меҳнат қилиш керак. Бундай меҳнат кишини улуғлайди, уни мамнун ва бахтиёр қилади.

Совет халқи социалистик лагердаги барча мамлакатларнинг халқлари билан маҳкам жипслашган ҳолда олға бормоқда. Эндиликда Европа ва Осиёдаги социалистик мамлакатларнинг бир миллиардга яқин аҳолиси, яъни бутун инсониятнинг учдан бир қисмидан кўпроғи социализм ва коммунизмнинг голиб байроғи теварагига бирлашди. Социализм кучлари қудратлидир, бу кучлар кун сайин ўсмоқда. Келажак шуларникидир.

Биз марксизм-ленинизм байроғи остида ер юзида энг яхши, энг адолатли жамиятни — коммунистик жамиятни вужудга келтириш йўлида комил ишонч билан олға бормоқдамиз.

Яшасин коммунизм қураётган улуғ совет халқи!

Яшасин совет халқининг жанговар ва синалган авангарди, коммунизм ғалабаларининг ташкилотчиси ва илҳомчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Яшасин қудратли социалистик лагерь мамлакатларининг бузилмас қардошларча дўстлиги!

Яшасин барча мамлакатлар коммунистик ва ишчи партияларининг маркса-ленинча бирлиги.

Яшасин бутун дунёда тинчлик!

(Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг доклади қизғин қарсаклар билан кўп марта бўлиниб турди. Доклад тамом бўлгандан сўнг залда бошланган кучли овация бир неча минут давом этди).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Р-01041. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Б-1522.